

**БОТИРХОН АКРАМ**

# **ЮРАК ЙЎЛЛАРИ**

**(Рауф Парфининг ижод олами)**

## **МУНДАРИЖА**

### **Биринчи китоб**

#### **Илоҳий гўзаллик қасидаси**

##### **I**

Етти ҳайрат

Дебоча

- 1.Истеъдод ижодий қисмат демақдир.
- 2.Табаррук қалам масъулияти.
3. “Тархи тоза ва беандоза” истиоралар.
4. “Абадий мавзулар сехри”.
- 5.Оламнинг зиддиятли моҳиятига назар.
- 6.Ботиний-руҳий дунё рағбати.
- 7.Бадиият ибдитоси – самовий ҳодиса.

##### **II**

Шеър – илоҳий бутунлик тимсоли (“Бир шеър таҳлили” туркумидан)

- 1.Шоирнинг ёруғ юлдузи (“Чўлпон”).
- 2.Мажнуншиор қисмат (“Шоир”).
- 3.Мукаррам хотирот (“Туркистон ёди”).
- 4.Муборак саждагоҳ (“Ватан”).
- 5.Илоҳий гўзаллик қасидаси (“Муҳаббат”).
- 6.Юрак йўллари (“Юрак”)
- 7.Диёнат шевасининг қасоскор тимсоли (“Ҳамлет”)

## **1.(I).Истеъдод ижодий қисмат**

### **демакдир**

Айниқса, шеърий истеъдод нафақат камёб, балки ғойиб бир баҳт, аниқроғи илоҳий бир иноятдир. Унинг чин маъно-моҳиятини яхшироқ идрок этмагунча, шеър яратмоқ йўлидаги уриниш-изланишлар ижодий дардга, охир-оқибат шавқу ғууррга айланмоғи қийин, албатта. Эҳтимол барча илму ҳунару ижод аҳлининг, шу жумладан шоирнинг ҳам ўзлигини англаб етиши, қолаверса, давомли изланишлар жараёни ҳақида ҳазрат Навоий шундай ҳадимсонанд мисралар битади:

Тенгри эҳсонига шод ўлғон қилур –  
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам...

Воажаб! “Тенгри эҳсони” – истеъдоддек улуғ салоҳиятнинг инсонга нима учун – қандайин муроду мақсад билан берилганини, бунингдек, муборак насиба – ижодий қисматнинг ўзи асли нима эканлигини зийрак ва закий фаросат назари билан мушоҳада этиб, чуқур фаҳмлаб, англаб олган ижодкор, фақат “ўзни” – хосу бетакрор табиати – хилқатини, ўз шаъни – “нангу номи”ни улуғламоқ билангина кифояланмасдан, “элни ҳам”, биринчи навбатда, ижод маҳсулиниң гули сара асарлари билан қуворнирар экан! Яъни, шоир саъжиясига хос безовта-уринчоқ, шайдоий, ҳам азобли-машаққатли, ҳам ўзгача шавқу рағбат ила йўғрилган “меҳнати” билан туққан элини, юртини рози қиларкан! Хусусан “элни ҳам... шод қилмак” – шеърий ижодни қисмати илоҳий ҳамда имон-эътиқод иши деб билган қалам аҳли учун бундан ортиқ баҳт борми ўзи?.. Бас, эл ва юрт абадиятга мансуб, уни рози қилишдек муборак юмуш – ижоди билан “шод ўлғон” шоир сўзи ҳам ўлмаслигига шубҳа йўқ...

Рауф Парфи – ана шундай комил хислат – эътиқод билан бу олис, уқубатли, айни чоғда, башарий йўлга кирганини тийрак англаб олган, шунинг учун ҳам ҳар бир сўз-ташбех, тимсол-истиора, йўл-сатр қадрини эъзозлаган, “килки сунъ” – “хомаи тақдир” (Навоий иборалари) ўзининг рўзи насибига айланганидан “шод ўлғон” чиндан-да, толеи баланд шоирлар тоифасидан. Буни, масалан, “Шоир”, “Усмон Носир”, “Шеърият” каби шеърларида ёрқин ифодалаган. Унинг сарлавҳасиз битилган бошқа шеърларидан айрим сатрларни келтириб мушоҳада этиб кўрайлик:

Иzlaisanmi sen-da bir panox,  
Xech tinaрmu bu kуй, bu ofrik,  
Эҳtimolki, bekordir, э vox,  
Ўrtaniшинг, bu қадар бағrim?!

Ҳакиқий истеъдод соҳибиға хос тоза-бокира туйғулардан йўғрилган – фақат ўз хаёлот дунёси, шеърий тимсоллари дунёси билан танҳо қолган зоҳиран бизга ёлғизлиқдай туюлган (эҳтимол, баъзан чиндан ҳам ёлғизлиқдан изтироб чекаётган), гоҳ чукур ишонч, гоҳи иштибоҳ, иккиланиш ҳолатларини кечираётган, тўғриси, шоирнинг ўзигина биладиган оламнинг табиий таровати-ла чизилган манзараси. Бу қадим дунёning моҳият ва сабабиятига дохил бошқа ҳодисоту ҳолатлар каби шоир қисматига битилмиш, ўзлиги билан юзма-юз қолган кезларга хос зиддиятли кечинмалар тасвири унинг шахсиятини озми-кўпми билиб олишимизга ёрдам берса, ажаб эмас. Кейинги мисраларда, айниқса, шеърий истеъдод ниҳолчаси илк нишона бериши, амалланиши учун ўзгача эътибор – руҳий ва маънавий парвариш нақадар зарурлиги “мехр” тимсолида ифодаланади:

Ўйchan кеча, тун ичра танҳо,  
Рауф Парфи, қолдик икковлон...  
Биз меҳрга тўймадик асло,

Меҳр-меҳр истаймиз ҳамон.

Хусусан, сўнгти икки мисра (“Биз меҳрга тўймадик асло, Меҳр-меҳр истаймиз ҳамон”) руҳига жойланган дард-ҳасрат, умид-илинж, армон туйғулари ҳақида шоир қаҳрамони кечирган ҳолат, кайфият даражасида бўлмаса-да (уни бутун ва аниқ шарҳлаб бериш имконсиз...), ҳар қалай, умумий тасаввур ҳосил қилиш мумкинки, ижодкорнинг ўзи, ўзлиги билан қилган дил сұхбати шеърият дунёси, истеъдод табиати, унинг биз ўйлагандан кўра зиддиятлироқ, мураккаброқ қисмати ҳақидаги билим-тушунчамизни тиниқлаштиради, чуқурлаштиради... Яна ўйга толдиради, фикр-баҳс қўзғотади: эҳтимолки шоир ва шеърият учун фаол ижтимоий дард, курашган ғоялар асосий мақсад ва матлаб бўлолмас. Зотан, шоир шахсияти учун, унинг ижодий қисматига айланган шеърияти учун чин инсоний дард, умид, армон туйғулари бегона эмаски, моҳиятда бу маънавий эҳтиёжнинг ўзгача ҳолати – руҳий, ҳиссий бир кўриниши эмасми?.. Не ажабки, шахсий ва ижтимоий муносабатлар жабҳасида муштарак ё бир-бирини тўлдирувчи ва, аксинча, бир-бирини инкор этувчи қадриятлар, ҳақиқатлар мавжуд. Чунончи, “Гўзаллик дунёни халос этади” (Достоевский) сўзларида мужассам ифодасини топган олижаноб ғоя – юксак бурч туйғусини “Гўзалликнинг ўзи ҳимоя – муҳофазага муҳтоҷдир” (Франк) пурдард драматик жумласида муҳтасар ифодаланган чуқур руҳий эҳтиёждан, балки, илоҳий бир маъно-мантиқдан холи тасаввур этиб бўлмайди.

“Усмон Носир” шеърида шоир ва шеърият қисматида битилган мутлақо ноҳақ маломат, жабру ситам, сўнгсиз алам, армон, изтироб, исён, ниҳоят муқаддас тазарруъ туйғулари ифодасига айланади.

Шеърият, йўлларингда сенинг,  
Эҳ, кимлар зору зор кезмаган.  
Эҳ, кимлар чок этиб кўксини,  
Қалбини ғижимлаб эзмаган.

Мен билурман сени, шеърият,  
Юрагимнинг сенсан улфат.

Лекин эй воҳ, шу эдими, айт,  
Шу эдими шоир қисмати?

Она Шеърият, ўйлайсанми,  
Кўйдинг-ку, шоирни қақшатиб.  
У қурбони бўлди дейсанми,  
Сўқир замонанинг ваҳшатин?..

Қандай аянч, бу надир ахир,  
Кечирмасман сени ҳеч қачон.  
Вужудимни ғижим-лар оғир,  
Рұҳим ичра яланғоч виждон...

## **2.(II). Табаррук қалам масъулияти**

Истеъдод сохибининг миллий адабиёт (хусусан, бой мумтоз шеърият)га мансуб бўлган қадим туркий тилга (эндиликда тарихнавислик, исломий фалсафа, ахлоқ, ҳукуқ, “илми бадеъ”, “илми синоеъ” билан боғлиқ, арабий, форсий тилдаги аслиятга мансуб ё таржима асарлар – солномалар, рисолалар, тазкиралар, бошқа илоҳий ва қомусий илм манбаларига) мутлақ ўзгача, фавқулодда чанқоқ, эҳтиёткор муносабат, қисқаси, юксак масъулият туйғуси...

Бу – она тилининиг тарихий илдизлари – азалий сарчашмаси – дастлабки манбалари, тоза унсурлари, табиий ирмоғу нахрларидан ҳосил бўлган тил уммонидан баҳраманд, фақат буюк шоирларга насиб этадиган нуқтадан, рангин, нозик маънолар маърифати... Умуман, арабий, форсий ва бошқа руҳий-илоҳий, бадиий илдизлари билан бой туркий тилимиз хазинасининг закий билимдони – ҳикматшуносининг хаёлоту хотирот дунёсини унинг сўз бойлиги – шеърий луғатидан билиб олса бўлади. Бу маънида Бобурнинг муҳтасару мўътабар нақли бор: “Сўзимни ўқиб англағайин ўзимни”. Бас, шеърий ижоддан хосу тансиқ соҳа қутлуғ ва ғоят мashaққатли машғулотнинг биринчи омили миллий тил сарзамиnidir. Шу маънода Рауф Парфи “Ота тилим” шеърида ҳазрат Навоий номини камоли ифтихор билан тилга олиши бежиз эмас:

Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат  
Улуғ Алишернинг қутлуғ тилида.

Чиндан-да, жаҳон шеъриятининг заминий меҳварлари, самовий буржлари аро, эҳтимол, нисбати йўқ. Алишер Навоийдек даҳо мансуб бўлган адабий-бадиий тилнинг поёнсиз ҳудудларида кезмоқ, Навоий қўтарилган сўз аршида қалам сурмоқ учун “тengri эҳсони” бўлмиш истеъдоднинг ўзи кифоя қилмас. Бу – даставвал қадим туркий тилимизнинг миллий ва умубашарий миқёси ҳақида теран ва кўламдор тасаввурга эга бўлмоқлик тақозо этилади. Масаланинг мураккаблиги,

ҳатто, дард-аламли жиҳати шундаки, дахрий-моддиюн шўро мафкурасини пухта режалаштирган дастури – ҳукмфармо тазиқи таъқиблари мухитида, айниқса, унинг машъум “оқибату асоратлари” туфайли “улуг Алишернинг қутлуғ тили” – Навоий шеърий луғати хазинасида мўътабар мақом тутган қудсий калимот – минг йилдан зиёд давр мобайнида миллий тилимизнинг қон-қонига сингиб кетган (фақат генезиси араб заминидан силқиб келган) жамики пурмаъно, нуқтадан сўзлар, шунингдек, неча минг йиллик Эрон – Турон маданий-бадиий робиталари самари бўлмиш форсийзабон фасоҳат тимсоллари, сахиҳу фақих истиоралар, рамзу мажозлар қанчалар маломатга, “ҳақорату сафолатлар” (Чўлпон)га гирифтор этилмади! Афсуслар бўлсинки, бундай маҳдудлик фожиасидан бир неча авлодга мансуб адибу шоирларимизни мустасно тутиб бўлмайди. Хулласи калом, Навоий “якқалам қилган”, улуг аждодлардан мерос туркий тилимизнинг муқаддас эхромини имкон қадар қайта тиклаш, таъмирлаш йўлидаги хайрли саъй-ҳаракатлар фақат сўнгги иккич уч ўн йиллик давомида ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Бундай ижодий жасорат майдонида буюк жафокашлар Қодирий, Чўлпон, Фитратлар анъанасини давом эттирган Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матчон каби ноёб истеъдодлар шеърий каҳкашонида Рауф Парфининг тимсоллари осмони ажралиб туради. Илло, шоир “улуг Алишер” номи тилга олинган юқоридаги байтдан кузатилган эзгу ният – муддаога мунтазам амал қилиб, сўз қадрини, ташбеҳ-тимсол, истиора-мажоз қадрини баланд тутмоқликни нафақат ижодий шиор, анъанавий шеърий таомил, балки собит қонуният деб билади. Мана унинг биринчи исботи – шоирнинг ҳам маънавий, бадиий-эстетик принципини ҳайратомуз мухтасар ва ёрқин ифодалаб берган байтларидан бири:

Эҳтимол, ноҳақман, эҳтимол, ҳақман,  
Лекин мен муқаддас сўзни изларман.

Қанийди “муқаддас сўзни изламоқ” ўзини шоир деб билган ҳар бир қалам соҳибининг шеър яратиш меъёри ва мезонига айланса, бундан шеърият ҳам, у мансуб бўлган халқнинг бадиий маданияти ҳам чиндан манфаат кўрган, унинг шаъни, эътибор-мартабаси ҳатто миллий сарҳадни базўр ёриб чиқсан бўларди!

Шоирнинг “Она тилим” шеърида хурфикрлилик ғояси дахлсиз юксак, халқнинг ўзидан мангу ҳақиқат рамзи сифатида тараннум этилади:

Сен-абадийсан, эй, она тилим,  
Сенда аён бўлган шафқатим, қаҳрим.  
Хеч қачон, ҳеч кимса ололмас юлиб,  
Ҳақиқатни юлиб ололмас, бағрим...

Банднинг аввалги икки сатрида нафақат шоир қаҳрамони мансуб бўлган халқнинг барҳаётлиги ғояси орифона ишонч билан улуғланади, айни пайтда, “она тили” ўз моҳиятига қўра миллиятнинг қиёфаси – ўзлиги, шаъни, мустақиллигининг рамзий ифодаси, мужассам тимсоли эканлиги айрича таъкидланади: “Сенда аён бўлғай шафқатим, қаҳрим”. Ажабо, шоир ўзаро муқобил маънодаги икки ташбеҳни “она тили”га нисбат бериш билан қандай мақсадни кузатди экан? Эҳтимолки, “шафқатим” эл-улуснинг миллат сифатида хақ-хуқуқини топиши, йўқотган маънавий қадриятларини, унutilган руҳий, маданий-маърифий меросини тиклаш билан алоқадор ёки бевосита ҳозирги даврнинг турфа ташвишлари, оғрикли муаммолари, эрталик тақдири – навқирон насллари истиқболига дахлдор армон, орзу-умид туйғулари зухур этар... Ва аксинча, “қаҳрим” ташбеҳи она халқнинг, она тилининг турфа қиёфадаги ғанимларига, жумладан империя сиёсатига қулларча хизмат қилган, “тилидан, элидан кечгандар” кўрқоқ сотқинларга, маънавий қулларга қаратилгандир. Ниҳоят, учинчи-тўртинчи мисраларда барча софдил кишилар эътиқоди – хуррият, миллий истиқбол, жумладан она тилининг соғлиги, дахлсизлиги йўлида ёвуз маломатлардан, ҳатто шарафсиз

(кафансиз, жанозасиз, мозорсиз) ўлимдан ҳам қўрқмаган халқнинг асл фарзандлари – шаҳид кетганлар ва фақат мўъжиза билан тирик қолганлар, ҳар қалай, ишонган, букилса ҳам синмас, йўқ бўлмас – “ҳеч қачон, ҳеч ким юлиб ололмас ҳақиқат”... безовта-туғёнли сўзлар такори (“ололмас юлиб”, “юлиб ололмас”) тарзида умулаштирилади.

Бундай исёнкор рух бошқа бир шеърда анчайин мунгли оҳангда ифодаланади:

Ҳеч нарса юпатмас, шоир, ҳеч нарса,  
Ғарib бахтиёрлик энди юпатар.

Биз неча-неча йиллар давомида сталинча-ждановча сохта оптимизм (“Дунёвий ғусса – бизнинг фалсафа эмас”) ақидасига мутеларча топиниб, даврнинг шафқатсиз ҳақиқатидан, замондош қисматига битилган драмалардан, ҳатто мисли қўрилмаган фожиалардан гумроҳларча қўз юмиб яшадик. Ҳолбуки, ҳақиқий ижодкор, жумладан мустақил фикрлаш, сўз эркинлиги туйғусини йўқотмаган Рауф Парфининг ҳатто катта истеъдодлар ижодида ўз асоратини қолдирган машъум маддоҳлик, ғофиллик шароитида ҳам ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан: “Ғарib бахтиёрлик энди юпатар” дея ўзининг руҳий ҳолатини рўйирост ифодалashi ҳаёт мантиқига ҳам, шеърият ҳақиқатига ҳам хилоф эмас. Айниқса, ҳақсизлик хуруж қилганда на юртнинг раҳнамоларидан, на дўстлардан бирон-бир юпанч, умид, нажот топмаган шоир қаҳрамони (бундай ҳазин танҳолик кайфияти ҳақпарат одамлар учун бегона эмас) ғариблик қисматини ҳаттоки баҳт ўрнида қабул қилиши унинг сабру сабот туйғусидан далолат берувчи ўзига хос сабоқ сифатида талқин қилса бўладиган бир ҳолдир.

Баъзан рост сўзга ишонч-иймон ҳисси билан эришиш имконияти топилмаганда иштибоҳли ҳолатни кечириш мумкинки, бу ажабланарли эмас. Шоир такрорлаган “эҳтимол” ташбеҳи чиндан ҳам шундай хусусиятга эгами ёки унинг сўзларида маълум киноя оҳанги бормикин?

Зеро, “лекин” сўзи орқали муддао аён бўлади: хоҳ шоир ўзининг ҳақлигига оғишмай турсин, хоҳ иккилансин (тўғрироғи, унинг бундай хуқуқи шубҳа остига олинсин), унинг қузатган мақсади ягона ва дахлсиз: “муқаддас сўзни излаш”. Тўғри, бу – ҳар бир иқтидорли шоир учун эзгу армон, юксак хаёл. Лекин Рауф Парфи ўйидаги “муқаддас сўз” қачондир юртга чекиниш: муроса йўлини тутиш, танг вазият юз берганда ҳатто баъзи валинеъмат-раҳнамолардан нажот кутиш, баъзан унвону мукофот тамаъида халққа қарши ҳақиқат йўлида ҳамду сано ўқиши каби таҳқирли уринишу тамойиллардан мутлоқ узок, том маънода ҳақ ва комил сўз, шоирнинг ўз ибораси билан айтганда, “куюниб айтилган” сўздир. Бугина эмас, “муқаддас сўз” шахсан ўзининг, бошқа бегуноҳ заҳматкашларнинг, чорасиз-қурбсиз “ижрочилар”нинг тоталитар тартибот зўрлиги билан йўл қўйган хатолари учун чин дилдан тазарру қилиш – руҳий изтироблар ўтида ўзлигини поклаш маъносини ифодалаши эътибори билан ҳам “муқаддас сўз” деб аталишга лойикдир.

### **3. “Беандоза тимсоллар қайғуси”**

Шеърий тимсол – образнинг бетакрорлигини ҳақиқий истеъдод, унинг ижодий изланишларига хос бетакрор аломатлар билан муштарак деб англамоқ керак. Зотан, том маънода, янги, бадиий кашфиёт даражасидаги поэтик образ истеъдоднинг оламга эҳтиросли (эмоционал) ҳолатда – унга беихтиёр шайдолик кайфиятида, баайни икки ошиқ кўнгилнинг ажаб сархуш лаҳзаларида (“На хуш бўлгай иковлон маст бўлсак васл боғинда” – Навоий) яратилиши мумкин...

Бас, бу – шоир истеъдодининг дардмандона шавқ-рағбати, ҳаёлнинг илҳом фариштаси парвоз эттирган самовий ҳолатлари бетакрорлиги; бу – яратиш азоблари ва сурори билан нафас олган шоир нигоҳининг мусаввирона рангин, тиник, беҳол чизгилари бетакрорлиги; бу – оламнинг ботиний товуш-оҳанг тўлқинларини, тебранишлари мутрибона уқиб олиш бетакрорлиги; бу – азалдан то абад худудсизу тинимсиз фақат шоир идрокига хос орифона теранликлари, нуктадонликлари бетакрорлиги; бу – асли илоҳий яратилиш – табиатнинг мўъжизаларидан бўлмиш шоирона хуштаъblick, кўнгилнинг хос кечинмалари, шахснинг маҳрам сирлари, нозик хаёллари, ардоқли хотиралари бетакрорлиги (“О менинг қалбим! Сен менинг яккаю ягона ва дахлсиз мулкимсан, ғуруримсан. Ёлғиз сен менинг тасарруфимдасан” – Гёте)

Сўз санъатининг инжа соҳаси – шеъриятга, шеърий тимсолга ана шундай синалган, бирдан-бир матлубу мумтоз мезон билан ёндошмоқ лозим. Айниқса, сиёсий, мафкуравий ақидаларнинг мислсиз зўровонликларидан, зуғумидан эндиғина халос бўла бошлаган ҳозирги фикр ва сўз эркинлиги муҳитида муҳим вазифа – шеърнинг азалий, тоза хилқатини белгилашдан, унинг чин баҳосини, сўз-образ қадрини ўрнига қўйишидан, уни муносиб мақомга кўтаришдан иборат деб саналмоғи керак. Билъакс, шеъриятдек кутлуг сўз-фасоҳат даргоҳи турфа тусдаги

ёлғондан, зўрма-зўракиликдан, алдов-риёдан, жўнлик-косибчиликдан холи, муқаддас бир эҳром эканини унутмасинлар...

Рауф Парфи: “Эҳтимол, ноҳақман, эҳтимол, ҳақман. Лекин мен муқаддас сўзни излайман!”, деганида ёки “Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат улуғ Алишернинг қутлуғ тилида” дея ҳайқирганда бадиий сўзнинг қадрини, фасоҳатининг чин баҳосини дахлсиз юксакликка кўтаргани ва санъат, нафосат қонунларининг бу талаб-эҳтиёжларига шахсан ҳамиша амал қилишига шак-шубҳа йўқ...

Санъат, жумладан, шеъриятда классиклар ананасига ижодий муносабат – меросга ўзига хос дахлдор ворислик амалда синалган, авлодлар сабоғига айланган таомилдир. Мана Чўлпон шеърининг таъсирида туғилган (бунинг эҳтимоли ҳақиқатга яқин) “Бинафша”нинг умид ва ғусса унсурларидан йўғрилган мисралари:

Бинафша, исмингиз умидли.

Нафосат тўла – Бинафша !

Яна бир йил, оҳ, бир йил ўтди,

Эй, умр, сен бунчалар шошма!

Масалан, бойчечак қир-адирлар бағрида баҳор олди эпкинлар энди кўтара бошлаган сўнгги қор чойшаблари – “муз соябонлар” остидаёқ униб-амалланган биринчи довюрак гул-лола сифатида халқона ўланга, аниқроғи, болалигимизнинг ҳар йили наврўзда жўровоз бўлиб куйланадиган хайрли алёрига айланган-ку!.. Лекин бинафша она заминга – бултурги чаманзорлар саҳифасига “тараб (қувонч) сўзини яшил хат била ёзиб” (Навоий) улгурган баҳор малагининг тўнғич қизи – эрка, нозли фарзанди сифтаида ғамсиз болалиқдан қўра, айниқса, илк бор ишқ фаслига кирган мастона ёшликни ошиқиб-энтикиб муборакбод этувчи ҳайрат ва умид чечагидир. Шоир навбаҳорий тароват рамзи – “нафосат тўла – Бинафша”ни нафақат табиатга хос ўзгариш – уйғонишнинг том маънода латиф ва солим даракчиси сифатида. Балки инсонни умрнинг

“бунчалар шошма”... яна бир йили”дан огоҳ этувчи ҳам шукrona, ҳам армонли туйғулар тимсоли тарзида таърифлайди. Бунда табиатга ва шеъриятга хос нозик мантиқ уйғунылиги мавжуд: умрнинг инсон ихтиёрига боғлиқ бўлмаган “шошма”лиги, айниқса, ҳар гал Наврўзда – табиат ва йилнинг янгиланиш жараёнида ажralиб кўринади. Шу маънода шоир талқинидаги бинафша қувонч, ҳайрат, соғинч, умид, армон, ўқинч, шукrona, ҳасрат каби зиддиятли туйғуларнинг мужассам иқодасига айланади:

Хафа бўлманг юракдан кулсам,  
Хафа бўлманг йиғласам тошиб...

Шоир қаҳрамони – эҳтимол, ошиқ, ориф ё ижодкор дунёсини, эҳтимол, оддий ўзбек жафокиши – дехқон ё косиб, эҳтимол, жаҳонгашта дарвеш (қаландар) – турли шўру ғавғолар тазиёки ва таъсири туфайли узлатгоҳга чекинган бир ғариб беногоҳ бинафша очилганини кўриб дам йиғласа, дам кулса, табиий хилқатнинг бу шаффоф ва мўъжиз чечагига озор етмасмикин?! Қаҳрамоннинг “хафа бўлманг” каби илтижо сўзлари билан бинафшага муножот айтиши ўз зиддияти билан гўзал эмасми? Шеърнинг кейинги мисраларида кечинмалар, хаёллар зиддияти чукурлашади – теран хазинлик касб этади:

Чунки шодликларим Сиз – танҳо,  
Аламларим Сизсиз менинг...

Ажабо! Ғаройиб, ҳатто фожеъ маънолардаги зиддиятни қарангки, шоир қаҳрамони учун бу ёргуғ оламда, балки шу лаҳзада бинафша инъом этган қувончу ҳайратдан ўзга “шодликлар” бегона. Шунинг учун унинг “аламлари” ҳам ёлғиз – бинафша (шеърий мантиқнинг кучини кўринг!). Бас, инсон баъзан шундай умидсиз ва нажотсиз ҳолатларни кечириши мумкин экан, бинафшанинг маъною баҳоси чегара билмаса не ажаб:

Сиз тилсимот каби бир дунё,  
Сиз дунёси – сизни кўрганнинг.

Афсусу надоматлар бўлсинки, бу дунёда шундай лоқайд – дардсиз, худписанд кимсалар бор, улар Наврўзда на бинафшанинг шукрони мұждасиу мўъжизасини сезади, на ундан таъсирланиб кула ё йиглай олади. Шоир эса, инсонга Тангри инъоми бўлган хаёлот ва шеърият қонунларига таянган ҳолда, классик муболағанинг афрод усулинни қўллаб, буни мантиқан асослай олгани билан фахрланишга ҳақлидир: “Сиз дунёси – Сизни кўрганнинг”.

Рауф Парфининг ижодий индивидуаллигини таъмин этувчи бадиий омиллар ҳақида равшанроқ тасаввурга эга бўлиш учун шоирнинг адабий ўйларига мурожаат қилиш мумкин. Ойбек шеъриятига бағишиланган қайдларида Р.Парфи ёзади: “Шеър мукаммал шаклини топган бир бутунлик намунасидир. У сўз орқали ифодаланганда атрофимизни ўраб турган моддий дунё бир муддат ўзлигидан қочаётган каби енгил ва ҳафиф оҳанглар дунёсига айланади... Дунёда боқий нарса оз. Оҳанг – боқийлик рамзи. Аммо шеърий оҳанг ҳам эскиради. Шоир учун муҳими уни унутилишдан сақлайдиган ғоявий оҳанглар яратиш. Шу оҳангда сўз уйғонади, образ яралади, инсон ўзлигини танийди, Ватанини топади. Руҳнинг муроса билмас тугёнлари, эҳтиросларининг олов шиддати – бу оҳанг...”

Шоирнинг товуш-оҳанг рамзларига қўчган ўзига хос олами ҳақидаги кузатишларга “Оҳанг” сарлавҳали шеър таҳлили билан тамсил қиласак бўлади.

Менинг ўйчан, меҳрибон онам –  
Ер шаридан олинган тасвир...  
Йўқ, сен оҳанг эмассан, ёлғон,  
Сен қалбимда эшилган нидо.  
Сен ҳам менга ўхшаган инсон,  
Сен ҳам дунё, шу ёруғ дунё!

Ҳассос шоир сабр бобида тенгсиз, “ўйчан” она сиймосидан унсиз нидоларни – руҳий садоларни тингламаганида унинг беминнат заҳматларини, таърифдан ташқари меҳру саховатини, тўзимсиз бардошини ер куррасининг “тасвири”га муқояса қиласмиди? Маълумки, тасвирий санъат асарларида лаҳзали ҳол сувратланади, шеъриятда эса ўша оний бир ҳолат муайян вақт, давр ё асрлар садосигина эмас, балки абадият тимсолига айланиши мумкин (гениал рассомлар яратган асарларнинг боқийлик сири уларнинг вақт изчилигига муносабати билан эмас, бадиий образли бетакрорлиги билан изоҳланади). Шунинг учун бўлса керак, Р.Парфи гоҳ оҳангнинг “соғ” мусиқий-интонацион хусусиятидан руҳий ҳолат образини яратади (“Сен қалбимда эшилган нидо”), гоҳ унга конкрет ижтимоий маъно беради (“Сен ҳам менга ўхшаган инсон”), гоҳ фалсафий меъёр билан ёндошади (“Сен ҳам дунё, шу ёруғ дунё!”). Умуман, Рауф Парфи яратган ўзгача товуш-оҳанглар символикаси ижодий стихияга айланган деса бўлади: “Ўт ичидан термакдаман товушни куйиб бўлган нарса куймас қайтаан”, “Абадий бир наво сингари само”, “Бу – ой тўккан шуъла эмас, йўқ, бу навога айланган сўзлар”, “Аста тўхтар бу куй оғир. Куй бўлиб қолдинг ёдимда”, “Товушга айланди ҳар бир ғишт ранги”, “Бунда у кўзларни тингламоқ керак...” Бу мисраларда товуш-оҳанг символикаси оламнинг нафақат интонацион тебраниш ҳолатларини ифодалашга хизмат қиласи, балки унинг рангин, ҳарир қирраларини инкишоф этиш орқали асли инсон туйгулари, руҳий кечинмалари, қалб хотиралари қанчалик нафис, нуктадон, кўп қиррали эканини, умуман, шеърият, шеърий образ имкониятлари битмас- туганмас эканини боз таъкидлаб туради...

Шоир сарлавҳасиз шеърларидан бирида ёмғирли тун манзарасининг қаҳрамон кайфиятига таъсирини шундай ифодалайди:

Деразамдан боқар зулумот  
Зулмот билан жанг қилар ёмғир,

Юрагимга оқар зулумот,  
Оқиб фикримни тилар ёмғир.

Бу шеърий манзаранинг ўзига хослиги – шоир кашф этган мажозий нисбатнинг жонлилигида: айниқса, осмон яксара қора булат билан қопланган, ёмғир эзиб ёғаётган тим қоронги (демак, ойнинг иккинчи ярмидаги) кечанинг деразадан ичкарига боқсан шубҳали, қўрқинчли одамга қиёс этилиши билан туннинг мубҳам-хаос ҳолати маълум конкретлик ва тартиб касб этади; зим-зиё тундаги ёмғир турли предметларда турли тарзда, турли даражада ҳосил қилган шарпа-шовқин, унинг акс-садолари жанг айни қизиган паллага нисбат берилиши сирли манзарани аниқроқ тасаввур этишга имконият яратади. Кейинги икки мисрада бу ғаройиб кечанинг қаҳрамон кайфиятида қолдирган ҳазин асорати чизилади. Шу тарзда табиатнинг тунги вазияти ва инсоннинг руҳий ҳолати фақат Рауф дастхатига хос оригинал метафора ва истиоралар (“зулмотнинг боқиши”, “юракка оқиши”, “ёмғирнинг жанг қилиши”, “фикрни тилиши”) воситасида сувратланади – тутилмаган ҳиссий лавҳа-образ яратилади. Шоир “Рассом” шеърида табиат ва инсон образига янада ўзгача поэтик усуллар орқали ёндашади.

Қорларига қоришли осмон,  
Элай кетди нурли чангини.  
Кайдин олсин бечора рассом...  
Кўзларида маъюс севинч рангини...  
Осмонларга тикилар бекор.

Дастлабки икки мисрада акс этган табиий манзара, хусусан, мусаввир ижодхонаси учун асосли натура ҳамда ранглар колоритининг бой арсенали сифатида етарли қулайлик яратиш керак эди (рассмо бошқа санъаткорлардан фарқли равишда, табиий ландшафтлар билан билвосита эмас, бевосита муносабат боғлай олади). Лекин гўзаллик қонунлари тақозосига кўра, мусаввир муайян имтиёзларидан қатъи назар, шоир ё

композитор каби ўзига ҳаммадан яқин, ошно, сирдош бўлиб кўринган ўша азалий хилқатни ҳар гал қайтадан кашф этиб, бу ҳолдан ҳайратга тушган тақдирдагина унинг таассуроти санъат асари сифатида шаклланиши – янги образ яратилиши мумкин. Шеърда рассомнинг ана шундай қизғин ижодий ҳолати – табиий гўзаллик ва ундан ҳайратланиш жараёни санъаткорона аниқлик билан чизилган: қор роса маромида ёғаётган палладаги осмоннинг кўрини – “маъюс севинч ранги” бўлиб рассомнинг шавқу рағбат тўла кўзларига ўтган... Зеро, табатга бевосита яқин турган тасвирий санъат ҳам табиат, унинг шакл-шамойил, моделларидан, рангларидан тайёр андоза-нусха кўчириш орқали эмас, балки янги, шакллар, ранглар, оҳанглар, садолар, манзаралар – турфа бадиий қирралар, тимсол-лавҳалар кашф қилиш тарзида майдонга келади. Манзара лавҳаларида билвосита оламнинг фалсафий моҳиятига, азалий “жозиба қонунлари”га бир лаҳза бўлсин “назар айлаш”. Рубоий шеъриятнинг доимий мотивларидан. Рауф Парфининг назаридан ўтиб, шеърий сайқал топган ўзгача рангин манзара лавҳаларидан бир намуна:

Шундай жимжит зангори осмон –  
Заминаларнинг нидоси бекор.  
Эҳ, нақадар ахир бепоён...  
Сукунат деб аталган диёр!..

Фақат “теран сукунатни тинглаган” (Блок) шоирнинг қалб қулоги, кўнгил нигоҳи воситасида ана шундай ҳиссий-жозиб лирик образ шаклланиши мумкин.

Сарлавҳасиз бир шеърнинг гўё шамол воситаси-ла чизилган, гаройиб-завқнок кайфият уйғотувчи манзара лавҳасидан бир мисол.

Япроқларда шамол ўйнар,  
Сув мавжида ўйнар шамол.  
Сарин шамол нима сўйлар,  
Юрагида қандай хаёл?..

Табиат ҳодисаси гўё сездирмасдангина “инсонийлаштирилади” – туйғулар, кечинмалар оламига ўтади, яъни шамол одамларга хос уч ҳолатга киради (аслида тўрт қиррада кўринади): япроқларда ўзгача, сув мавжида яна ўзгача “ўйнайди”, ўзича нималарнидир “сўйлайди”, унинг “юрагида” аллақандай “хаёл” кезинади... Тўғри, дастлабки икки қиррали ташбех (шамолнинг “япроқларда”, “сув мавжида” ўйнаши) халқона анъанавий истиоранинг янгиланган, қайта кечирилган шакли. Лекин “сўйлаши”, “хаёл” суриши нафақат мажознинг жозиб-нафис кўриниши, айни чоғда, бу “фикрловчи”- ҳиссий образ намунаси. Кейинги мисраларда шамол сирли кечанинг аллақандай афсуски, кўринмас ьрухий кучига айланади. Лекин бу фариштасифат қанотли меҳмон шоир кузатган ниятни аниқ ва бутун очиб беролмаган бўлса керак, шамол тунда бедор кезувчи ошиқ куйчи қиёфасига киради:

Сочларига қўнар шамол,  
Шамол қўнар қўзларига.  
Қўшиқ, эртак айтиб хушҳол,  
Сўнгра қайтар изларига.

Бу қайси минтақанинг шамоли, дерсин. Тунги чўл шамоли ёки тоғу тош, қир-адирлар шамоли бундай нозик тасвирга асос бермаса керак. Шубҳа қўйки, бу заҳматкаш юртдошлар боғу чаманлар ошиғи миришкор ва соҳибкор деҳқон-боғбонлар бунёд этган водий, лоақал кичик бир воҳанинг ўзимизга ошно, дилга яқин, оромбахш, тунги насимлар манзараси. Сўнгра, бу –музаҳҳиб ва мутриб табиат шоир қаҳрамонининг фақат чаманзор кечаси бағридаги “хушҳол” (не тонгки, бундай хушнуд кайфият Р.Парфи шеърларида кам учрайдиган ҳодиса), эркин, озорсиз хаёлларининг билвосита-рамзий ифодаси (шамолнинг “соchlарига”, айниқса, “кўзларга” қўниши қанчалик гаройиб бўлса, унинг ўзи гўё “қўшиғи” ва “эртаги”ни айтиб бўлиб )яъни маълум муддатга тиниб) “изларига қайтиши” шунчалик табиийдир...

Бошқа бир сарлавҳасиз шеърда шамол орифона хаёллар елканинг дарғасига айланади:

Йўлни дарға шамоллар олди,  
Мана судраб борар кемани.  
У томонда нималар қолди,  
Бу томонда не кутар мени?..

Дастлабки икки сатр баайни лирик ибтидо – шеърий экспозиция вазифасини ўтайди: эътиборимизни муайян замон ва макон доираси томонга йўналтиради, яъни бизга кечинма-образ обьекти ҳақида маҳсус информация беради; бундай шеърий ахборот – оригинал мужданинг ўзиёқ шавқ-ҳайрат уйғотади: елканли кеманинг ихтиёри (аслида ҳаёт уммонида кезувчининг қисмати) “дарға шамоллар” амрида. Бу – инсон эрки, ўй-хаёллари, орзулари азалий стихия, аниқроғи, илоҳий қудрат билан чуқур руҳий алоқада деган сўз. Кейинги икки мисрада чиндан ҳам ҳеч ким аниқ жавоб беролмайдиган “мангу саволлар” (У.Азим) дан бири ўртага ташланади. Айниқса, кечаги карахтлик ва мудроқлик, қўрқув ва ҳадик-гумон мухитидан аста халос бўлиб, уйғониб бораётган тафаккур эгалари: адаб-публицистлар, мунаққидлар, файласуфлар, муаррихлар, заковатли, илфор руҳонийлар босиб ўтилган йўлимизнинг драматик, ҳатто трагик манзиллари баҳсида, шунингдек, жамият тузуми, шахс дунёси, унинг ривожи, халқ дардлари, маънавий қадриятлар табиат мухофазаси каби муаммолар баҳсида “азобли ўйлар” (А.Мухтор)га тақалиши ажабланарли эмас. “У томонда нималар қолди?” Бундай зоҳиран оддий, моҳиятда ўйчан-тагдор саволнинг чуқур маъносини, сабабий илдизларини ким англаб етади ва унга бирдан-бир одил, комил ва солим баҳо бера олади? Ёйинки: “Бу томонда не кутар мени?” саволи эндиғина ўзлигини таний бошлиған инсон-замондош учун янада ортиқроқ мушкулот бўлиб, унинг “жавоби”ни фақат илоҳиёт қонунларига ҳавола

қилиш мумкин. Шу тариқа, “шамоллар” тимсоли фавқулодда фалсафий мушоҳадалар воситасига айланади.

Энди бир мунаққид талқинича, “булутлар ҳақида” (аслида булут ташбеҳи воситасида) яратилган шеърдан “рухий манзара” (Блок) акс этган мисраларни кузатайлик.

Кулранг булут кезинади жим,  
Кулранг булут ўхшар уйқумга...

Бу – булутли осмоннинг аниқ шакл-шамойилисиз бир қўриниши заминида ўзининг хос аломати, маълум қиёфасига эга бўлган, жонлижисмли, ҳис этилган лирик манзара яратиш намунаси. “Кулранг булут2нинг биринчи осмон буржидаги ҳаво тўлқинлари таъсирида бир минтақадан иккинчи минтаقا томон аста силжиб бориш “жим кезинар” ҳолотда, эҳтимол, изтиробли, қийноқли ўйларни кечираётган қай бир баҳтсиз ё исёнкор одам тимсолида сувратларини ўзиёқ ҳапр қалай, бизни лоқайд қолдирмайди. Кейинги мисра яна ўзгача оҳанрабога эга: сезилмас-сокин оқиб бораётган булут менинг “уйқумга ўхшар” тарзида таърифланиши шоир кузатган ният анъанавий манзара чизиш доирасини ёриб чиққанлигини кўрсатмайдими? Бундай тахминимизни кейинги икки мисра бир қадар ойдинлаштиради:

Ғамгин-ғамгин қўринар дунё –  
Ўйларини қийнайди ўйлаб.

Аён бўладики, шоир қаҳрамонининг “уйқуси” биз тасаввур қилган уйқудан ўзгача экан!.. Зоҳиран “жим кезинган”, эҳтимол, шоирлару ошиқлар уйқусига “ўхшар” булут асли булут эмас, балки “ғамгин-ғамгин қўринар дунё” тимсолига айланади. Р.Парфи наздида дунёнинг ғам-ғуссалари, дарду оғриқлари шунчалар узундирки, ҳатто “ўйларини қийнайди ўйлаб”. Демак, булут кенг маънода ўз ғам-ташвишларига эга бўлган дунёнинг фалсафий-рамзий ифодаси бўлса, конкрет маънода

қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатувчи анъанавий усулдир. Кейинги шеърий бандда “кулранг булат” парчаланади – ёмғирга айланади:

Қалқиб-қалқиб қўяди қараб  
Табассумлар ёзилган тупроқ.  
Чапак чалиб, сочини тараб,  
Бош ювади бир ҳовуч япроқ...

Бу гал манзара обьекти ҳам, унинг ранг-оҳанглари ҳам янгиланади, ҳатто туғилган таассурот характери ўзгаради; илк ёмғир томчилари тушган тупроқнинг ранг-рўйига назар солинг: “табассумлар ёзилган”, унинг ҳаракат-ҳолатига эътибор қилинг: “Қалқиб-қалқиб қўяди қараб”. Япроқлар-чи? Улар ёзниңг кўркам табиати бағрида эркаланиб, гоҳ чапак чалиб ўйнаган, гоҳ бош ювган, соч тараган қизалоқларга ўхшайди. Шундай қилиб, “ғамгин-ғамгин қўринган дунё” – булатли осмон тугуни очилгандан кейин қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ҳам ўзгаради – умидворлик, сафарбахшилик касб этади:

Нафасларга тўла бу осмон  
Узилмайди асло кўзимдан...

Ёмғир қатралари боғу чаман ичра ҳосил қилган, сафоли унсувлар билан тўйинган шаффоф ҳаво нафаслардан нигоҳларга ўтса – кўзлар уйига борса не ажаб?! Ҳаёт билан нафосат уйғунлиги қанчалик ҳаққоний ва жозибали чизилган! Мана шу азалий тароват – “нафисларга тўла” хилқатдан баҳраварлик ҳисси – “кўздан узилмаган... осмон” қувончдек шукrona кайфиятнинг ўзи гўзал, эзгу эмасми?

Навбат ўша мунаққид фикрича, “кор ҳақида” ёзилган (йўқ, кор сабаб бўлиб уйғонган кечинмалар акс этган) сарлавҳасиз бир шеърга:

Ёғар оппоқ, паға-паға кор,  
Дардим қорлар каби сочилар.  
Хув, йироқда гуллаган баҳор  
Бўйлари кўксимга санчилар...

Қорнинг табиат наққоши яратган мўъжизалар кристалл заррачалари ҳаво тўлқинида турфа айланалар ясад, гўё муаллақ ўйину рақслар кўрсатгандай учиб-елиб, чор атрофга таралаётган эртаксимон бир манзара... асли изтиробли кишининг паришон ўйларига, қўнимсиз дард-ҳасратларига муқояса этилиши қанчалик мунглигу қанчалик жозиб! Бу тирик қорли манзара камлик қилгандай, лирик қаҳрамон ошиқ ё дарвеш (қаландар)нинг тахайюл боғида – “хув, йироқда гуллаган” бўстоннинг олис жилvasи, алдамчи жозибаси бамисоли оғули наштар бўлиб “қўксига санчилар бўйлари” – Масиҳодай хаёлий нафаси етгандай жони-жаҳонини ўртайди. Эҳтимол, табиатнинг мўъжизавий биллур қатралари – “пага-пага қор” айланиб ёғмаганда эди, қаҳрамон хаёлинни ўша власлиз мухаббат баҳори, сеҳр-жодули гўзалликлар маскани банд этмаган бўлурди... Айниқса, “баҳор бўйлари кўксимга санчилар” лавҳа-образи Р.Парфи қаҳрамонининг характеристини ёрқин очиб бериши билан нафис ва жозибдир.

#### **4.Абадий мавзулар жозибаси**

Гарб шеършунослари “абадий мавзу” деганда шеъриятда узок тарихга эга бўлган анъанавий интим лирикани (шарқда) асосан ғазалиёт доирасидаги дунёвий ва илоҳий муҳаббат қўшигини тасаввур этадилар. Биз азалий зиддият қутблари бўлмиш фалсафий тушунчалар силсиласидан шартли равишда айрим ҳалқалар – бандлар атрофида мубоҳаса юритиш билан кифояланамиз (зиддиятлар моҳиятининг шеърий талқини навбатдаги бандга мансуб). Чунончи, ҳаёт ва ўлим (тасаввуф шеъриятида фано, бақо), ҳақ ва ҳақсизлик, рост ва ёлғон, ҳалол-поклик ва ҳаром-хариш, сахо ва бадбинлик, муҳаббат ва нафрат, жавонмардлик ва мутелик (Навоийда “йигитлик ва итлик”), ҳидоят ва залолат (тўғри йўл ва йўлдан озиш), иймон-эътиқод ва тавба-тазарру... Рауф Парфи 60-йиллардан эътиборан шеъриятга янги руҳият, янги мазмун, янги оҳанглар олиб келган ёш, лекин журъаткор авлод (Э.Воҳид, А.Ориф, О.Матжонлар) сафида юқорида қайд этилган ва этилмаган мавзуларга муносабатда, табиийки, ўз йўлидан борди, “қадимги сўзлар”га қайтадан жон, рух, юрак, саъжия, қиёфа бағишлий олди. Шоир анъанавий мавзуларда нафақат кучли, жасоратли, лозим бўлганда туғёнли-исёнкор ё аламнок-изтиробли овозини, руҳий нидосини ифодалаган янги ташбех, истиоралари билан муҳлислар эътибори ва ишончини қозонди, балки баъзан “ақл боши айланар” (Навоий) шеърий рамзу мажозлари билан ҳайрат, баҳс-мунозара қўзғатди. Биринчи тамсилларни келтириб ўтамиз (сўнгра, мулоҳаза-мубоҳасаларимизни яна давом эттирамиз): «Ғамли уйда қирқ кун ёнар шам, ўйимда ёнурсан абад. Қайта туғиладир дунё ҳам, Сен дунёга келмайсан фақат... Йигирма беш ёшимни қўшдим, йигирма беш ёшингга сенинг, Ҳаддан зиёд бу алам, дўстим, Бу кун эллик ёшим бор менинг...” (“Абдуллажон марсияси”); “Буюк севги рангин излаб юради. Ёзар мовийликка рангин қасида. Бироқ ҳайрат ичра қалқар юраги. Яхшилик, ёмонлик чегарасида. Билмоқчи бўлди у: бу қандай замон?

Юрагин рангини кўрмоқчи бўлди” (“Ван Гог”). “Фақат виждон билан ўртанар Ҳамлет. Дониё зинданга қараб туар лол. Биз ҳам шу саҳнага тикиламиз тек. Шундайин ўртайди қадимий савол” (“Ҳамлет”).

Шоирнинг “Абдуллажон марсияси” шеърида трагизм бу кўхна дунёниг жавоби мушкул саволларидан бири – тинчлик кунларида содир бўлган аскар йигит ўлимининг фалсафий таҳлили тарзида ифодаланади:

Наҳот, дўстим, шу қабр сенми?

Сенми ёзилмаган шу китоб?

Кўмиларми ҳеч қачон севги?

Мен жавоб истайман, жавоб!..

Шоир қаҳрамонининг қийноқли сўроқлари замирида инсон баҳти ва фожиасига бефарқ, гунгу лол табиат билан ички руҳий мунозара ҳам, шунингдек, қай даражада алоқадор бўлмасин, муайян ижтимоий шароит, реал вазиятнинг қаттол талаблари – “шафқатсиз ҳақиқат”ига ққарши исён туйғулари ҳам зухур этади. Наҳотки “сўқир ўлимнинг тилсиз, совук гувоҳи – “шу қабр” оламни “йигирма беш ёшида... тарқ этиб” кетган дўстининг абадий хобгоҳи бўлса? Наҳотки, энди йигитлик кучига тўлиб, орзулари етилиб бораётган тенгдошининг “ ҳеч қачон кўмилмас” муҳаббати, ҳаёт, умр ҳақидаги “ёзилмаган китоби” шу ғарип гумбаз қаърида абадий пинҳонлигича кетса?.. Айниқса, “Мен жавоб кутаман, жавоб!” сатри орқали ўрнини ҳеч қачон, ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган тўзимсиз – жудоликнинг маълум ва номаълум сабабкорларига, кенг маънода, ҳозирги мураккаб воқеликнинг турли адолатсизликларига, кутилган ва кутилмаган фожиаларига нисбатан азоби ҳам, ғазаби ҳам ўлчовсиз туйғулар ифодаланади.

Р.Парфи “Нозимнинг садоси” шеърида машҳур турк шоирининг “ҳасрат янглиғ, жаннат янглиғ” дунёсини кўп қиррали “овоз” образи орқали инкишоф этади:

Кетди Нозим! Келар Нозим овози:

Ҳасрат янглиғ, жаннат янглиғ  
Менинг дунём фикрларим соқчилигида.  
Атрофимда айланар энг дардли,  
Энг бахтли тириклик сайёраси,  
Мен унинг ўртасида...

Бу сатрларда ҳали ёш шоирнинг анчайин мураккаб мушоҳада тарзи кўзга ташланса-да (шеър 1963 йилда ёзилган), поэтик фикр, хаёл масштаби, барибир ўзига тортади: “Нозим овози” – исёнкор шоирнинг руҳиятга, ўлмас шеъриятга ўтган олами шундай космик қудрат касб этадики, гўё “Нозим кетгин” дунё – “энг дардли, энг бахтли тириклик сайёраси” энди унинг теварагида “айлана” бошлайди: “Мен унинг ўртасида” ...Нозим Ҳикматдек эркесвар шоир ўз “мен”лигини она сафёранинг “ўртаси”, юраги деб билиши чуқур рамзий маънога эга. Бу фавқулодда поэтик нисбат руҳан Г.Гейненинг: “Оламнинг дарзлари менинг қалбимдан ўтган” сўзларида ифодаланган ғоят пурмаъно рамзий образ билан ҳамоҳангдир. “Нозим овози” образи шеърнинг кейинги мисраларида янги бадиий қирралар кашф этади:

Кетди Нозим! Қолди Нозим садоси  
Садонинг акс-садоси.  
Акс-садонинг акс-садоси.  
Садога ўралашиб борар тобора  
Бу дунё.  
Садо кенгликлари теран боқар менга  
Нозим Ҳикмат кўзлари ила.

Нозим Ҳикматнинг том маънода ижодий жасорат ва фидойилик тимсоли бўлиб қолган тақдири поэтик ифоданинг бундай масштаби, силсиласли усувларга етарли мантиқий асос беради: шоир-курашчи овози нафақат ўзи яшаган муҳит – реал дунёнинг, уни катта шахс сифатида шакллантирган даврнинг акс-садоси бўлиб янграши, балки билвосита –

ички садолари, пинҳоний тебранишлари билан инсоннинг руҳий оламига таъсир этиши мумкин. Бундай руҳий-ботиний қирралари кашф этилган “садо” образи қутилмаганда Нозим Ҳикматнинг бошқа ҳеч кимникига ўхшамаган “теран бокувчи” кўзлари тимсолига айланиши (эътибор беринг: ўқиши-эшитиш нигоҳга, товуш эса, ёруғликка кўчирилади) Рауф Парфининг мушоҳада тарзи учун ажабланарли ҳол эмас.

“Муктибодх” шеърининг бир бандини олайлик:

О, қутлуг калима, о, мағрур инсон,  
Маҳрингга тушмишdir оқ тонг, қаро тун.  
Инсон орзуисдан иборат осмон,  
Бори замин узра ёймиш қанотин.

Холиқи қудратнинг ўзи инсонга шундай тафаккур – заковат ато этганки, у хаёлотнинг сеҳрли қанотида арзнинг етти иқлими, самонинг етти (баъзи манбаларда тўққиз) бурҷда сайр қилганда баъзан шаккок хаёлларга борса, ўзига сифмаганда кеча ҳам, кундуз ҳам менинг амримда, “осмон –орзуимдан иборат” деб юборса не ажаб? Баъзан кўнгил амрига берилиб, ақл, мантиқ сарҳадларидан четга чиқиш, кейин изтироб чекиб, тангрига тазарру айтиб илтижо қилиш не-не улуғ шоирларга хос қисмат, Рауф Парфи учун ҳам тангри илоҳийдан, тавбай комил ҳидоят айлашни тилаймиз-да (ҳақни, ҳақиқатни қуйлагани, инсон эрки-хуқуқини мардона ҳимоя қилгани учун ҳам Оллоҳ таоло шоирнинг шаккоклигини кечирса ҳеч ажаб эмас), унинг шеърий иқтидори – образли тафаккур кучидан қойил қолганимиздан, у яратган шеърий лавҳаларнинг мазмунан теранлиги, бадиий юксаклиги олдида ўз ҳайратимизни яшира олмаймиз. Қаранг: осмон гумбази Семурғ янглиғ илоҳий қушдирким, унинг “Бори замин узра ёйилиш қаноти” сеҳридан “оқ тонг қаро тун”га ва яна тун тонгга айланади. Демак, шоирона хаёлнинг бундай самовий парвози учунгина эмас, балки бу хаёл-фантазия моҳиятида – образ-тимсоли

руҳида, барибир, илохий тушунча яширин эканини фаҳмлаб, боз ҳайратланамиз.

Лирик шеъриятни “абадий мавзу” – муҳаббат қисматининг ҳаётий-дунёвий ва самовий-илохий маънолари таҳқиқига бағишланган дардноқ, соҳир шеърлар, бир-биридан рангину жозиб образларсиз тасаввур этиш қийин. Беихтиёр Навоийнинг: “Ошиқ ўғлон кечди нангу номдин, Миллату иймону дини исломдин” каби зоҳиран исёнкорона байти ёдга тушади. Не тонгки, ислом динининг аркону аҳкомларидан бўлмиш улуғ валиуллоҳ зот сўз даҳоси сифатида ошиқлик қисматини энг юқори – муқаддас каломлар мезони билан баҳолайдики, бундай нисбатлаш усулинини идрок этолган (маълум маърифатга эга бўлган) киши учун ҳақиқий, демак, илохий маънодаги комил ишқ фақат “иймону дини ислом” билан мунозара қилишга матлуб ва муносибдир. Рауф Парфининг ошиқона шеърларида ана шундай юксак маснад (мақом, мартаба)даги мунозара руҳи, фақат теран мушоҳада, заковат соҳибларига мушарраф бўладиган ёруғ иштибоҳ кайфияти аён сезилиб туради.

Шоирнинг бамисоли ҳаёт моҳиятини, инсон руҳиятини инкишоф этишга даъват этилгандай таассурот қолдирадиган мушоҳада тарзи, ҳамиша ёниб куйлаш – “куюниб сўзлаш”ни ижодий таомилга айлантирган ўйчан-безовта табиати, “абадий мавзу”даги шеърларида янада чуқурроқ очилгандай туюлади. Шоирнинг сарлавҳасиз бир манзумасидан характерли сатрлар:

Бу ёруғ оламда мен сени топдим,  
Сенинг излаганинг мен эмас, эсиз...  
Ўпиб хаёлингни қонайди дардим,  
Йиғлар хотирамнинг ғариб боғлари.  
Сени тушларимда сўраб, ахтардим,  
Қайтариб бўлмас ҳеч ўша чоғларни...

Фақат фидойи эътиқод ва эътимод эгасигина ҳаётда бирон-бир чора-илож топишга умид қилиб бўлмайдиган баҳтсиз муҳаббат қисматига рози бўлиши, унинг тузимсиз озору ситамларини рух озиғи, кўнгил эҳтиёжи ўрнида қабул қилиш, тақдир наасбаси деб билиши мумкин. Бу интим лирика тарихида мўътабар ғоялардан бўлиб, “васли мумкуни йўқ” (Навоий) муҳаббатнинг ҳасрат оҳанглари ошиқ аҳлини зинҳор таҳқирламайди, аксинча, бу руҳий қийноқлар муҳаббатнинг ҳаётий моҳияти ва зиддиятини (“...мен сени топдим, Сенинг излаганинг мен эмас...”) очиб беришга, кутилмаган лирик-трагик образларнинг туғилишига хизмат қиласди. Юқоридаги мисралар ҳақиқий интим шеър учун дард, алам ноталари нафақат бегона эмаслигидан, аксинча, ҳазин оҳанглар фузунлиги, муҳаббатнинг ҳеч бир “табибига ошкор этиш” (Фузулий) имкони ва давоси йўқ дард эканлигидан, шунинг учун уни фақат саботли одамлар – фидойи ошиқ аҳлигина кечира олишидан далолат беради.

Мана “Соя” шеърининг, биринчи қарашда оддийгина туюладиган икки сатри:

Муҳаббат, сен менга вафо қилмадинг...

Мен сени билардим, мени билмадинг.

Шоир “муҳаббат” сўзини инсонийлаштириш, тирик гавдалантириш орқали кутилмагандага ўз зиддияти билан жозиб лирик лавҳа яратади: ҳаёт, умр, баҳт нима эканини теран англаған, шунинг учун ҳам муҳаббатдек илоҳий туйғуга ўз қалбидан жой берган, уни тақдир инъоми, эзгулик ва поклик, руҳий-маънавий гўзаллик тимсоли деб билган диёнатли одам учун маҳбубнинг “вафо қилмаслиги” шеърият тарихида янги гап эмас. Демак, авваллари дунёда муҳаббатнинг борлигига шунчалар қаттиқ ишонган, уни ардоқлаган (“мен сени билардим”) кўнгилни ишқ фариштаси абадий тарк этган (“вафо қилмадинг... мени билмадинг”). Бундай баҳтсиз қисматнинг сабаби нима-

ю, сабабкорлари кимлар?.. Р.Парфи бу гал фавқулодда ташбекларсиз, оддий сўзларнинг бадиий-мантикий силсиласи орқали бизни қийноқли саволларга тутади... Шоир муҳаббатнинг баҳтсиз қисматини, не ажабки, “дард аҳли” баҳт ўрнида кўриб, бу васлсиз мушкул насибани сўфиёна ризолик – шукроналик деб қабул қилишдек фидойилик ғоясига шундай шеърий нисбат беради:

Ойдан, юлдузлардан нарида –  
Кўзим ичра сенинг юлдузинг...  
Бу ерларга бехуда келдим,  
Сувга чўккан чўғдек сўзларим.  
Гўзалликнинг мен қули эдим,  
Сен – хунхора малак, гўзалим.

Шоир қаҳрамонининг руҳан нажотсиз ҳолати билан маҳбуба раҳм-шафқатидан умидворлик оралиғи рўёдек олислигини бунчалар ўзгача ва аниқ ифодалаб бериш учун ҳудудсиз хаёл масофаси – абадий ҳижрон дунёсини шахсан кечириш, дил-дилдан ҳис этиш, унда яшаш тақозо этилади. Юқоридаги шеърий парча, шубҳасиз, шундай таассурот қолдиради – азобли ўйларга толдиради...

## **5.Оламнинг зиддиятли моҳиятига назар**

Асли бу – довруғи машриқдан мағрибга тараган буюк ҳукамою фузало – ориф зотлардан мерос фалсафий тафаккурга сабабият ва моҳият дунёсини шеър санъатининг махсус усулу воситалари-ла тадқиқ этиш, унинг хос образли тажаллиёти, ўзгача бадиий инъикоси. Бу ўзига хос бадиий ҳикматшунослик бобида ҳам, биринчи галда, адабий-бадиий тилимиз муассиси, миллий маданиятимиз раҳнамоси, маънавиятимиз даврасининг улуг сарқалқаси Алишер Навоийга мурожаат этамиз.

Назар айла бу коргоҳ вазъиға –

Ки ортар тамошосида ҳайратим...

Ҳа, бу – Навоий каби неча-неча “маликул-калом”га орому ҳаловат бермаган ўша муборак туйғу-ҳайрат дунёси!.. “Тенгри эҳсони” – шеърий истеъдод ва фасоҳат мулки асли нима эканлигини, унинг жозиба қудрати нималарга қодирлигини қалб идроки-ла англамоқлик қувончини, ниҳоят ўз руҳияти ва сажияси-ла ҳамжинсу жондош бўлган қадим туркий тилдек дахлсиз миллий қадриятга самовий элчи, шижааткор посбон-ҳимоячи, забардаст ҳомий мақомида улуг улуспарвар, улуг мураббий шоир қалами (“ҳомаи тақдир”)нинг илоҳий қудрати-ла бу азалий хилқатнинг моҳияти ва сирли-сехрли ҳолати – “коргоҳ вазъи”га ўзгача “назар айлаш”, бундай ғаройиб “тамошо...” дан ортиқ даражада тахайор ҳолатини кечириш... Ҳа, бу – Навоий шеърияти билан озми-кўпми ошно бўлган мухлислар учун ажабланарли ҳол эмас... Чиндан-да не чоғлиқ ҳайратбахшу қанчалар ўйга толдирувчи машғулот бу –самовот гумбазининг остию устидаги ададсиз чексизлик! Токи тафаккур эркинлги берилган ҳар бир комилу солим инсон бу руҳий хилқат фан таҳқиқ этолган буржларини баҳоли имкон қайта идрок этишга интилар экан, нечун “барчадин шариф” (Навоий) инсон зотининг санъаткор бир вакили бўлган шоир “бу коргоҳ вазъи”ни гўё имконга сифдириб бўлмас мезону меъёрлар орқали тимсол-истиора қатига жойлай билмасин?! Ахир

шоирни нафақат унинг муҳиблари, мухлислари, балки у мансуб бўлган халқ (хатто бошқа халқлар ҳам) айрича эъзозлашлари бежиз эмасдир...

Не ажабки, Рауф Парфи – истеъододли ҳамқурлари сафида –бу ҳайрат дунёсини янада ўзгача нигоҳ билан сувратлайди: унинг кутилмаган, аниқроғи, бошқа шоирлар назари бориб тушмаган теранликларию пинҳоний қатламларини орифона хаёл –кудрати-ла аниқ рангин манзаралар тарзида интиҳосига етказгандай бўлади... Мана азалий мавжудоту унсуриятнинг ўзига хос шеърий сувратларига баъзи тамсиллар: “Куёшнинг ёғдуси қорадир, Юлдузлар музлардир тўкилган. Бу дарё узанган ярадир, Дарахтлар эгилган, букилган... Булутлар фалакнинг оҳлари, Ингроғи, сингроғи учадир. Тубанда мусибат тоғлари, Қора қон ичиндан кечадир... Тошлардек қотмишдир туманлар, Билгисиз очуннинг асари, Тубанда гуноҳлар, иймонлар, Адашган Рух кезар сарсари...” Ҳазрат Навоийни ҳайратга соглан “Коргоҳ ваъзи” – бечораи хилқатнинг тарзу ҳолатини фақат Рауф Парфи шундай хаёл қила олишига, шоир хаёлхонаси зухур этган руҳий манзара лавҳаларини фақат Рауф Парфининг қаламигина шунчалар рангин, бетакрор тимсоллар орқали ифода эта олишига амин бўламиз ва биз ҳам шоир ҳайратидан баҳравар бир кайфиятни кечирамиз. Мана шоирнинг 1965 иили ёзилган илк шеърларидан бирини олиб шарҳлаб кўрайлик-чи.

Ҳайрон, мағлуб бу коинот,  
Ўйнар гуллар, ўйнар насим...  
Айтинг, кимга этмиш насиб,  
Бу кимнингдир ширин ҳаёт,  
Ҳайрон, мағлуб бу коинот?..  
Садолар бер, баҳтли жаҳон,  
Унда йўқми ёвуз ўлим?  
Сарбон, қани кетдим, сарбон,  
Ёшлиқ сари карвон йўли

Ассалом, эй баҳтли жаҳон!..

(“Ҳайрон, мағлуб бу коинот...”)

Сарлавҳасиз бир шеъридан олинган бу ғаройиб (ҳа, чиндан-да, ғаройиб) мисраларда маъсум болалик дунёси, бола тафаккури ва таҳаййорига хос, фақат биз учун эртак, афсона бўлиб туюладиган туганмас баҳт, қувонч, боқий, заволсиз, сафоли ҳаёт орзу-хаёллари шеърият табиатига хос “чиroyли ёлғон” каби, майли, алдамчи, афсунли мантиқи, сирли-жозиб оҳанрабоси билан ва, майли, лаҳзалик ором, тасалли, хуш кайфият бағишлайди (гарчанд, бу фоний дунёнинг шафқатсиз ўйини – “ёвуз ўлим”ни ёд этиб, бирданига кайфиятимиз ўзгарса-да!). Яшириб нима қилдик: умр ва тақдир инъом этган энг саодатли дамларда: иқбол ва шодлик пайманаси лиммо-лим бўлган, кўнгил фақат ҳаёт нашъу намоси, бениҳоя лаззати-ла обод, ғам-ташвишлардан фориғ, фақат кулги, ором, шукrona, ифтихор ҳислари оғушига чўмган кезларда, нечукдир ғофиллик ва гумроҳликнинг қасддан қилган хуружиданми, нафақат ўлимни, ҳатто ҳаётий ғам-ташвишларни ҳам унутамиз. Шу маънода, эҳтимол, орзуга айб йўқ, деган халқ ҳикматига таяниб, ўзимизча қандайин қандайин гўзал орзу қасрини бунёд этмаймиз, ўзимизга сифмасдан, қандаин юксакк, сарбаланд даражалару самовий-ҳавои буржларни эгаллашни кўзламаймиз! Тўғри, ўша орзуга айб йўқ, деган халқ ҳикматининг бир яхшимумтозу комил жиҳати бор: агар орзу моддий манфаатлар сарҳадини ёриб чиқиб, маънавият нафига хизмат қилса!.. Илло, маънавий мақсадга йўналтирилган ҳар қандай яхши ният, эзгу хаёл, саъй-ҳаракат, интилиш, жасорат – аъмол (ҳоҳ илмий, ижодий кашфиёт, ҳоҳ бошқа давомли, заҳматли, бунёдкорлик изланишлари) оқибат-натижада боқий неъматлар мулкига айланиши, шу тариқа ўткинчи умрнинг самимий умид-армонлари руҳий қиммат касб этиб, боқийликка айланиши мумкин. Асли шоир яратган шеърий тимсолларни ҳам – санъатнинг –бошқа

сарҳадларида яратилган бадиий кашфиётлар қаторида (хоҳ улар хаёлий-романтик, хоҳ ҳаётий-драматик, ҳатто трагик мазмунда бўлсин) мангу барҳаёт ҳақиқатлар тарзида баҳоламоқ лозим бўлади.

Менда “Ҳайрон, мағлуб бу коинот” сарлавҳасиз шеър шоирнинг аксарият ҳазин оҳангдаги асаларидан фарқли ўлароқ, кутилмагандан ҳузурбахш-хушнуд бир кайфият бағишладики, бундай таассуротни асал ва абад ҳақиқатининг инсон рухиятидаги оний жилvasи – инъикоси деб тушунмоқ керак.

Шоирнинг “Ҳамлет” шеърида сўз даҳоларини чуқур ўйга толдирган –“рубъи маскун” – кўхна дунёнинг ибтидою интиҳоси бу гал маънавият муаммоласининг энг оғриқлиги қирраси – “виждон шеваси” атрофидаги изтиробли хаёллар ифодасига айланади.

Бош эгиб тонглардан тонгларгача то  
Виждон шевасига ташбех излаймиз.  
Одамда виждон ҳам бўлмасми ҳатто!  
Сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз.

Ҳаётнинг моҳияти, инсон умрининг мақсади ҳақида теран безовталиқ, дил-дилдан қуюнчаклик ҳисларидан йўғрилган, ўзгача киноявий оҳангдаги бу сўз тимсоллар замирида ҳаётдаги қанча ечими мушкул муаммолар – ҳақиқат сабоқлари зухур этганини фаҳмлаб олса бўлади. Шеър сатрлари руҳидан мислсиз йўқотишлар, маҳрумликлар, хатоликлар бадалига эришилган, демак, ҳам аламдийда, ҳам нурли бир манзилда – неча-неча авлод орзу-хаёл қилган моддий фаровонлик, майли, нисбий маънода бўлсин, турмуш тарзига айланган бир шароитда... нечук инсонлик унинг рўшнолиги шаънига бунчалар номуносиб ҳол – маънавий сўқирлик, бориб турган ношукурлик, нонтепкилик ҳоллари юз бериши, худбин-маҳдуд тамойиллар авж олиши керак?.. Киши виждонидек буюк ҳакам нега ўзининг дахлсиз мавқеини тарқ этиши, мудроқ ғафлат домига тушиши, ожизлик, очорлик қисматига рози

бўлиши керак деган исёнкор савол-нидо— рух ҳайқириги эшитилади. Шоир сатрларининг мубоҳаса-кинояли оҳанги (асосий ташбех-тимсол такори: “...сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз”)дан одамнинг асл моҳиятини белгиловчи маънавий қадриятлардан бири ва балким биринчиси бўлмиш “виждон шеваси” шунчалар қадрсиз ҳолга келтирилгани қаҳрамонни руҳий қийноққа солганини англаб олиш қийин эмас. Рауф Парфи инсонлик шаъни, орияти ва диёнат шевасининг тимсоли мужассами Ҳамлетнинг таърифидан ташқари изтироблари тасвири орқали икки кутб – эзгулик ва разолат – ўртасидаги азалий курашга ўзига хос муносабат билдиради:

Кимларга— ишониб кетасан, дўстим,  
Наҳот етар сенга ёвузлик кучи?!  
Йўқ, сени ўлдирди шоирнинг ўзи...

Бу оддий сатрларда – шоирнинг гениал Шекспир билан ғойибона мунозарасида лафзан бирор рамзий-мажозий маъно ташимаган сўзларнинг лексик имкониятлари доирасига сифдириш қийин бўлган қанча ўй-хаёллар теранлиги, руҳий-ҳиссий түфён мавжуд! Ҳолбуки, фавқулодда истиораю мажозлар–символика ва метафоризмлар усули (бу бадиий умумлаштириш санъати учун характерли) Рауф Парфининг ижодий стихияси деса бўлади. Лекин сўзга истеъдод эҳтироси, санъаткор хуштаълиги билан муносабат туфайли шоирнинг зоҳиран оддий сатрлари буюк исёнкор Ҳамлет ўзгача-илоҳий маъно берган муҳаббат туйғуларидан фузурроқ ҳақиқат – ҳаёт ва ўлимдан кучли бўлган номусу виждан каби бебаҳо инсоний сифатларнинг мужассам поэтик тимсоли — ўзига хос –чуқур тагзамин (подтекст)га эга бўлган лавҳа-образларга айланади.

Рауф Парфининг “Бетховен” шеърида кўп қиррали “стереоскопик” (Храпченко) характердаги рамзий образнинг бағоят оригинал намунасини кузатамиз.

Шивирлар, ҳайқирап бепоён денгиз  
Мен уни сипқормоқ истайман танҳо.  
Фақат сен кўзингни бағишила, Зиё,  
Фақат сен, Жасорат қўлингни бер тез.  
Балки бу Осмон – Орзу садоси,  
Денгиз – хаёлларин садосидир бу...

Шоирнинг хаёл уфқлари, хаёл теранликларию нозикликлари билан, эҳтимол бадиий ижоднинг турли соҳасига мансуб санъаткорлардан фақат гениал композиторлар дунёси рақобатга киришса, ажаб эмас. Шу маънода, башариятнинг Бетховендек титан сиймоси ҳақида ёзишга, унинг умумлашма-полифоник образини яратишга журъат этиш катта масъулиятни тақозо қилади. Ҳассос шоир чиндан ҳам Бетховендек мусиқа даҳосининг бадиий тафаккур ва туйғулар оламини шеърий образ оламига кўчира олган: осмон –осмон эмас, балки Бетховеннинг – дунёда нисбати бўлмаган мусиқий Орзулари садосидир... Гоҳ сокин шивирлаган, гоҳ ҳайқирган бепоён денгиз –Бетховен хаёлларининг сирли-сехрли (фақат унинг ўзигина теран уқадиган) садосидир... Бадиий нисбатлашнинг бундай фавқулодда-самовий масштаби фақат соҳир ижодкорларгагина муносиб, мавзун бўлиши мумкин. Лекин Р.Парфи гениал санъаткор образини яратишида бундай нозикхаёл нисбатлар ўзи кифоя қилмаслигини билиб, ўша космик кўламга монанд бадиий-мантиқий замин ҳозирлайди: шоирнинг қаҳрамони табиатнинг Зиё, Жасорат отлик икки боқий қудратидан мадад сўрайди. Зеро, Бетховеннинг сехргар мусиқага айланган оламини фақат азалнинг Зиё сўзи билан кўриш, фақат абаднинг Жасорат қўли билан инкишоф этиш мумкин... Шу тарзда Рауф Парфига хос умумлашма ҳарактердаги ассоциатив образлар силсиласи туғилади...

Шоир жаҳон халқларининг турли даврга, турлича дунёқарааш, эътиқод ва ғоявий-эстетик принципга мансуб санъаткорлари ҳақидаги

шеърларида маҳсус лирик портретлар: Яссавий, Навоий, Микеланжело, Шекспир, Ван Гог, Бетховен, Лермонтов, Блок, Маяковский, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, Тавфиқ, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек,Faфур Ғулом, Миртемир, Абдулла Орипов, Луис Моран, Бернд Иеншц, Виктор Хара, Егишэ Чаренц, Николай Рубцов, Чингиз Айтматов ва бошқа образлар галереясини яратади. Чунончи, шоир “Ван Гог” шеърида XVII асрда яшаган буюк голланд рассомининг лирик портретини чизар экан, гўё тасвирий санъат воситаларини сўз оламига қўчиради.

Буюк севги рангин излаб юарди...

Ёзар мовийликка рангин қасида

Бироқ ҳайрат ичра қалқар юраги

Яхшилик, ёмонлик чегарасида.

Бунча ғариб, разиллар кўп дунёда?!

Уни англамади кибор оломон...

Билмоқчи бўлди у, бу қандай замон?!

Юрагин рангини кўрмоқчи бўлди...

Айниқса, ижодкор-мусаввир дунёсига монанд унинг характери билан ҳамжинс ифода изланишлари, поэтик мушоҳаданинг бу гал кўпроқ азалий ранглар билан уйғунлигига эришиш тамойили бетакрор образларни кашф этади (“буюк севги ранги”, “мовийликка рангин қасида”, “юрагин ранги” кабилар). Лекин шеърнинг қаҳрамони – гениал мусаввирнинг ҳар қандай ғубордан, эҳтимол, иштибоҳлардан холи бўлган бокира қалби ҳаётнинг доимий зиддиятлари давр фожиалари билан тўқнашади. Аввалги гўзал романтика – лазиз хаёллар оғушида, илҳомнинг илоҳий қанотида – ҳаволанган нозиктаъб рассом бор-бора ҳаётнинг аччиқ синовларини кечириб, “уни англамаган кибор оломон” – маънавий сўқирлар муҳитида ўзини ўгай ҳисоблайди, алам, изтироб, таҳқирланиш, ғазаб, нафрат ҳислари исканжасида қолади (“Бунча ғариб, разиллар кўп дунёда?”). Оқибат шунга бориб етадики, қаҳрамон ўша

совуқ, бегона мұхитдан бош олиб кетишиңа рози бўлади Шу тарзда, ажойиб санъаткорнинг, асосан, ранглар символикаси, қисман, характерли турмуш тафсилотлари билан йўғрилган образ-портрети чизгилари трагик рухдаги “юрагин ранги” шеърий нисбатида интиҳо топгандай бўлади.

## **Ботиний-рухий дунё рағбати**

Кўнгил мулки, дил меҳвари, руҳият буржлари... Бу – кўхна дунёниг буюк шоирлари – сўз даҳолари ҳайратини, шавқу рағбатини, армонларини ўзида мужассам этган ғаройибот олами. Унинг сир-синоатини дахриёна-синфий мафкура домидан халос бўлган фанимиз ҳам тан ола бошлади. Шеъриятнинг фавқулодда имконият ва имтиёзлари, макон ва замон меъёрларига сифмас (эҳтимол, сиғдириб бўлмас) теранликлари-ю, самовий кенгликлари ҳақида (маҳсус бафурж) сўз юритамиз.

Шоирнинг хосу бетакрор мажозлари, рангин рамзу истиоралари. Сўз –тимсоллар лавҳасида ҳассос санъаткор қалами-ла битилган кўнгил мулкининг бири биридан зариfu ҳарир сувратлари, руҳий оламининг ўз мақомига монанд ҳайратбахш манзаралари...

Бу – қалб тафаккури нури-ла йўғрилган, бизга таниш назаргоҳдан холи ҳиссий хаёлот (одатий ақл-зако ўлчамларига сифмас), пурдард хотирот тажалласи, эҳтимол, мумтоз шеъриятимизга хос дунёвий ибтидою илоҳий интиҳонинг шеърий шарҳлари... йўқ, чинакам бадиий таҳлилидир... Хос тамсилларга навбат берайлик, “Аста қора кийди мудраган жаҳон. Руҳимнинг асрлик музлари синди... Надир бу?! Кўлимда қора лоладир, ул кўздан ғойибдур, тирик ноладир” (“Бир замон...”) “Дўсти ғарив, хуш қол бу кечада. Юлдузларга сени топширдим” (“Мен галибмен”) “Минг йил кимни изладингиз, Минг йил сизни изладимми мен?! (“Юлдузларнинг раҳми келади...”) Во ажаб! “Дўсти ғаривни юлдузларга топшириш” – бу шеъриятнинг ғаройиб мантиқи сиғдира оладиган, фақат шеърий тил орқали шакл-шамойилга солиш мумкин бўлган бетакрор образ-лавҳадир. Ёки шоирнинг қаҳрамони хаёлидаги маҳбуб билан ошиқ кўнгил бири бирини “минг йил излаши”, “бир зумда айрилмаги” фақат руҳият дунёсига хос сирли-пинҳоний жараёнлар ифодаси эмасми?

Бошқа бир мисолни мушоҳада этиб кўрайлик. “Тонггача сухбат қурдим дараҳтлар билан, тушларимни сувга айтдим. Кел, йўқолиб кетма, дедилар” (“Ёдингдами, қандай тун эди...”) Танҳолик кечаси ёлғиз “дараҳтлар билан” мулоқотда бўлиш, дил розини “сувларга айтиш” – табиий хилқат унсурларининг жафокаш ошиқقا ҳамдардлиги – озурдаҳазин руҳ– аломати (биз ўзимизча шундай хаёл қиласиз: бу “дараҳтлар”, “сувлар” аввалроқ, қачондир баҳтиёр дақиқалар – икки шайдо кўнгил бирга кечирган фараҳбахш учрашув лаҳзаларининг шоҳиди бўлган). Балким, тун сукунатидан бу галги тилсиз мулоқот мажнунсифат ошиқ учун биз ўйлаганчалик нажотсиз эмасдир.

Сабаби, аҳли ҳол – вали зотлар сингари аҳли дард ҳам нафақат одамлар жамоасидан балки ўзлигидан – шахсий ҳаёт эҳтиёжларидан узоқ хилватгоҳни ихтиёр этса не ажаб? Бильякс, ошиқ ўзининг бундай аҳволидан руҳан ҳаловат топиши, тақдири илоҳийга шукрлар келтириш мумкин... Шу маънода, шоир қаҳрамонининг тунги сукунатда якка-танҳо қолишини ҳалқимизнинг “Ёлғизнинг ёри Худо” нақли нуқтаи назари-ла фақат ноиложлик, шикоят ифодаси, деб талқин этиш бирёқламалик бўлмасликин?.. Менинг назаримда, дараҳтлар, сувлар тилидан айтилган: “Кел, йўқолиб кетма” илтижосида теран маъно зухур этади; унда истанг – ёлғизлик, ғариблик фожиаси қанчагача (қачонгача) давом этиши мумкин деган ҳазин нолавор руҳ, истанг – юқорида қайд этилган қисматга розилик аломати мужассам аксини топган.

Энди “сўз лавҳи”га чизилган образ-тимсолларни мушоҳада этайлик: “Бу – навога айланган сўзлар, “Бу ерларга беҳуда келдим, сувга чўккан чўғдек сўзларим”, “Хотирамнинг тасбеҳлари тизилди, Қайгулиман, дардга қоришган сўзим”; “Ўзимдан узоққа бормадим, Сўзимдан узоққа бормадим”; “Сўзлардир пешонада тўпланган ажин, Кўзларимиз фикрчан сўзлардир”... Рауф Парфининг санъаткорона

тарашланган, қўйма бандлари, мисралари “тоза ва беандоза” (Навоий) аломатлари билан, ўзгача оҳангি-садо, акс садолари; руҳий нидо – ўйчан паузалари, нуктадон жилолари билан ажралиб туради.

Шоирнинг сарлавҳасиз бир шеърида тун зулмати бағрида ўзгача қўшиқ бўлиб янграган, одамзотнинг қадимий кашфиёти – шамчироқ ўйчан мажозий образга айланади:

Чироқ. Чироқ ёнар бўзариб...

У бир қўшиқ айтар, дўстларим,

Саҳаргача айтар куйиниб...

Чироқ ёнар – севимли орзу.

Айниқса, узун кечалар шамчироқ ёруғида мутолаа қилган, тадқиқот билан банд бўлган, бирор янгилик, кашфиёт иштиёқида ёнган ёки ижодий изланишлар шавфи ва қийноғида на вақт ўлчовини, на уйқу оромини билмаган “тунги заҳматкаш” тоифасидаги одамлар назарида чироқ фақатгина ёруғлик воситаси бўлмаса керак... Шоир эса уни жонли, руҳли, фидойи бир куйчи тимсоли – маҳсус мажозий образга айлантиради; у тунги ҳамроҳига фақат ёруғлик қувончини бахш этмайди, балки жисман тўлғониб, “бўзариб ёнади”, шамнинг ҳаво тўлқинида ҳосил бўлган безовта ҳаракат-ҳолати, то “саҳаргача” ўз манбаи – қувватини аямай “сарф этиши” унинг жон нисор этиб, “куйиниб қўшиқ айтиши”дир, шу сабабдан ҳам чироқ инсон учун “севимли орзу” (қўшиқсиз, орзусиз яшашда маъно йўқ). Айни чоғда, ҳаёт орзудангина иборат эмас. Чироқ рамзи ҳам шундай.

Чироқ ёнар – сўнгги йўқ ҳасрат...

Сизни куйлар у тонгга қадар.

То навбатни олгунча қуёш,

Чироқни тинглангиз, одамлар.

Том маънода, дарднок руҳият образи! Шубҳасизки, шоир “одамлар” деганда онгли равишда тунни уйқусиз кечирган (уйқуни

ғафлат деб билган), қалби, закоси, руҳияти билан уйғоқ, ҳаёт ва умр отлиғ буюк неъматга ўзича қиммат берган алоҳида тоифани назарда тутаётгани англашилиб туради... Чиндан ҳам чироқ ўз нури ёрдамида шуури ва заковатингизга олам-олам мўъжиз муждалар, бебаҳо руҳий баҳралар етказиши, қалбингиз уйини равшан этиши билан баробар, эҳтимол, ўзингиз истаб ё истамасдан кимнидир ёдга солиши, эскирган дардни янгилаши, кўнглингизни эҳтимол, дарду ҳасратлар, армонлар гирдобига тортиши мумкин... На чораки, киши ҳаётда шамчироғ билан танҳо, юзма-юз қолиб, унинг мунгли қўшиғини ҳам “tingлаши” муқаррар бўлган, тунларни тонгга улайдиган руҳий ҳолатларни кечиришга рози бўлади. Зеро, “навбатни қуёш олишига” умид боғлаб, унгача садоқатли ҳамроҳ, самимий мусоҳиб, аникроғи, шабчироқ куйини тинглаш ҳар кимга ҳам мұяссар бўлавермайди. Шу тариқа, ҳассос шоир чироқни ўзича хос восита билиб, ёлғиз кишининг тунги хаёллари ҳақида янги, бетакрор лирик қўшиқ-лавҳа яратади.

Мана, яна бир тур тамсиллар мажмуи “кўз уйи” воситаси-ла чизилган лирик манзаралар: “Кўзларинг қаърида синиқ бир нола, балким, қафас ичра уйғонган наво”; “Кўзинг осмонидан учган юлдузлар. Мангулик осмони – бу теран кўзлар”; “Нафасларга таша бу осмон узилмайди асло кўзимдан”; “Юлдузларнинг нурлари оғрир кўзларимга келиб санчилиб”; “Эзилган юрагин эзиган тўймайдир, Гулім, Кўзларингта беркинган жаҳон”; “Қора ёрқинликда шивирлар оят, Кўзларингни тингляяпман энтикиб”... Лоақал шу сўнгги байтни таҳлил қилиб кўрайлик. Аллоҳ таолонинг мўъжизаларидан бўлмиш, борлиқ жонли мавжудотга (демак, ички сезги орқали наботот дунёсига ҳам), аввало, ёруғ дунёнинг олти жиҳатини таниб, билиб, илғаб олмоқ, сўнгра ундан турли даражада фойдаланмоқ, шу жумладан ўзини муҳофаза қилмоқ учун ато этилган кўриш сезгисида, шубҳасиз, муайян илмий ҳақиқат ётади. Алалхусус, инсоннинг кўриш салоҳияти нафақат зоҳирий, балки

ботиний дунёни идрок этиш учун қанчалик зарурлигини шоиртабиат халқимиз: “Кўз – кўнгилнинг кўзгуси”, “ақл кўзи”, “ишининг кўзи”, “кўз гавҳари”, “кўзнинг оқу қораси”, “нури дийдаси” каби зарифу доно нақллар, иборалар билан ифодалайди. Ҳассос шоир Миртемир “қора ёғду”, –“кора оташ” деб таърифлаган кўзнинг қорачиғи таратган– зиёга Рауф Парфи кутилмаган тарзда илоҳий маъно беради: маҳбуба кўзлари “шивирлаб оят” ўқиётган обида (“ибодат қилувчи”) муслимага муқояса этилади; ошиқона нигоҳли кўзлар муҳаббат нури-ла мунтс ҳабибига “қора ёрқинлик” бахш этиш билан кифояланмайди, балки умид, нажот рамз бўлган руҳий савдо бергандай, сас ила ғамнок кўнгилга сафо бахш этгандай бўлади...

## **Бадиият – самовий ҳодисалардан**

Том маънодаги бадиият – “образли тафаккур” қадри, сўз, санъат, фасоҳат қадри олдинги сафга ўтганда (гоявий, маънавий қадриятлар, мазмундорлик бўйича бадиий образлилик замирида ) қўпинча, пинҳоний, парда ортида, ботиний – руҳий теранликлар қатида ётган бўлади. Ана ўшанда бир неча (ўнларча десак ёлғон бўлади) ҳақиқий шоирлар, “шеъриятни қисмат деб билган, ўз ёғида ўзи қоврилган” (А.Орипов) туғма истеъдод соҳиблари сафида Рауф Парфининг ўрни, барибир алоҳида ажralиб туради, ҳақиқий баҳосини ҳам топади.

Бадиий ижод оламида мазмун тушунчасининг бирламчи омиллиги қадимдан эъзозлаб келинса-да, (“ҳар кимсани сўз демак шиорида дуур. Маъни гули нутқининг баҳорида дуур” – Навоий), ҳар қандай санъат асарининг жозиба сири, инсон шуури ва ҳиссиётига кўрсатадиган таъсир кучи, даставвал, унинг нафис бадиияти билан белгиланади (биринчи таъсир – сувратдан бўлади, кейин сийрат идрок этилади). Бас, ҳар қандай талантли асарнинг “маъни гули” – мазмундорлиги жозибадор, нафис шакл замирида, маълум даражада пардалаб, “яшириб” берилади (бильякс, бадиийлик – сувратга хос биринчи жозиба – сехрли таъсир кучидан маҳрум асарнинг санъатга алоқаси йўқ). Сир эмаски, шеърият қонунлари – мумтоз, “саноеъ нафиса, мезонлари ўзининг келиб чиқиши, такомил йўли, хос манзил-босқичлари эътибори-ла кўпроқ мусиқа санъатига яқин туради. Шеърий, мусиқий рисолалалринг муаллифлари (“илми балоға”, “илми бадеъ”, “илми аruz”, “илми саноеъ”, “илми мусиқа”, “илми адвор” – ижро, арконнависилик илми назариётчилари) ҳар икки санъатнинг пайдо бўлиш сабабиятини самовий қудрат – илоҳий ибтидо билан боғлайдилар.

Академик Иззат Султон танқидий матнини тайёрлаб нашр этган “Мезонул – авзон” рисоласида шундай қудсий шарҳнинг гувоҳи бўламиз: “Андоғки, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг “Каломи мажид”ида кўп ерда

назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди (қоидалари) била ростдур. Ул жумладан бри оятдурки...” –дейилади-да, аслият (араб) тилида келтирилган икки оят арузниң рамал ва музореъ баҳрларида “воқеъ бўлгани” қайд этилади. Ҳазрат Навоий давом этиб ёзадилар: “Ва расулу соллаллоху алаҳи васаллам аҳодиси (хадислари)да дағи бу тарих тушубтур...” Жаноби Расулиллоҳнинг на хат-саводдан, на илми аруздан бехабарлигини эътиборга олганда, Навоийнинг муборак шаҳодатли сўзларидан бадиият, фасоҳат қонунлари осмондан нозил этилгани очик аён бўлади. Хулласи калом, шеърият бадиияти ҳам (ҳоҳ аруз, ҳоҳ ҳижобармоқ, ҳоҳ сарбаст вазнларга мансуб шеърлар санъати), “тенгри эҳсони” бўлмиш истеъдод салоҳияти каби қудсий тушунчалар сирасига киради (бехуда зўр бериш, хунарманд-косиб уринчоқлиги билан чинакам санъат, бадиият яратиб бўлмайди). Шу маънода, нодир истеъдод соҳиблари бўлмиш шоирлар даврасида ўз ўрни, ўз мавқеи, хос мақомига эга бўлган Рауф Парфи қўлига қалам олибдики, бадииятнинг илоҳий меъёрмезонларидан холи асар яратганига шубҳаланмаса бўлади. (Навоий “Бадоеъул – бидоя дебочасида ўз шеъриятига танқидий ёндошиб (!) қайд этгани ташқи –вазият ёки турлича руҳий кайфият таъсирида шаклланган баъзи “хом ва нотамом” сатрлар истисно ҳоллардир). Ҳоҳ шеър санъатининг илоҳий сеҳр-жозибаси, мумтоз, “бадоеъул-саноеъ”, “илми балоға”дан мерос юксак ва нафис бадиият намунаси бўлган шеърлар, яъни билвосита: бири биридан теран, нуктадону рангин тимсоллар, рамзу мажозу истиоралар бўлсин, ҳоҳ бевосита: кундалик ҳаётдан олинган, яъни шеъри нисбат тарзида эмас, балки асл маъносида, тафсил-детал сифатида танлаб, саралаб олинган, воқелик ҳақиқати унсурига бадиий мантиқ, бадиият эликсири (аслиятда арабча “ал-аксир») билан йўғрилган, “ташбеҳларсиз образлилик” мисоллари бўлган ўйчан, курашчан сатрлар бўлсин– Рауф Парфи ижодида манаман деб ажаралиб туради. Мана билвосита ташбеҳли ва бевосита нисбатларсиз бадиий ифода намунаси

бўлган тамсиллар: (1) “Абадий бир наво сингари само”; “Инсон орзусидан иборат осмон, Бори замин узра ёймиш қаноти”, “Талпинади яшил далалар – Совутади асов отини”; “Аламларга тимсол ўхшайди. Тонг чогида очилган ғунча”; “Заъфарон куз янглиғ хаёлим тақир”; “Жунжиктирас ойнинг ноласи” вах. (2) “Наҳот, дўстим, шу қабр – сенми?.. Кўмиларми ҳеч қачон севги? Мен жавоб истайман, жавоб!”; “Замондошим менинг, жафокаш Ҳамлет. О, дўстим, дунёда хунхорларни кўр. Ожиздир бу қалам, ожиз тасаввур. Қонлар оқмоқдадур, сўқмоқдадир нур. Турибсан-ку, давр билан бетма-бет! Наҳот изтиробда доим тафаккур?!” ва х. Бас, Рауф Парфи учун бадиият – ижодий стихия, образли тафаккур – ёзиш, шеър яратишнинг туғма эҳтиёжи, ҳаёти, сўзташбеҳни санъат даражасига, бетакрор тимсол мақомига кўтариш – маънавий позиция, руҳий зарурат, ижодий қонуният...

## 1. (II) Шоирнинг ёруғ юлдузи (“Чўлпон”)

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,

Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку...

Чўлпон

Деярли кўпчилик ёзувчилар – дунёга машҳур санъаткорлар фожеъ оҳанглар – трагизмни бадиий ижод оламининг баравж нуқтаси, инсоннинг изтиробли кечинмалари кульминацияси, руҳий ҳолатлар драматизми тарзида талқин ва таҳлил қилишлари бежиз эмас. Илло, оқибат-натижа қанчалик беомон озорли, ҳазин-мунгли бўлмасин, инсон қалби, руҳияти – умуман хилқати фақат фожеона кечинмалар оташида покланиши мумкин. Бошқача айтганда, ҳақиқий баҳтнинг маъноси, қадри, айниқса, баҳтсизлик билан юзма-юз келганда, ҳаётнинг чин моҳияти, умрнинг лаззати ўлимнинг беомон ҳукми, ваҳшати олдида чорапсиз қолган дақиқалардагина тўла, бутунликда англашилиши мумкин. Ҳар бир имони бут одам ўзи учун азиз кишининг баҳтсиз қисматини ёки ўлим мусибатини нечоғлик руҳий қийноқ, ботиний изтиробларда кечиради, қанчалар сабру сабот кўрсатади – фақат унинг ўзига аён (шахсан баҳтсизлик, ғариблик, бедаво дард, бевалик, фарзандсизлик ёки кечирилмас, тузатиб бўлмас хато, муҳаббат фожеаси янада шахсий, пинҳоний бир олам). Санъат, шеърият ўша туб сабабияти номаълум бўлгани учун ҳам ўзга бир кишида лозим даражада дарддошлик кайфиятини уйғота олмайдиган баҳтсиз ҳодисага кутилмаган тарзда инсоний илиқлик, дилга муnis ва ҳамроз маъно, ларзакор фожеъ саъжия (характер), эмоционал жозиба бағишлайди. Акс ҳолда, биз мусиқа, рассомлик, сахна ё сўз санъатининг энг яхши асарларини (улар аксарият трагик мазмунда) қайта-қайта тингламаган томоша қилмаган, ўқимаган бўлардик. Шубҳа йўқки, Рауф Парфининг фожеъ оҳангдаги шеърлари инсон драмаларининг моҳиятини, руҳини таҳқиқ этишга қодир эмоционал жозибага эгадир.

Ҳозирги маънавий янгиланиш, покланиш шароитида адабиёт ва санъатнинг халқимиз азалдан мукаррам билган инсон хотирасига ҳар қачонгидан дадил, дахлдор муносабатда бўлиши, уни ларзакор, қизғин-ўйчан мисраларда, бутун, ёрқин умумлашма образларда ифодалашдек халқ кўпдан орзу қилган маънавий миссияни ўтаётгани таҳсинига лойиқдир. Эндиликда, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби ўлмас сиймоларнинг бадиий (шеърий, насрый, саҳнавий, тасвирий) образлари ёнига... Абдулҳамид Чўлпоннинг дастлабки шеърий тимсоли келиб қўшилди.

Рауф Парфи қаламига мансуб “Чўлпон” сарлавҳали бу шеър монолог усулида – ўша суронли йилларнинг забардаст хурфикр шоири тилидан битилган.

Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош.

Куйиб, ёдимииздан кечганлар айтсин.

Сўзларида заҳар, қўзларида тош.

Тилидан, элидан қочганлар айтсин.

Тунлар босиб келар дунё ҳасрати,

Кунлар гизли тугён, босиб келар шеър.

Нечук қисмат эрур, шоир қисмати?!

Тушларимни бузар ҳазрат Алишер...

Бу сатрларнинг аламнок оҳангига дафъатан, шоир қисмати она халқининг тарихий тақдирни билан, унинг азалий орзу-армонлари, дардлари билан узвий боғланган, деган теран маъно ётади. Лекин халқимизнинг нафақат гениал шоири, балки умуминсоний фазиларларининг мужассам тимсоли бўлган Навоийнинг муборак номи тилга олиниши бежиз эмас. Тарихда беназир зот, доҳий санъаткор, улуғ мураббий номи ва руҳи билан чамбарчас боғланган халқقا, унинг номуси ва шаънига муносиб, шеъриятга, фидойи шоирларга нисбатан, эрк, адолат, ҳақиқат, эзгулик қонунларига хилоф равишда қилинган турли

усулдаги ноҳақликлар, ҳатто қатағон даражасига бориб етган мудхиш ёвузликларни ўйлаганда, шеър ва шоир зоти ҳақидаги безовта хаёллар түғёнга келса, неажаб? “Чўлпон” шеърида нафақат ҳазинлик, балки исёнкор рух бунчалар шиддатли, пурмавж даражада эканининг боиси ҳам шунда эмасмикин?.. Рауф Парфи ўзи кўзлаган ниятни, зохиран қараганда, Ҳурриятимиз шоирининг мураккаб ҳаёт йўли, унинг фожиали интиҳоси тақозо этган оғир-ҳазин оҳангда ифодалаётгандай бўлади. Аслида, ўша безовта, аламли оҳанг замирида, мисралар моҳиятида бир киши драмасина нисбатан кенг ва теран ижтимоий дард бор. Шоир қисматининг бутун зиддиятларини – унинг шахсиятида машрабона хурфикрлилик билан халқона шикастаҳоллик; ҳаёт қувончларига ошиқона шайдолик билан дард-аламларига куюнчак муносабат; умумбашарий ташвишлар – “дунё ҳасрати” билан кўнгилнинг хос, сирли-маҳрам кечинмалари омухта эканини – булар битта тирик вужудга, бир бутун оламга айланганлигини ким тушунади, ким қадрлай олади?.. Шоир қисматидек муборак ва масъул тушунча, халқ, унинг зукко вакиллари қадимдан дахлсиз маъно берган, музейнинг не-не ҳокими мутлақлари ғазаб ўтини сўндира олган бу мўъжизакор қудрат ўзи нималигини... “тилидан, элидан кечганлар” қаердан билсин?!.

Маълумки, Чўлпон катта иқтидорли шоиргина эмас, қаламини сахнавий ва насрий жанрларда ҳам тарашлаган, Абдулла Қодирий мақомидаги сўз усталаридан эди. Бежиз эмаски, Р.Парфи мазкур шеърини ўз қаҳрамонининг қўхна ва бой она тилига, унинг тимсолида қадим жафокаш халқига мурожаатидан, аниқроғи, саною муножот, илтижою фахрия, дарду ҳасрат, армон ва умид ҳислари йўғрилган шоирона дил сўзларидан бошлайди:

Она тилим! Сен руҳимнинг қаноти,

Абут турк нафаси, Олтой чечаги...

Урхун бўйларида тошга айландинг,

Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг Сен.

Мангалик сафарга қачон шайландинг?

Қачон бу аламга – кучга тўлдинг сен?

Чўлпон каби маърифат ва заковатида бутун, хаёл уфқлари кенг, бадиий-образли сарзамини бой ва теран шоир учун она тилидан муборак тушунчанинг нечоғлик азизтутилганига шубҳа қилмаса бўлади. “Она тилим! Сен руҳимнинг қаноти”. Шоир халқ ўзлигининг ёрқин тимсоли, кўхна тарихининг баҳосиз ҳужжати, қадим маданиятининг тирик хазиналари, ижодий даҳосининг рангин рамзи, миллий ўзига хослигининг ёрқин нишони бўлмиш она тили ҳақида ёниқ дил сўзларини айтиши керак эди. Бундай мўъжиз имконият, комил ва солим восита орқали халқ шаънини улуғлаш, унинг бағоят зиддиятли тақдири, эрки ҳақида қайғуриши, жамики армон-умидларини, дард-ҳасратларини қаламга олиши керак эди. Чўлпон айни шу йўлдан бориб, “руҳига қанот” излади, уни топганидан рағбатланди, аммо ёвузлар қанотини қайирдилар... “Мангалик сафарга қачон шайландинг? Қачон бу аламга – кучга тўлдинг сен?” ...Шеърий мантиқнинг гаройиб сехри, қудрати билан шоир “руҳининг қаноти” бўлган она тили зоҳиран сезилмас, илоҳий-рухий ришталар орқали халқнинг тарихий йўли, манзиллари билан боғланади, аниқроғи, “мангулик сафар”нинг суронли манзилларида тобланиб “кучга тўлган” халқ тимсолига айланади. Табиий, ўз тарихини таниш, англаб етишдек қонуний ғурур туйғуси – фахрия оҳанги яна иложсиз мунг билан алмашади:

Порлоқ осмонингда қузғунлар учди,

Э воҳ, ёғийларинг солди яғмони.

Ёғийларинг жигар-қонингни ичди,

Жигар-қон жарангি тутди жаҳонни.

Онасен. Кечирдинг. Қонидан кечдинг,

Бироқ кечирмадинг ёлғонни.

Лунёда энг мукаррам она халқи, она юрти кечирган жами бедодликлар, хўрлик ва ҳақоратлар интиқоми учун, уларнинг ҳақига қилинган барча хиёнатлар, ёлғонлар учун диёнатли фарзанд, аламнок, дарддош шоир сифатида дилида қатланиб ётган, охири туғёнга келган оташин ҳисларини тилига кўчириши керак эди. Чўлпон ўзи каби заковати теран, эътимоди бутун қаламкаш дўстлари қаторида шундай йўлни тутди. Тарихий ҳакиқат қанчалик аччик, шафқатсиз бўлмасин, уни баралла айтиш керак эди ва шундай қилди, жафокаш она халқи учун ёнди-ўртанди. Унга эрк, тараққиёт йўли очила бошлаганини қўриб қувонди, бу йўлдаги қийинчиликлардан, биз бугун англаб етган юмшатиб айтганда, қингайишлардан, тойилишлардан, уларнинг туб сабаблари – ёмонлик илдизларини билолмай тўлғонди, зорланди ва эҳтимол, ўша тортанглик муҳитида айрим субъектив тамойилларга, иштибоҳларга борди, бундан қаттиқ изтироб чекди. Лекин ҳеч қачон виждонига хилоф иш тутмади, ёлғон сўзламади, айни чоғда, қаллоб демагоглар маломатидан қўрқмади, қўрқмадигина эмас, уларни кечирмади... Шоир кейинги сатрларда Чўлпон тилидан ҳакиқий санъаткор қисматининг аччик насибасидай юз берган, аслида, кенг маънода, миллий маданиятимиз – тилимиз, адабиётимиз, санъатимиз учун қайта тиклаб, ўрнини тўлдириб бўлмас даражадаги руҳий-маънавий йўқотишининг моҳиятини – ҳаёти, истеъоди, заковати, қалби, руҳияти, она халқи учун баҳшида қилинган зотларнинг ўлмаслиги ғоясини зўр эҳтирос билан, санъаткорона ифодалайди:

Йиллар баҳорини учирди чалқиб,  
Музларга кўчирди ўтлиқ ёзимни.  
Ахтардим муҳитда хас каби қалқиб –  
Мен ўз юлдузимни, ўз Қуёшимни...  
Юлдуз сен, Қуёш сен, сен туркий халқим,  
Сен учун синдиридим синмас созимни.

Абдулла Қодирий каби авжи камолот босқичидаги умр шамчироги ёвузык салтанати, маънавий сўқирлар сотқинлиги билан сўндирилган адабиётимиз тараққиёти йўлида қанчалик кулфат бўлганлиги йиллар ўтган сайин равшанроқ кўриниб бораётган ҳақиқат эмасми? Шеъриятдаги ёруғ, катта йўлни ахтариб, ўз-ўзи билан, мунофиқ демагоглар, турфа тоифа мухолифлар билан курашиб, изтиробларда ёниб излагани – чин шоирлик тақдири фожеали интиҳо топганидан қатъи назар, давомли ижодий қийноқларда кўзлаган, ҳақиқат учун кураш жабҳаларида ахтарган”, интилган Юлдузини ҳам, ҳатто ҳаёт, нажот манбаи, эзгулик идеали – Қуёшни ҳам “сен, туркий халқим” деб таъбирлаши, биринчи қарашда, анъанавий бўлиб туюладиган бу нисбат шеърнинг руҳини, пафосини қанчалик ёрқин очиб беради! Шу тарзда, адабиётнинг чинакам ғоявий мазмундорлиги, маънавий қиммати, бадиий бутунлиги каби белгиловчи талабларга тўла жавоб бера оладиган умумлашма-рамзий образ яратилади. Мисраларнинг зоҳирлан мусиқий-равон оҳанги замирида чукур дард – зиддиятли, ларзакор маънолар мавжуд; уларда нафақат улуғ шоирнинг доғи-алами то ҳануз юракни ўртагувчи оғир маломатли, фоже қисмати, балки умуман шеъриятнинг табиати, моҳияти, шоир зотининг ҳеч кимникуга ўхшамайдиганҳаёти, шахсияти, характеристи – аъмоли ажойиб лаконизм билан зуҳур этган. Қолаверса, шоирнинг ўзлиги, саъжияси, ўзининг эрксизлиги, йўлсизлигининг ҳасратини она халқига айтишида Чўлпон ва чўлпонларнинг руҳий фарёди умумлашма ифодасини топмаганми?

Рауф Парфининг Чўлпон дунёсини мумкин қадар чукур таҳқиқ ва бадиий таҳлил этишга интилиши сатрдан сатрга томон кучайиб, кескинлашиб борувчи туйғулар, хаёллар түғёнидаги сезилиб туради. Мана беихтиёр Чўлпон қаламини эслатувчи, катта маҳорат билан “тарашланган” (бу санъаткор шоир адабий муомалага олиб кирган истилоҳлардан) шеърий сатрлар:

Йўлсизлик йўлдоши, томи нигун  
Ҳеч қачон тўярми ахир ёвузлар?  
Бу – халқ душмани деб тутсалар бир кун,  
Барибир, у халқнинг номидан сўзлар.  
Бошида қора қиши, оппоқ баҳорлар,  
Юраги яриму бутун имони,  
Талотум оламни шивирлаб чорлар.  
Тани омонатдир, нақд эрур жони.  
Кўкрак қафасида ловуддаб порлар,  
Буюк муҳаббатнинг қонли нишони.

Аввало, тШахс истибоди, тузум зўравонликлари, қолаверса, ўз ичимиздан чиққан турли тоифадаги ғаразгўйларнинг “душман” деган “захарли ёлғон сўзлари” неча ўн йиллар давомида халқимиз ботинини имон изтироби, виждон азоби бўлиб ўргаб келгани, хусусан, турли авлодга мансуб шеърият муҳлисларида ўта зиддиятли – кимда озор-ситамли, кимда ҳадик-шубҳали, яна кимдадир сохта курашчанлик каби тамойилларга сабаб бўлгани, умуман, ёвуз тухматнинг ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, руҳий-психологик асорату оқибатларини қандай ўлчаб, баҳолаб бўлади?.. Тангрига ҳазар шукрлар бўлсинки, ҳақ жойига қарор топадиган қунлар келди: турли-туман ғаразли ниятлар зиддига янги замоннинг беназир ҳақгўй шоири қалби, заковати, шеърий даҳоси – бутун вужуди билан Ватан, Ҳуррият, Истиқлол манфаатларига хизмат қилгани, “халқнинг номидан сўзлагани”, бундай масъулиятли вазифани зиммасига олишга ўзини маънавий ҳақли деб билгани бугун, мана, оламга ошкор бўлди. Ш жиҳатдан қараганда, “Чўлпон” шеърида халқимиз учун ҳам ёруғ, ҳам аччиқ армон бўлиб қолган, лекин юлдузи сўнмас шоирнинг азиз сиймоси қанчалар ҳаққоний чизилган! Унинг “кўкрак қафасида буюк муҳаббатнинг қонли нишони” бўлиб порлаган қалби мудом “оламни шивирлаб чорлаш”да давом этиши Ҳуррият ва Истиқлолият шаҳидлари

руҳининг ҳамиша тириклиги тимсолидир. Хуллас, “Чўлпон” сарлавҳали уч сонетдан иборат шеърдан кўчирилган ҳар бир пурдард мисра, унинг ҳар бир қўйма сўз-тимсоли том маънодаги халқ шоирининг оламини бадиий инкишоф этишда Рауф Парфи ўзи кузатган “эзгу ниятига, ниҳоятда босавоб, долзарб, журъатли юмушнинг амалига эриша олганидан далолат беради.

## 2. (II) Мажнуншиор қисмат (“Шоир”)

“Шеър йўли мушкул нақадар,  
Қалтис дордан боради шоир.  
Агар қалқиб кетмаса лангар,  
Куйлаб берар қалбига доир”.  
(“Шеър йўли”)

Инсоннинг кўнгил мулки, руҳий дунёси... Жаҳоннинг қанча буюк шоирлари – сўз даҳолари ҳайратини, эзгу ўй-армонларини ўзида тажалли этган сехрли хилқат! Фақат инсон зотига хос зариф ҳиссиёт, хаёлот ва хотирот оламини табаррук шуаро аҳлидан мерос фасоҳат қонунлари таҳқиқ ва таҳлил этиш мудом шеъриятнинг хос соҳаси эканлигига ким шубҳа қила олади? Бу “Тенгри эҳсони” (Навоий) бўлмиш туғма истеъдод – шоирнинг қалб идроки-ла етилган яратиш дарди, янги, бетакрор тимсол – бадиий кашфиёт йўлидаги изланишлар қийноғи демакдир.

Р.Парфининг шеърият дунёси, ўзгача тимсол-образлари... Унинг моҳияти, шоир ҳаёти, ижодий тақдири ҳақидаги шеърларида ижодкорнинг ўзигагина аён, бошқалар учун сирли-гаройиб жараёнлар тарзида зухур этади. Чунончи, “Шеърият”да ғоят нафису мўъжаз санъат табиатига хос шундай безовта-ўйчан сатрлар бор:

Ром этмас ҳеч нарса, сахродир кўнгил,  
Осмонларга фақат афсона сўзлар.  
Маломат тошида очилган бир гул,  
Дам ўтмас кулар ул, дам ўтмас бўзлар...

Не ажабки, ҳазрат Навоий ўзининг шоир, ориф, ошиқ, ринд, вали-дарвеш, арбобу мураббий зотларнинг тимсоли мужассами бўлмиш лирик қаҳрамонини мажозийлаштириб, “маломат булбули” деб атаган эди. Рауф Парфи устоз ташбеҳидан рағбат олиб, шоир зотининг бардошда, фидойиликда беназир кўнглини “маломат тошида очилган бир гул” деб таърифлайди. Юқоридаги мисралар, биринчи қарашда, шеър яратишдек

нозик, мураккаб изланиш жараёнларининг объектив ё субъектив сабаблар билан, эҳтимол, самарасиз кечган қийноқларини ифодалаётгандай туюлиши мумкин. Аслида, мунгли-ҳазин, айни чоғда, мағур ва исёнкорона оҳангда шоир қисмати биз тасаввур қилганимиздан кўра пурдард ҳолат-турли зиддиятлардан холи эмаслигига ишора бор. Гарчанд, “саҳро” “кўнгил гўё умидсиз бир ҳолнинг сабабияти сир тутилса-да, мисралар моҳиятида шундай ҳақиқат ётади: шоирнинг руҳий изтиробларни ёнга олиши ё яшириб бериши ҳар доим осон кечавермайди, зотан, ҳаётда бўлгани каби. Драматик, ҳатто трагик ҳолатлар унинг табиати учун бегона эмас. Бу ҳол А.Ориповга бағищланган “Шоир” шеърида аниқ ифодаланади:

Кимни шоир дея тан олар жаҳон,  
Биз кимни шоир деб атаймиз бугун?..

Кимдир ул, эрмак деб куйларми наҳот,  
Сохта эҳтирослар чулғарми уни?..

Кимдир ул жафокаш шу хилқат аро  
Ҳамнишин тутинган қора қаламга?..

Кимдир ул, ғамғусор ва мотамсаро,  
Фикр сочаётган оламга?..

Бу фавқулодда безовта, нолон оҳангдаги сатрлар орқали шоирнинг “бу дунёга... жавобгар” (Шайхзода) миссияси – ҳаётнинг ўзи илгари сураётган умумбашарий муаммоларга даҳлдор муносабати жуда самимий, ҳаққоний ифодаланган. Аслида “оламга... ғамғусор ва мотамсаро фикр” таратиш сири, ҳақиқат, эзгулик манфаатлари йўлида шунчалар “жафокаш” қисматга розилик боиси шу безовта-түғёнли саволлар замирига жойланган. Албатта, истеъдод табиати, характеристики билан изоҳланадиган бу ошкор мунгли оҳанг фақат ҳасратнишин кайфият аломати эмас. Шоир шеъриятнинг азалий гўзалликка, башарий идеалларга ва ҳозирги воқеликнинг маънавий-эстетик эҳтиёжлари

хизматига даъват этилганини, бу олис, азобли ва қутлуғ йўлда ҳали қанча омонсиз жанглар бўлишини ўша изтироб оҳангига, моҳиятда эса, ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан ҳайиқмас исёнкор руҳда ифодалайди.

Хусусан, шоир ва шшеърият учун фаол, ватан, миллат ғоялари тақозо этган курашчан, ижтимоий дард ягона мақсад ва матлаб эмас. Унинг ўзи инсоний, руҳий-маънавий эҳтиёжсиз яшай олмайди. Зеро, “Гўзаллик дунёни халос этади” (достоевский) сўзларида мужассамланган юксак бурч туйғусини “Гўзалликнинг ўзи ҳимояга муҳтоҷ (Франк) драматик жумласида ифодаланган руҳий-маънавий эҳтиёждан ажратиб бўлмайди... Чунончи, Рауф Парфининг сарлавҳасиз шеърларидан бирида шоир кечириши табиий бўлган иккинчи ҳолат – руҳий эҳтиёж туйғуси жозиб мисраларга ўтади:

Иzlaisanmi sen-da bir panox,  
Ҳеч тинарми бу куй, бу оғриқ.  
Эҳtimolki, bекордир, эвоҳ,  
Ўртанишинг бу қадар, бағrim?!  
Ўйchan кеча, тун ичра танҳо,  
Рауф Парфи, қолдик икковлон...  
Биз меҳрغا тўймадик асло,  
Меҳр, меҳр истаймиз ҳамон.

Шубҳа йўқки, баъзан шоир ўз-ўзи билан, қалб, кўнгил, юрак, дил ташбеҳларида мужассам ифодаланган сирдоши билан “танҳо” қолганда ғаройиб руҳий мулоқот лаҳзаларида шеър яратиш дарди, шоир зотининг эзгу муроди, матлаби, бу муборак аъмолнинг маъно-моҳияти бир қадар ойдинлашгандай бўлади. Хусусан, “ҳеч тинарми бу куй, бу оғриқ... Меҳр, меҳр истаймиз ҳамон” мисралари руҳига жойланган дард, ҳасрат. Умид, армон, иминж, муножот туйгуларини бир қадар аниқроқ шарҳлаб бериш мумкинми?.. Шунга қарамай, шоирнинг ўзлиги билан қилган бу дил

сухбати шеърият, унинг қаҳрамони дунёси ҳақидаги тасаввуримизни, ҳар қалай, конкретлаштиради, кенгайтиради, чуқурлаштиради...

Рауф Парфи шеъриятига хос моҳият ва руҳият бу гал янги миқёс, ўзгача характер касб этади:

Не эллар, ватанлар гулханда ёниб  
Шоир кўз ўнгидан ўтади бир-бир  
Барчанинг дардини ўзига олиб,  
Мажнун бўлиб юрар шунинг-чун шоир.  
Ҳали бўғизларда бўғилар нафас,  
Эски яралардан чак-чак томар қон,  
Шоирни куйлатган табиат эмас,  
Шоирни куйлатган Ҳазрати Инсон.

Бу шеърда қаҳрамон дунёси кенг, унинг ижтимоий салмоғи асримиз зиддиятлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам Рауфнинг қаҳрамони ижодкор бурчини бошқача тушунади: поэзия – гўзалликдан ҳайратланиш ва муҳаббат дардининг маҳсули деган, ҳали қимматини йўқотмаган тасаввур билан баҳсга киришади (“Шоирни куйлатган табиат эмас”<sup>0</sup> ва унинг чуқур эътиқоди бўйича, шеърияти, даставвал, умумбашарий дард – инсон тақдири, уни баркамол қўришдек улуғ ният яратиши лозим (“Шоирни куйлатган Ҳазрати Инсон”). Шу боисдан ҳам Рауф шоир зиммасига энг шарафли “энг масъулиятли вазифалар юклашдан чўчимайди:

Кимdir ул жафокаш шу хилқат аро  
Ҳамнишин тутинган оддий қаламга...  
Кимdir ул, эрмак деб куйларми наҳот,  
Сохта эҳтирослар чулғарми уни?..  
Буюк эътиқоддир бу даҳр аро йўл.  
Буюк эътиқоддир муборак илҳом.  
Шоир юрагида очилмаган гул,

Шоир юрагида событ интиқом.

Чиндан ҳам, “буюк эътиқод” даъвати билан битилгандың бу безовта характердаги мисра-образлардан англашилады, шоир фақат гүзәллик күйчиси бўлиб қололмайди, унинг ижодий тақдири, аввало, халқ ва Ватан таржимаи ҳоли, қолаверса, даврнинг таҳликали масалалари, башарий ўй-хаёллар билан чамбарчас боғланган. Рауф очик ва баралла: “Биз кимни шоир деб атаймиз бу кун?” – деган саволни ўртага ташлаши бежиз эмас...

### **3. (II) Мукаррам хотирот (“Туркистон ёди”)**

Лирик шеър ва азал, абад муаммолари. Азалий зиддиятлар мавзууда шоир-файласуфнинг аксарият ўз-ўзи билан ботиний мунозара қилиш. Бу борада Рауф Парфи ўзининг хос нуқтаи назари, мушоҳада тарзи, ифода усулига эга. Аниқроғи, шоир “коргоҳ вазъи” (Навоий) – оламнинг самовий буржлари, заминий минтақалари, турфа ҳодисоту синоатига том мъянода, ижодий ёндашади – фавқулодда рамзу мажозлар, тимсолу истиоралар воситасида муносабат билдиради. Бу нозик-сирли жараёнда фалсафанинг объектив қонунлари шеъриятга хос сўз санъатининг субъектив – хос ва фасих қонунларига бўйсундирилади. Шу боисдан ҳам шоир қаламга олган анъанавий мавзулар кутилмаган бадиий-образли талқини билан ҳайратга солади, хаёлга толдиради.

Чунончи, Р.Парфи “Туркистон ёди” манзумасида қахрамоннинг макон ва замон меъёрлари эътибори-ла поёни йўқ руҳий кечинмаларини рамзий характердаги кўп қиррали-умумлашма образларда ҳайратомуз аник, муҳтасар ифодалашга муваффақ бўлади.

На-да узун, на-да оғирдир бу йўл,  
Далалар ястаниоб ётар кўк каби.  
Тиғлар хотирамни осмон чеки йўқ,  
Тизгинсиз бу шиддат кенглик асаби.

Халқнинг ўзидай заҳматкаш, камтарликда шикастаҳол, халқнинг ўзидай ҳалол, ҳар хил тамаълардан холий, ҳақпарасат ва шикастадил шоир туғилиб ўсган (шеър Миртемир хотирасига бағишлиланган) кўхна Туркистон тупроғи зиёратига отланган шогирд учун “кўк каби ястаниб ётган далалар” оралиғи нима деган гап? Бир қарашда “На-да, узун, на-да оғирдир бу йўл” шунга ишорадек туюлиши мумкин. Лекин шоир учун бобомерос замин Туркистоннинг “чеки йўқ осмон” ёш зиёратчи “хотирасини тиғлар” бу “тизгинсиз шиддат” шунчаки бўшлиқ эмас, балки “кенглик асаби” бўлиб туюлар экан, она халқнинг неча асрлик

тариҳини, не-не буюк аждодларнинг мураккаб тақдири (шу жумладан, Миртемирнинг ҳам), енгил битилмаган ижодий қисмати, ушалмаган армонларининг ёзмиши – бу йўл ҳақиқатдан узун ва оғир йўл эди, дейишга ётарли асос беради. Айни пайтда, шеър тагзамини (подтекст)да: “Ҳолбуки, бу йўл узун ва оғир бўлмаслиги ҳам мумкин эди”, деган янада чуқурроқ фикр-баҳс қўзғатувчи маъно кузатилган бўлса-чи?.. Кейинги икки бандда шунга ишора бор:

Бу кенгликда ўйлар мени ғижимлар,  
Ул ўз қофиясин судраб келадир.  
  
Қанча қочсанг – шунча қилгай ҳужумлар,  
Ўқ сингари хотирамни тиладир.  
  
Теграмда зич ҳаво – она Туркистон,  
Ёргай томиримни кўр ҳаяжоним.  
  
Бу майдон ичинда мен тўқмаган қон,  
Менинг уни дея аяган жоним...

Бу сатрларда истисносиз ҳар бир сўз, бирикма юксак поэзияга хос бўлган бадиият унсурларига, шеърий организмнинг таранглашган асаб толалалрига, пурмавж қон томирларига, драматик туйғуларнинг бетакрор образли томирларига айланади. Аста ойдинлашиб борадики, қаҳрамоннинг борлигини гўё “ғижимлаган”, қочган тақдирда ҳам таъқиб этиб, яна “ҳужум қилган”, “хотирасини ўқ сингари тилган” шафқатсиз ўйлар (эътибор беринг: хотира ҳам жароҳатли!) Туркистоннинг олис тарихи билан боғланади; ноҳақдан-ноҳақ унутилган, ҳалигача объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўзининг муносиб баҳосини топмаган, замоннинг зайли билан қисмати, эҳтимол, мураккаб битилган турли аждодлар мероси ва бошқа руҳий-маънавий муаммолар билан боғланади. Шоир қаҳрамонинг “томирини ёрган кўр ҳаяжон”нинг маъноси, “бу майдон ичиди тўқилмаган қони”, “уни дея аяган жони” каби қийноқли руҳий нидолар, мураккаб ҳиссий образлар сири шунда эмасмикин?..

Шоир авлодларнинг руҳий алоқаси билан боғлиқ янада чуқурроқ қатламлар ҳақида баҳс очади:

Яна йироқларга чорлайди мозий,  
Ватан тушунчаси келар етаклаб –  
Айрилган, хўрланган улус овозин,  
Шоирнинг бешиги айтар эртаклар.

Бунда “мозий чорлаган йироқлар” – ўзича, “Ватан тушунчаси етаклаб келган, айрилган, хўрланган улус овози” – ўзича, ниҳоят, шоир Миртемирнинг бешиги бўлган Туркистон “айтган эртаклар” (наҳотки, унинг айтар сўзи фақат эртак характерини олса!) ўзича – хар бири қанчалар зиддиятли бўлмасин, бирдан-бир одил баҳосини сўраб, гўё нидо ураётган руҳий муаммолардан баҳс қиласи. Шеърга “Туркистон ёди” деб сарлавҳа қўйилиши бежиз эмаски, кейинги сатрларда моҳият ва руҳият ҳам чуқурлашиб, унинг янги қатламлари, қирралари очилиб боради:

Ўтган улуғларни эслайман барин,  
Хотирот мозори Туркистон мангу.

Бундай ҳаққоний, пурдард сатрлар – руҳият образлари Рауф Парфининг чуқур маърифати ва маънавий ҳозирлигидан, поэтик тафаккур уфқи қанчалик кенг эканлигидан далолат беради.

Том маънодаги йирик, залворли шеърнинг кейинги сатрлари Яссавий дунёсига бағишлиданади – туркийзабон тасаввуф шеърияти даҳосининг шахсиятини, яссавия таълимотининг инсоний моҳиятини, руҳий қудратини, маънавий-ахлоқий қадриятини ҳайратомуз ани, мухтасар, бутун ва ёрқин фалсафий образ-лавҳаларда инкишоф этади (“Товушга айланди ҳар бир ғишт ранги: “Дунё менинг деганлар...” Нидо келур, “Ёлғон даъво қилганлар...” – Сўзлар шоир. “Оқни қаро қилганлар...” Айтинг кимлар?! Яна товуш: “Ҳаром еган ҳокимлар...” Мақбара бошимга йиқилар ҳозир”...) Саккиз асрлик тарих қаъридан

келган руҳий нидо – валиуллоҳ аждодларнинг муқаддас хотирот образи фавқулодда ғаройиб шеър санъати қудрати-ла, шубҳасиз, бугунги мураккаб воқеликнинг оғриқли муаммолари – ижтимоий дардининг ўзига хос поэтик инъикоси вазифасини ўтайди. Инсон хотироти тасвири руҳий-маънавий мазмундор лавҳа-образлар билан ўзаро таносиб, бадиий силсила яратадики, бу ҳақиқий поэтик теранлик замон-макон меъёрларига итоат этмаслигидан далолат беради...

#### **4 (II) Муборак саждагох (“Ватан”)**

Рауф Парфи “Ватан ҳақида Бернд Иентшга мактуби” сарлавҳали тиниш белгиларисиз битилган манзумасида ватан тушунчасига хотирот-ҳофиза образлари орқали фавқулодда чуқур маъно беради, шунинг учун ҳам уни бирданига тадқиқ қилиш осон эмас. Шоир ўзини кўпдан қийнаган саволларга жавоб қидирап экан, ниҳоят, унинг мушоҳадаси табиий бир нуқтада тўхтайди – ташқарида бўралаб турган қордан бадиий фон сифатида фойдаланади: “эзгин-эзгин”, “лўппи-лўппи ёғаётган қор дераза ёнида ўйчан ўтирган қаҳрамон хаёлини узок-узоқларга олиб кетади.

Ватан ҳақида сенга Бернд  
Бу мактубни ёзаётган пайтим  
Ташқарида қор ёғмоқда эзгин-эзгин  
Тахайюл ёғар тахайюл отига минган осмон.

“Тахайюл” – хаёл йўллари қанчалар узун, манзиллари ҳадсиз-хисобсиз бўлса, суръати шунчалар тез, шиддаткор. Лекин шоир айрича қиммат берган “вatanни тушуниш ғояси шеърдан олган оғир-ҳазин таасуротимизни бир қадар тартибга солиш, ойдинлаштириш имконини беради. Рауфнинг эътиқодича, ватанни тушуниш “унутиш мумкин бўлмаган нарсалар” хотиротидан бошланади. Мактуб замондош немис шоирига қаратилгани учун “қор-тахайюл” тимсоли, даставвал, Освенцм қатлгоҳида – газ юбориб ёндирилган тутқунларнинг “чор кирра трубалардан шамолларга бўккан тутунлари” каби асрнинг таърифлаб бўлмайдиган даҳшатли фожеаси образида зухур этади.

Қор. Қор Инсон товушларига тўлиқ қор.  
Сочларига тўла тутун Сояклар чангি  
Аччиқ бир шеър бўғзимга келиб тиқилди  
Кўзларига чачради Бехер шеърининг қони  
Тўсиб қўйди қорларни.

Азобли ҳофиза-хотиротнинг бундай драматик ва трагик лавҳалари шоир қаҳрамонини сергаклантиради, ғоғиллик сўқмоғидан авлодлар тақдири учун масъул курашчилар сафига чорлайди: “Эҳтимол ечиб ташлашимиз керакдир қора рўмолини Дардли хотиротнинг мунгли бошидан, Эҳтимол бизни орзулар оҳангига алдаётганлар тўғрисида ўйлашимиз керакдир кўпроқ”, – дейди у Берндга (бу шеър 1973 йилда ёзилганини эътиборга олсак, айниқса, сўнгти шеърий жумланинг кинояли оҳангига кучли ижтимоий дард – исёнкор рух жойланганини англаб олиш қийин эмас). Қийноқли хаёл ўз уфқларини кенгайтира боради: Бернд Ватани ҳақидаги фожеъ хотиралар тадрижий суратда шу кунларнинг таҳликали ўйларига ўтади – “йигирманчи аср деб номланган оғриққа айланади, бу мисрадан-мисрага томон кучайиб, дунёнинг турпли минтақаларидаги ватанини, тилини, виждонини, инсонлик қиёфасини “унутганлар”га нисбатан шеърий айбнома даражасига кўтарилади. Лекин шоир “ватани тушуниш”да ўз эътимодига содик қолади: “Унутишга арзир шон-шуҳрат бошқа унutilмас нарса фақат фоже Ватандир”. Шу тариқа сўзнинг трагик мазмuni ўзининг кўлами, характеристи билан тарихда нисбати бўлмаган энг буюк, энг ларзакор хотирот билан боғланади:

Кор ёғиоқда Тахайюл ёғар,  
Улар йигирма миллионли шаҳид номидан сўзлар  
Бу – буюк миллат эди,  
Бу – буюк Давлат эди,  
Дунёнинг севикли Ватани эди  
Мен шундай тушунаман Ватани Бернд

Юксак гражданлик руҳи, эзгу идеалларимиз олдидағи бурчдорлик туйғулари, уруш курбонларининг муқаддас хотироти билан йўғрилган бу рауфона пурдард мисралар Ватан ҳакида фавқулодда оригинал

мушоҳада – бетакрор образлар (“Қор”, “Тахайюл ёғар”) сифатида теран фалсафаси билан ўйга толдиради, кўнгилни ларзага келтиради.

## **5. (II) Илоҳий гўзаллик қасидаси**

Мен йўқсил, на бўлиб, уни суйибмен,  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб, қуибмен.  
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,  
Мен суйиб... мен суйиб, кимни суйибмен?!

Чўлпон

На севинч, на кўз ёш, на ушбу севги,  
Бу чексиз оламда ягона йўлим –  
Ёлғиз инонганим сенсан-ку, севгим

(“Мұхаббат”)

Рауф Парфи “Мұхаббат” сарлавҳали севги идеалининг инсон заковати тасарруф этган жами пурмаъно тушунчалардан, инсон қалбига, руҳиятига дохил ва сирдош бўлган пурдард туйғулардан юксакроқ, самовий босқичга кўтарилишига қодир илоҳий қудратига шундай бадиий нисбат беради:

Мен сенга инонмоқ истайман эвоҳ,  
Барча кўргуликка кўниккан ҳаёт,  
Буюк мұхаббат деб аталган Аллоҳ...  
На ер сарварлари, на сарват, на дир.  
Инонмоғи учун одам зотига,  
Мен сенга инонмоқ истайман олдин.

Мұхаббат қисматининг энг қаттол, хатто фожеъ интиҳосидан қатъи назар, дунё ошиқларини шу буюк эътиқодга содиклик, фидойилик ҳисси нега тарқ этмайди? Бу мислсиз гўзал руҳий дунёга мўъжизакор маъно ва қиммат берган сир ҳам асли унинг зиддиятли моҳиятида эмасмикин?! Кечилишнинг не-не покдомон, комил, вали зотлари ўз руҳини поклаш учун, “катарсис” (Арасту) ҳолатини кечирганларини – илоҳий ишқ қўйида риёзат чекмакани тақдири азал буйруги деб билганлари каби, чин ушшоқ аҳли ҳам “мұхаббат деб аталган Оллоҳ”нинг хаёлий васлига

инониб яшаса, бу йўлда ҳаммасини кечирса не ажаб?! Шу тариқа, ҳассос шоир инсон руҳий драмасининг фақат муҳаббат туйғулари воситаси-ла бериш мумкин бўлган, фавқулодда бадиий (шеърий) мантиқ заминига қурилган бутун ва теран образини яратишга муваффақ бўлади.

Сени топгунга қадар

Қандай яшадим мен

Наҳотки яшадим.

Р.Парфи бу гал ҳам фақат ўзининг мушоҳада тарзига хос бадиий мантиқ орқали гўё имкондан ташқари бир ҳолдан ажойиб имконият яратади, муҳими, бунга китобхонни ишонтиради. Ва аксинча, агар одам дунёда муҳаббатдек бебаҳо маънавий мўъжизанинг мавжудлигига шак келтирса, уни авайлаб, покиза сақлашга, эътиқод даражасида тутишга ярамаса, бундай инсоний дард лаззатидан бебахра умринг қанчалик ғофил, нурсиз-ҳароратсиз ўтишига, охир бориб ўта ғарib қисматга айланишига ажабланмаса ҳам бўлади. Шоир ўзига хос ижодий таомилига кўра, сўзнинг маъно, мантиқ, бадиа, мусиқа, рангтасвир имкониятларига санъаткорона ҳассослик, фавқулодда изланувчанлик билан ёндошади: ғоят муҳтасар уч сатр – саккиз сўз орқали (бунда билвосита рамзий-метафорик характердаги бирор ташбих йўқ) муҳаббатнинг мўъжизакор қудрати ҳақида, унинг инсон ҳаётига, маънавиятига, тақдирига шунчалар кучли таъсир кўрсатиш мумкинлиги ҳақида ҳайратомуз даражада бутун, ёрқин умумлашма-лирик образ яратади.

Рауф Парфининг фақат “ўз-ўзига ўхшайдиган” (М.Светлов) хос шеърияти ҳақида, бу нодир истеъдоднинг ўзига хослик сири-синоати, бадиий қонуниятлари, нозик меъёрлари ҳақида аста-аста тиниқлашиб борувчи тасаввуримизни, масалан, “Дилоромнинг кўзлари” шеъри, шубҳасиз, кенгайтиради, чуқурлаштиради. Мана ундан бир лирик парча:

Қора ёрқинликда шивирлар оят,

Кўзларингни тинглаяпман энтикиб...

Кўзларинг қаърида синиқ бир нола,  
Балким қафас ичра уйғонган наво...

Бу мисраларда ҳар бир сўз, аниқроғи, сўз бирикмаси жазб этувчи бадиий кучга эга: бунда инсон ҳуқуқлари кодекси эътибори билан эҳтимол, озод бўлса-да, руҳан том маънодаги эрк, тенглик самаридан, имконияту имтиёзларидан бебахра қолган қиз – Дилоромнинг пинҳоний орзулари, эзгу умид-армонлари инъикос этади. Аввало, “шивирлаш” эркка интиқ қалбнинг нидоси эмасми? Кўзларнинг ... “шивирлаши”, юқорида қайд этилганидек, Рауф Парфи учун характерли фавқулодда тасвир усули. Қолаверса, кўзларнинг шивирлаб “оят” ўқиши – шеърга сингдирилган ғоянинг ўзгача нағислик, сирлилик касб этган бадиий ифодаси. Бу – зоҳирان имконсиз туюлган моҳиятни идрок қилишга, руҳият теранлигини кашф этишга интилиш намунаси. Бугина эмас. “Қора ёрқинлик...” тимсолининг бевосита кўз қорачигига, билвосита мусулмон эътиқодидаги кишининг унсиз-сассиз руҳий ҳолати – ботинида муқаддас оят калимотини ўқиш жараёнига нисбат берилиши Дилоромнинг нигоҳи ўзида қанчалик чукур дардни яширганини ифодалайди. “Кўзларинг қаърида синиқ бир нола...” Умуман, “кўзлар... қаъри” ҳаётни, муҳаббат оламини бутун зиддиятлари –қувончу аламлари билан дилдан ҳис этган одамнинг тасаввуридагина зухур этиши мумкин. Аксинча, юмшатиб айтганда, бегам-бамайлихотир, бедард (севмаган, севилмаган), бемехр кишининг кўзлари бир қадар чукур маъно англата олиши, ўйчанлиги билан жозиб бўлиши даргумондир. Шу жиҳатдан, шоир қаҳрамонинг дард-ҳасратли кўзлари гўё “синиқ бир нола” бўлиб, “қафас ичра уйғонган наво” – муҳаббатдек сирли-сехрли хилқатнинг руҳий садолари бўлиб туюлиши ажабланарли эмас.

Шоир “Сунбула” шеърида ҳам “кўзлар” тимсолига қайтади, лекин бу гал... Яххиси, эътибор беринг:

Бағрини эзишга яна шайланиб,

Дарё бўлиб сенинг кўзларинг боқар...  
Узайиб, жимиirlаб, сувга айланиб,  
Дарёга лим тўлиб вужудим оқар.

Бизга туб сабаби номаълум бўлса-да, ҳар қалай, қачондир бир-бирини беҳад даражада, телбаларча севган, бироқ фалакнинг гардиши билан орага қандайдир шубҳа тушган, эҳтимол, уларнинг бири ўқинчу пушаймон изтиробида, бошқаси пинҳоний қаҳру нафрат ўтида ҳар ким ўз дарди, алами билан олиниб тўлғонаётгани сезилиб туради. Не тонгки, қизнинг кўзлари қорачиғида бир йўла ҳар икки жафодийданинг мураккаб драматик ҳолати инъикос этади. Мавжли “дарё бўлиб”, тўлиб-тўлиқиб қараган кўзлардан аввалгида мөхр-шафқат кутиш абас, билъакс, улар қаршисидаги рақибини комига тортиши – ғарқ этиши мумкин ва пировард-оқибат шундай бўлиб чиқади: шоирнинг қаҳрамони – бечора ошиқ ўша түғёнли “дарёга лим тўлиб... оқади”. Қизиги шундаки, бошқача шароитда бундай “оқиш” унга фалокат эмас, аксинча, қувончу баҳт бўлиб туюлиши мумкин эди. Лекин ошиқнинг фожеъ қисматидан қатъи назар, дарднок-мунгли иборалар (“Бағримни эзишга яна шайланиб”, дарё бўлиб, “сенинг кўзларинг”) руҳидан бир вақтлар орзу қилинган чин севги билан кечган дамларнинг унутилмас хотироти англашилиб туради. Шеърнинг кейинги бандида ўша сўнгсиз ҳасрат, унсиз фифон оҳанглари – азобли аросат комига ташланган, бири-биридан мушкул нажотсиз ўй-хаёллар ифодасини кузатамиз:

Кўй, бўлди. Гапирма. Кечирма мени,  
Кўзингдаги тошни ғичирлатма, бас...  
Тўхта. Бас қил. Гапирма. Бўлди!  
Ўзим гуноҳкорман. Мендан – бу кўрлик.

О, умр савдоси, мухаббат қисмати! Бунчалар ширину бунчалар аччиқ, оғули насиба йўқ, унинг инсонга аталган тансик инъом-эҳсонларига нисбатан озору ситамлари не чоғли, ортиқ, пурзиёд... Лекин

янада ажаброқ ва турфароқ ҳол шундаки, фожеъ интиҳо (бу мисралар мазмунидан англашилиб туради) – энди тиклаб, тузатиб бўлмас бир иморат, қайтариб топиб бўлмас баҳт, янгидан бунёд этиб бўлмас давлат – муҳаббат мулки нафақат унутилмас хотирот бўлиб, азобли лаззат, “ғарib баҳтиёрлик” бўлиб қолди, балки қасоскор соя каби ё хуфъя-айғоқчидай таъқиб этади, тинимсиз ва аёвсиз сўроққа тутади. Ҳаттоқи, билиб-билмай қилган гуноҳларингга иқрор бўлган тақдирингда ҳам, барибир, тинч қўймайди, то тирик экансан, сарсону саргардон-овораи жаҳон қилади. Кимга арз-дод айтишни билолмайсан. Фақат сўнгги нажот-шаккоклигу исёнкорлик учун қудрати илохийдан, “тавбаи комил иноят айлаш” (Навоий)ни сўрашдан бошқа тасалли – руҳий мадад борми ушшоқ аҳлиға? Эҳтимол, муҳаббат эътиқоди ҳаққи иккала дунёдан кечган машрабона туғённинг моҳияти шунда бўлса керак. Шоирнинг чиндан-да руҳият олами буржларида шакл-шамойил топган сўзонли мисралари бизни ҳам зиддиятли хаёлларга чўмдирса не ажаб?!.. Хулласи калом, Рауф Парфининг ошиқона шеърлари, шак-шубҳасиз, мумтоз шеъриятимизда ҳайратомуз уйғунлик ва таносиб касб этган зоҳирий ва ботиний ишқ-мажоз ва ҳақиқатнинг сирли оҳангларини, рангин жилоларини беихтиёр эсга солиб туради...

## 6. (II) “Юрак”

Пурдард хаёллару сўзонли туйғулардан йўғрилган руҳий дунё ифодаси, руҳий дунё бўлганда ҳам, ҳассос ижодкор фақат ўзи биладиган, бизга, ҳар қалай, дахлсиз бўлмиш изланишлар дунёси – шоир ижодхонасининг ёрқин мисоли сифатида “Юрак” шеърини шарҳлаб ўтамиз.

Юрак, йўлларингда турганман такрор,

Роса сайраганман сенинг тўғрингда.

Ким билар, ақлимга келдинг неча бор,

Неча бор сўзладим сенинг йўғингда.

Биргина шу банднинг ўзида Рауф Парфининг хос мушоҳада тарзи гўё имконга сифдириб бўлмас бир ҳолатни шеърий мантиқ меъёри-ла ифодалаш маҳорати аён бўлади. Беихтиёр, “Ажабо, юракнинг ҳам тирик тасвирини яратиш мумкин бўларкан-а!” деган ҳайратли кайфиятни кечирамиз ва не ажабки, бундай ногаҳоний таасуротдан руҳан қаноат хосил қилгандай бўламиз.

Яна бир бандда Рауф Парфидек фақат “ўз-ўзига ўхшайдиган” (Светлоа), бир шоирнинг ўзлик дунёси ва ижодий дарди (ҳамда шавқу рағбати, қувончлари)нинг тимсоли бўлмиш “юрак” икки сойир-шайдо кезувчига айланади:

Шул осмон остида кезгаймиз ҳали,

Мантиқ ахтаргаймиз изғиб изма-из.

Даркор бўла қолсанг, йиқилгил, майли,

Фақат йиқилмасин шўрлик дунёмиз.

Асосини Навоий ва Бобурлар қўйган мумтоз туркий поэтикамизнинг “илми балоға”, “илми бадеъ”, “илми саноеъ” мезонлари эътибор-ла шоир ўзлиги – “менлиги” билан шоир “юраги”нинг шеърият аталмиш улуғвор ва латиф ҳақиқат –фасоҳат мамлакатнинг ҳам мاشаққатли, ҳам шукуҳли йўлларида саргашта кезишлари, бу олис

сафарнинг гоҳ талотумли, гоҳи азиз – аржуманд манзилларида ўзгача, зарифона “мантиқ ахтариш”дек ҳаёт ва хаёл уйғунлигига эришмоқ масъулиятини зиммаларига олиши – аслида бу ўша юқорида қайд этганимиз – имконга сиғмас нарсадан имкон топишдек ижодий жасорат, бадиий маҳорат, санъаткорлик мисолидир. Мазкур банднинг иккинчи байтида шеър яратишдек мўъжизий жараённинг юқори босқичи – баравж нуқтага кўтарилиши – шоир шеъриятининг фидойилик ғояси (“Даркор бўла қолсанг, йиқилгил майли”...) ҳақида мубоҳаса юритилади. Шу тариқа, кейинги бандлар учун мантиқий замин ҳозирланади: шеър санъатининг биринчи эҳтиёжи – бадиият ибтидоси маълум такомил жараёнида етила бориб, ижтимоий дард ифодасига, оқибат-натижада умумбашарий ғоянинг тимсоли мужассамига айланади. Аниқроғи, бу асрлар давомида қанчадан-қанча фузалою зурафо аҳлининг эзгу армони бўлмиш фазлу камол соҳиблари жамияти ҳақидаги қадимий орзунинг замонавий шеърий инъикоси:

Майлига, ҳайқирай иймоним ҳаққи,  
Кўкларга термулиб солайн уввос.  
Мен фақат Туркистон аталган ёрқин,  
Бир бутун Ватанни истайман, холос.  
Гарчи тутқинман-ку эркин сеҳрингга,  
Унда событ тураг мақсад-манзилим.  
Қолиб кетмасайдим сенинг меҳрингдан,  
Қолиб кетмасайдим йўлда узилиб.

Кўчирилган шеърий парчанинг биринчи тўртлигига, не надоматлар бўлсинки, даҳрий мафкура касри билан ҳар қандай шафқатсизликдан қайтмас, энг оғир гуноҳдан, унинг муқаррар оқибати – интиқомдан ҳам кўрқмас йўқсиллар инқилобининг қонли жиноятлари, унинг популист даҳолари ўтказган машъум “тажрибалар” касофати билан даҳшатли туш – саробга, қаллоблик ва риёкорлик рамзига айланган “коммуна” ҳақидаги

тарихий ёлғон (не-не софдил, нодир истеъдодлар учун алдамчи хаёл!..), на чораки, шоирнинг озод-хур “юраги” билан ҳамрозу ҳамовоз истаги (“бир бутун Ватан”) тарзида ифодаланади. Инсоният тарихида мисли кўрилмаган тарихий хатолик фожиасининг биргина мисрада қолдирган асоратидан қатъи назар (аслида “барчанинг дардини ўзига олган” шоирнинг гуноҳи нимада?) кейинги тўртликда шеърнинг маъномиятини белгиловчи ғоя – ўша гўзаллик яратиш дарди – фасоҳат туйғусидан бебаҳра қолмаслик истаги – шеър ибтидосидаги безовта рух яна ўз мавқенини эгаллайди. Тўғри, бу – фақат самимий истак эмас, балки кўнгил муножоти, иймон даъвати, шоир қисмати, шеърият тақдири қайғусида, “куйиниб сўзлаш”нинг ёрқин далолати!..

Ва, ниҳоят, “Юрак” шеърининг охирги икки бандида шоир зотининг қисмати биз тасаввур қилганимиз – баҳоли имкон шарҳлашга уринганимиздан кўра, мураккаброқ эканидан далолат берувчи дарднок ўйлар, изтиробли кечинмалар шиддати “юрак” тимсолида юксак санъат билан ифодаланганини кузатамиз:

Айтгил, куйларманми бир кун, юрагим,  
Айтгил, куйларманми боқмай ўзимга,  
Сени жарроҳ каби совуққон ва жим,  
Юлиб қўярманми қофоз юзига?  
У пайт алдамасдинг кўзимга боқиб,  
Шодумон дардингни айтардинг буткул,  
Унгача илҳомлар келмагай оқиб,  
Унгача дунёни англамак мушкул.

Во ажаб!.. Юракни (эътибор беринг: санъаткор ўзининг замон ва макон меъёрларига сифмас, моддий ва руҳий оламнинг аёну пинҳоний буржларида кезувчи юрагини!) бир қадар кашф этмай туриб, шоир зотининг чиндан-да, мурод топмоғи, тўла маънода “куйламак”ка маънавий ҳақдор бўлмоғи имконсиз... Бусиз бору будини, инон-

ихтиёрини шеърият аталмиш хос “санъат нафиса” – сўз мулки измига топширмоғи мумкин бўлмас. Бу – шеъриятни ижодий қисмат деб билган шоирнинг матлаби, армони эмасми? Юрак аталмиш руҳий хилқатни моддийлаштириб, “жарроҳ қаби юлиб”... қоғоз юзига қўйиш” (ҳа, бу фақат шеъриятнинг бадиий мантиғи кўтара оладиган нисбатлаш усули!), бундан кузатилган мурод – ҳар бир шахснинг “ягона ғуури, ишонган бойлиги” (Гёте) бўлмиш юракнинг биз учун яширин “шодумон дарди2ни тинглаш – қалб қулоғи билан уқиб олиш... Асли шеърий санъатнинг сир-синоати ҳам шунда: бусиз – “илҳомлар келмагай оқиб”, бусиз – “дунёни англамак мушкул”. Шоир хаёллари, умид-армонлари ҳавойи – заминсиз бўлиб чиқмаслиги ё алдамчи – сароб тамойиллар, қаллоб ғоялар қулига айланмаслиги учун ҳам у ўз “юраги” билан ҳамдард бўлиб қолмоғи даркор...

Жаҳон шеъриятининг зукко билимдонлари – мутафаккир шоир ва назариётчилар шеърий санъат ибтидоси – илҳомий ҳолатни шоирлар ўзлари биладиган илоҳий шавқу рағмаб, дарду сурур туйғуларини мўъжиза деб аташлари, шоир дили, қалби, кўнгли – “юраги”ни ўз ижодхонаси, “санъатхона” (Шайхзода)сининг қутлуғ маскани, нуктадон маънолар дуржи сифатида эъзозлашлари, албатта ўз қонуниятига эга. Ҳазрати Навоий шеър туғилиши жараённада “юрак” иштирокини “дард ила сўз”, “сўзон – ўт” ибораси-ла изохлайди...

## **7. (II) Диёнат шевасининг қасоскор тимсоли (“Ҳамлет”)**

Маълумки, бугунги шеъриятимизнинг турли бўғинига мансуб истеъдодли шоирларда шахснинг маънавий-ахлоқий оламига қизиқиши ҳар қачонгидан кучли. Рауф Парфи “Ҳамлет” шеърида, “виждон шеваси” ҳакида куюниб ёзади:

Бош эгиб тонглардан тонгларгача то  
Виждон шевасига ташбех иззлаймиз.  
Одамда виждон ҳам бўлмасми ҳатто!  
Сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз.

Ҳаётнинг моҳияти, инсон умрининг мақсади ҳакида теран безовталиқ, дил-дилдан куюнчаклик ҳисларидан йўғрилган, ўзгача киноявий-полемик оҳангдаги бу сўз-образлар замирида ҳаётнинг қанча ечими мушқул муаммолар – ҳақиқат сабоқларини зухур этганини фаҳмлаб олса бўлади. Шеър сатрлари руҳидан мислсиз йўқотишлар, маҳрумликлар, хатоликлар бадалига эришилган, демак ҳам аламдийда, ҳам нурли манзилда – неча-неча авлод хаёл қилган моддий фаровонлик, майли, нисбий маънода бўлсин, турмуш тарзига айланган бир шароитда... нечук инсонлик, унинг рўшнолиги шаънига бунчалар номуносиб ҳол – маънавий сўқирлик, бориб турган ношукурлик, нонтепкилик ҳоллари юз бериши, худбин-маҳдуд тамойиллар авж олиши керак?.. Киши виждонидек буок ҳакам нега ўзининг дахлсиз мавқеини тарк этиши, мудроқ ғафлат домига тушиши, ожизлик, ночорлик қисматига рози бўлиши керак, деган исёнкор нидо-савол – рух ҳайқириғи эшитилади. Шоир сатрларининг аччиқ киноям оҳангидан (“...сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз”) одамнинг асл моҳиятини белгиловчи маънавий қадриятлардан бири ва балки биринчиси бўлмиш “виждон шева”си шунчалар қадрсиз ҳолга келтирилгани қаҳрамонни изтиробга солганини англаб олиш қийин эмас. Рауф Парфи инсонлик шаъни, номус ва диёнат шевасининг қасоскор тимсоли мужассами

Ҳамлетнинг таърифдан ташқари изтироблари тасвири орқали икки қутб – эзгулик ва тубанлик ўртасидаги азалий беомон курашга хос муносабат билдиради:

Кимларга ишониб кетасан, дўстим,

Наҳот етар сенга ёвузлик кучи?!

Йўқ, сени ўлдирди шоирнинг ўзи...

Бу оддий сатрларда – шоирнинг гениал Шекспир билан ғойибона мунозарасида, лафзан бирор рамзий-мажозий маъно ташимаган сўзларнинг лексик имкониятлари доирасига сифдириш қийин бўлган қанча ўй-хаёллар теранлиги, руҳий-хиссий тугён мавжуд! Ҳолбуки, фавқулодда истиораю мажозлар – символика ва метафоризмлар усули (бу бадиий умумлаштириш санъати учун характерли) Рауф Парфининг ижодий стихияси деса бўлади. Лекин сўзга истеъдод эҳтироси, санъаткор хуштабълиги билан муносабат туфайли шоирнинг зоҳиран оддий сатрлари буюк исёнкор Ҳамлет ўзгача-илоҳий маъно берган муҳаббат туйғуларидан фузунроқ ҳақиқат – ҳаёт ва ўлимдан кучли бўлган номусу виждон каби бебаҳо инсоний сифатларнинг мужассам рпоэтик тимсоли – ўзига хос чуқур тагзамин (подтекст)га эга бўлган лавҳа-образларга айланади.

**ИККИНЧИ КИТОБ**  
**РАУФ ПАРФИ – РУҲИЯТ МУСАВВИРИ**  
**Рауф Парфи – руҳият мусаввири**  
**(шоир портретига чизгилар)**

То хаёлинг қўздадур, кўз уйи гўё Каъбадур.

Навоий.

Кўз ёшларида мени ўстирган асл шеърим...

Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқаман.

Чўлпон.

**Шеър рағбати, шоир қисмати**

Инсоннинг кўнгил мулки, руҳий дунёси... Жаҳоннинг қанча буюк шоирлари – сўз даҳолари ҳайратини, эзгу ўй-армонларини ўзида тажалли этган сехрли хилқат! Унинг биз тасаввур қилганчалик аниқ манзил-маконга, шакл-шамойилга сифдириб бўлмас, ибтидою интиҳосиз буржларида мўъжизавий бир олам мавжудлигини эндиликда фан ҳам тан ола бошлади. Бас, бундай фазовий беҳудуд дунёнинг сир-синоатини фалсафа – ўзича, руҳшунослик – ўзича, мусиқа ва рангтасвир – ўзича (бiri мантиқий, бошқаси бадиий тафаккур воситаларида) ифодалашга интилса не ажаб!

Шеърият-чи? Фақат инсон зотига хос зариф ҳиссиёт, хаёлот ва хотирот оламини табаррук шуаро аҳлидан мерос фасоҳат қонунлари таҳқиқ ва таҳлил этиш мудом шеъриятнинг хос соҳаси эканлигига ким шубҳа қила олади? Бу “тengri эҳсони” (Навоий) бўлмиш туғма истеъдоднинг шеърият илоҳаси Аторуддан олган шавқу рағбати, шоирнинг қалб идроки-ла етилган яратиш дарди, янги, бетакор тимсол – бадиий кашфиёт йўлидаги изланишлар қийноғи демакдир.

Рауф Парфининг шеърият дунёси, ўзгача тимсол-образлари... Унинг моҳияти, шоир ҳаёти, ижодий тақдиди ҳақидаги шеърларида ижодкорнинг ўзигагина аён, бошқалар учун сирли-ғаройиб жараёнлар

тарзида зухур этади. Чунончи, “Шеърият”да ғоят нафису мўъжиз санъат табиатига хос шундай безовта-ўйчан сатрлар бор:

Ром этмас ҳеч нарса, сахродир кўнгил,  
Осмонларга фақат афсона сўзлар.  
Маломат тошида очилган бир гул,  
Дам ўтмас кулар ул, дам ўтмас бўзлар...

Не ажабки, ҳазрат Навоий ўзининг шоир, ориф, ошиқ, ринд, валидарвеш, арбобу мураббий зотларнинг тимсоли мужассами бўлмиш лирик қаҳрамонини мажозийлаштириб “маломат булбули” деб атаган эди. Рауф Парфи: “Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат улуғ Алишернинг кутлугу тилида!” каби ғоят масъул сўзига ҳамиша амал қилгани ҳолда, устоз ташбеҳидан рағбат олиб, шоир зотининг бардошда, фидойиликда беназир кўнглини “маломат тошида очилган сир гул” деб таърифлайди. Юқоридаги мисралар, биринчи қарашда, шеър яратишдек нозик, мураккаб изланиш жараёнларининг объектив ё субъектив сабаблар билан, эҳтимол, самарасиз кечган қийноқларини ифодалаётгандай туюлиши мумкин. Аслида, мунгли-ҳазин, айни чоғда, мағрур ва исёнкорона оҳангда шоир қисмати биз тасаввур қилганимиздан кўра пурдард ҳолат – турли зиддиятлардан холи эмаслигига ишора бор. Гарчанд, “сахро... кўнгил осмонларга фақат афсона сўзлаши” – зоҳиран гўё умидсиз бир ҳолнинг сабабияти сир тутилса-да, мисралар моҳиятида шундай ҳақиқат ётади: шоирнинг руҳий изтиробларни енга олиши ё яшириб бериши хар доим осон кечавермайди, зотан, ҳаётда бўлгани каби драматик, ҳатто трагик ҳолатлар унинг табиати учун бегона эмас. Бу ҳол “Шоир” шеърида аниқ ифодаланади:

Кимни шоир дея тан олар жаҳон,  
Биз кимни шоир деб атаймиз бугун?..  
Кимдир ул, эрмак деб куйларми наҳот,  
Сохта эҳтирослар чулғарми уни?..

Кимдир ул жафокаш шу хилқат аро  
Ҳамнишин тутинган қора қаламга?..  
Кимдир ул жафокаш шу хилқат аро  
Ҳамнишин тутинган қора қаламга?..  
Кимдир ул, ғамгусор ва мотамсаро,  
Фикр сочаётган оламга?..

Бу фавқулодда безовта, нолон оҳангдаги сатрлар орқали шоирнинг “бу дунёга... жавобгар” (Шайхзода) миссияси – ҳаётнинг ўзи илгари сурәётган умумбашарий муаммоларга дахлдор муносабати жуда самимий, ҳаққоний ифодаланган. Аслида “оламга...ғамгусор ва мотамсарофиқр” таратиш сири, ҳақиқат, эзгулик манфаатлари йўлида шунчалар “жафокаш” қисматга розилик боиси шу тезовта-туғёнли саволлар замирига жойланган. Албатта, истеъдод табиати, характеристи билан изоҳланадиган бу ошкор мунгли оҳанг фақат ҳасратнишин кайфият аломати эмас. Шоир шеъриятнинг азалий гўзалликка, башарий идеалларга ва ҳозирги воқеликнинг маънавий-эстетик эҳтиёжлари хизматига даъват этилганини, бу олис, азобли ва қутлуғ йўлда ҳали қанча омонсиз жанглар бўлишин ўша изтироб оҳангидা, моҳиятда эса ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан ҳайиқмас исёнкор руҳда ифодалайди.

Хусусан, шоир ва шеърият учун фаол, курашchan ижтимоий дард ягона мақсад ва матлаб эмас. Унинг ўзи инсоний, руҳий-маънавий эҳтиёжсиз яшай олмайди. Зоро, “Гўзаллик дунёни халос этади” (Достоевский) сўзларида мужассамланган юксак бурч туйғусини “Гўзалликнинг ўзи ҳимояга муҳтож” (Франк) драматик жумласида ифодаланган руҳий-маънавий эҳтиёждан ажратиб бўлмайди. Чунончи, Рауф Парфининг сарлавҳаси шеърларидан бирида шоир кечириши табиий бўлган иккинчи ҳолат – руҳий эҳтиёж туйғуси жозиб мисраларга ўтади:

Иzlaisanmi sen-da bir panox,

Ҳеч тинарми бу куй, бу оғриқ.  
Эҳтимолки, бекордир, эвох,  
Ўртанишинг бу қадар, бағрим?!  
Ўйчан кеча, тун ичра танҳо,  
Рауф Парфи, қолдиқ икковлон...  
Биз меҳрга тўймадик асло,  
Меҳр, меҳр истаймиз ҳамон.

Шубҳа йўқки, баъзан шоир ўз-ўзи билан, қалб, кўнгил, юрак, дил ташбеҳларида мужассам ифодаланган сирдоши билан “танҳо” қолганда, ғаройиб руҳий мулоқот лаҳзаларида шеър дарди, шоир зотининг эзгу муроди, матлаби, бу муборак аъмолнинг маъно-моҳияти бир қадар ойдинлашгандай бўлади. Хусусан, “Ҳеч тинарми бу куй, бу оғриқ... Мехр, меҳр истаймиз ҳамон” мисралари руҳига жойланган дард, ҳасрат, умид, армон, илинж, муножот туйғуларини бир қадар аниқроқ шарҳлаб бериш мумкинми?.. Шунга қарамай, шоирнинг ўзлиги билан қилган бу дил суҳбати шеърият, унинг қаҳрамони дунёси ҳақидаги тасаввуримизни, ҳар қалай, конкретлаштиради, кенгайтиради, чукурлаштиради...

Маълумки, бугунги шеъриятимизнинг турли бўғинига мансуб истеъдодли шоирларда шахснинг маънавий-ахлоқий оламига қизиқиши ҳар қачонгидан кучли. Р.Парфи “Ҳамлет” шеърида “виждон шеваси” ҳақида куюниб ёzáди:

Бош эгиб тонглардан тонгларгача то  
Виждон шевасига ташбеҳ излаймиз.  
Одамда виждон ҳам бўлмасми ҳатто!  
Сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз.

Ҳаётнинг моҳияти, инсон умрининг мақсади ҳақида теран безовталиқ, дил-дилдан куюнчаклик ҳисларидан йўғрилган, ўзгача киноявий-полемик оҳангдаги бу сўз-образлар замирида ҳаётнинг қанча ечими мушкул муаммолар – ҳақиқат сабоқларини зухур этганини

фаҳмлаб олса бўлади. Шер сатрлари руҳидан мислсиз йўқотишлар, маҳрумликлар, хатоликлар бадалига эришилган, демак, ҳам аламдийда, ҳам нурли манзилда –неча-неча авлод хаёл қилган моддий фаровонлик, майли, нисбий маънода бўлсин, турмуш тарзига айланган бир шароитда... нечук инсонлик, унинг рўшнолиги шаънига бунчалар номуносиб ҳол – маънавий сўқирлик, бориб турган ношукурлик, нонтепкилик ҳоллари юз бериши, худбин-маҳдуд тамойиллар авж олиши керак?.. Киши виждонидек буюк ҳакам нега ўзининг дахлсиз мавқенини тарқ этиши, мудроқ ғафлат домига тушиши, ожизлик, ночорлик қисматига рози бўлиши керак, деган исёнкор нидо-савол – рух ҳайқириги эшитилади. Шоир сатрларининг аччиқ кинояли оҳангидан (“...сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлаймиз”) одамнинг асл моҳиятини белгиловчи маънавий қаждриятлардан бири ва балки биринчиси бўлмиш “виждон шеваси” шунчалар қадрсиз ҳолга келтирилгани қаҳрамонни истиробга солганини англаб олиш қийин эмас.

Р.Парфи инсонлик шаъни, номус ва диёнат шевасининг қасоскор тимсоли мужассами Ҳамлетнинг таърифдан ташқари изтироблари тасвири орқали икки қутб – эзгулик ва тубанлик ўртасидаги азалий беомон қурашга хос муносабат билдиради:

Кимларга ишониб кетасан, дўстим,  
Наҳот етар сенга ёвузлик кучи?!

Йўқ, сени ўлдирди шоирнинг ўзи...

Бу одди сатрларда – шоирнинг гениал Шекспир билан ғойибона мунозарасида, лафзан бирор рамзий-мажозий маъно ташимаган сўзларнинг лексик имкониятлари доирасига сифдириш қийин бўлган қанча ўй-хаёллар теранлиги, руҳий-ҳиссий түгён мавжуд! Ҳолбуки, фавқулодда истиораю мажозлар – символика ва метафоризмлар усули (бу бадиий умумлаштириш санъати учун характерли) Рауф Парфининг ижодий стихияси деса бўлади. Лекин сўзга истеъдод эҳтироси, санъаткор

хуштабълиги билан муносабат туфайли шоирнинг зоҳиран оддий сатрлари буюк исёнкор Ҳамлет ўзгача илоҳий маъно берган мухаббат туйғуларидан фузунроқ ҳақиқат – ҳаёт ва ўлимдан кучли бўлган номусу виждан каби бебаҳо инсоний сифатларнинг мужассам поэтик тимсоли – ўзига хос чуқур тагзамин (подтекст)га эга бўлган лавҳа-образларга айланади.

Шоирнинг “Она тилим” шеърида хурфиклилик ҳояси дахлсиз юксак, халқнинг ўзидаи мангу ҳақиқат рамзи сифатида тараннум этилади:

Сен-ла абадийсан, эй она тилим,  
Сенда аён бўлгай шафқатим, қаҳрим.  
Ҳеч қачон, ҳеч кимса ололмас юлиб,  
Ҳақиқатни юлиб ололмас, бағрим...

Банднинг аввалги икки сатрида нафақат шоир қаҳрамони мансуб бўлган халқнинг барҳаётлиги ғояси орифона ишонч билан улуғланади, айни пайтда, “она тили” ўз моҳиятига кўра, миллатнинг қиёфаси – ўзлиги, шаъни, мустақиллигнинг рамзий ифодаси, мужассам тимсоли эканлиги айрича таъкидланади: “Сенда аён бўлгай шафқатим, қаҳрим”. Ажабо, шоир ўзаро муқобил маънодаги икки ташбеҳни “она тили”га нисбат бериш билан қандай мақсадни кузатди экан? Эҳтимолки, “шафқатим” эл-улуснинг миллат сифатида ҳақ-хукуқини таниши, йўқотган маънавий қадриятларини, унутилган руҳий, маданий-маърифий меросини тиклаши билан алоқадор ёки бевосита ҳозирги даврнинг турфа ташвишлари, оғрикли муаммолари, эрталиқ тақдирини – навқирон насллари истиқболига дахлдор армон, орзу-умид туйғуларини зухур этар... Ва, аксинча, “қаҳрим” ташбеҳи она халқнинг, она тилининг турфа қиёфадаги ғанимларига, жумладан империя сиёсатига қулларча хизмат қилган, “тилидан, элидан кечганлар” – қўрқоқ сотқинларга, маънавий қулларга қаратилгандир. Ниҳоят, учинчи-тўртинчи мисраларида барча соғдил

кишилар эътиқоди – хуррият, миллий истиқбол, жумладан она тилининг соғлиги, дахлсизлиги йўлида ёвуз бўхтону маломатлардан, ҳатто шарафсиз (кафансиз, жанозасиз, мозорсиз) ўлимдан ҳам қўрқмаган халқнинг асл фарзандлари – шаҳид кетганлар ва фақат мўъжиза билан тирик қолганлар, ҳар қалай, ишонган, букилса ҳам синмас, йўқ бўлмас – “ҳеч қачон, ҳеч ким юлиб оломас ҳақиқат”... безовта-туғёнли сўзлар такори (“ололмас юлиб”), (“юлиб ололмас”) тарзида умумлаштирилади.

Бундай исёнкор руҳ бошқа бир шеърда анчайин мунгли оҳангда ифодаланади:

Ҳеч нарса йўқотмас, шоир, ҳеч нарса,  
Ғарib баҳтиёрлик энди юпатар.

Биз неча-неча йиллар давомида сталинча-ждановча сохта оптимизм (“Дунёвий ғусса – бизнинг фалсафа эмас”) ақидасига мутеларча топиниб, даврнинг шафқатсиз ҳақиқатидан, замондош қисматига битилган драмалардан, ҳатто мисли қўрилмаган фожеалардан гумроҳларча қўз юмиб яшадик. Ҳолбуки, ҳақиқий ижодкор, жумладан, мустақил фикрлаш, сўз эркинлиги туйғусини йўқотмаган Рауф Парфининг ҳатто катта истеъдодлар ижодида ўз асоратини қолдирган машъум маддоҳлик, ғофиллик шароитида ҳам ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан ҳайикмасдан, “Ғарib баҳтиёрлик энди юпатар” дея ўзининг руҳий ҳолатини рўйирост ифодалashi ҳаёт мантиқига ҳам, шеърият ҳақиқатига ҳам хилоф эмас. Айниқса, ҳақсизлик хуруж қилганда на юртнинг раҳнамоларидан, на дўстлардан бирон-бир юпанч, умид, нажот топмаган шоир қаҳрамони (бундай ҳазин танҳолик кайфияти ҳақпараст одамлар учун бегона эмас) ғариблик қисматини ҳаттоки баҳт ўрнида қабул қилиш унинг сабру сабот туйғусидан далолат берувчи ўзига хос сабоқ сифатида талқин қилса бўладиган бир ҳолдир. Кейинги икки мисрада “ғарib баҳтиёрлик” сабаби ойдинлашади:

Эҳтимол, ноҳақман, эҳтимол, ҳақман,

Лекин мен муқаддас сўзни изларман.

Баъзан рост сўзга ишон-иймон ҳисси билан эришиш имконияти топилмаганда иўтибоҳли ҳолатни кечириш мумкинки, бу ажабланарли эмас. Шоир такрорлаган “эҳтимол” ташбехи чиндан ҳам шундай хусусиятга эгами ёки унинг сўзларида маълум киноя оҳангидарли? Зоро, “лекин” сўзи орқали муддао аён бўлади: хоҳ шоир ўзининг ҳақлигига оғишмай турсин, хоҳ иккилансин (тўғрироғи, унинг бундай хуқуқи шубҳа остига олинсин), унинг кузатган мақсади ягона ва дахлсиз: “муқаддас сўзни излаш”. Тўғри, бу – ҳар бир иқтидорли шоир учун эзгу армон, юксак хаёл. Лекин Р.Парфи ўйидаги “муқаддас сўз” қачонлар ортга чекиниш: муроса йўлини тутиш, танг вазият юз берганда ҳатто баъзи валинеъмат-раҳнамолардан “нажот” кутиш, баъзан унвону мукофот тамаъида “халққа қарши ҳақиқат” йўлида ҳамду сано ўқиши каби таҳқирли уринишу тамойиллардан мутлақ узоқ, том маънода, ҳақ ва комил сўз, шоирнинг ўз ибораси билан айтганда, “куюниб айтилган” сўзлар. Бугина эмас, “муқаддас сўз” шахсан ўзининг, бошқа бегуноҳ заҳматкашларнинг, чорасиз-қурбсиз “идроҷилар”нинг тоталитар тартибот зўрлиги билан йўл қўйган хатолари учун чин дилдан тазарру қилиш – руҳий изтироблар ўтида ўзлигини поклаш маъносини ифодаланиши эътибори билан ҳам “муқаддас сўз” деб аталишга лойиқдир.

### **Фожеона, орифона...**

Улуг ёзувчилар, дунёга машҳур санъаткорлар фожеъ оҳанглар – трагизм мотивларини санъат, бадиий маданият оламининг авж даражаси, инсон кечинмалари драматизми – кульминацион чўққиси, руҳий изтиробларнинг самовий буржи деб билишлари бежиз эмас. Илло, оқибат – натижа қанчалар беомон, интиқо қанчалар озорли, мунгли бўлмасин, инсон қалби, руҳияти, хилқати фақат фожеона кечинмалар изтиробида покланиши мумкин. Бошқача айтганда, ҳақиқий баҳтнинг

маъноси, қаҳри, айниқса, баҳтсизлик билан юзма-юз келганда, ҳаётнинг чин моҳияти, умрнинг лаззати, ўлимнинг беомон ҳукми, ваҳшати олдида чорасиз қолган дақиқаларидағина тўла, бутунликда англашилиши мумкин. Ҳар бир имони бут одам ўзи учун азиз кишининг баҳтсиз қисматини ёки ўлим мусибатини нечоғлик руҳий қийноқ, ботиний изтиробларда кечиради, қанчалар сабру сабот кўрсатади – фақат унинг ўзига аён (шахсий баҳтсизлик, ғариблик, бедаво дард, бевалик, фарзандсизлик ёки кечирилмас, тузатиб бўлмас хато, муҳаббат фожеаси янада шахсий, пинҳоний бир олам). Санъат, шеърият ўша туб сабабияти номаълум бўлгани учун ҳам ўзга бир кишида лозим даражада дарддошлиқ кайфиятини уйғота олмайдиган баҳтсиз ҳодисага кутилмаган тарзда инсоний илиқлик, дилга мунис ва ҳамроҳ маъно, ларзакор фожеъ саъжия (характер), эмоционал жозиба бағишлайди. Акс ҳолда, биз мусиқа, рассомлик, саҳна ё сўз санъатининг энг яхши асарларини (улар аксарият трагик мазмунда) қайта-қайта тингламаган, томоша қилмаган, ўқимаган бўлардик. Шубҳа йўқки, Р.Парфининг фожеъ оҳангдаги шеърлари инсон драмаларининг моҳиятини. Руҳини таҳқиқ этишга қодир эмоционал жозибага эгадир.

Ҳозирги маънавий янгиланиш, покланиш шароитида адабиёт ва санъатнинг халқимиз азалдан мукаррам билган инсон хотирасига ҳар қачонгидан дадил, даҳлдор муносабатда бўлиши, уни ларзакор, ҳазин-ўйчан мисраларда, бутун, ёрқин умумлашма образларда ифодалашдек халқ кўпдан орзу қилган маънавий миссияни ўтаётгани таҳсинга лойиқдир. Эндилиқда Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Акмал Икромов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби ўлмас сиймоларнинг бадиий (шеърий, насрый, саҳнавий, тасвирий) образлари ёнига Абдулҳамид Чўлпоннинг дастлабки шеърий тимсоли келиб қўшилди. Рауф Парфи қаламига мансуб “Чўлпон”

сарлавҳали бу шеър монолог усулида – ўша суронли йилларнинг забардаст хурфикр шоири тилидан битилган.

Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош,  
Куйиб, ёдимиздан кечганлар айтсин.  
Сўзларида заҳар, кўзларида тош,  
Тилидан, элидан қочганлар айтсин.  
Тунлар босиб келар дунё ҳасрати,  
Кунлар гизли туғён, босиб келар шеър.  
Нечук қисмат эрур, шоир қисмат?!  
Тушларимни бузар ҳазрат Алишер...

Бу сатрларнинг аламнок оҳангида дафъатан, шоир қисмати она халқининг тарихий тақдири билан, унинг азалий орзу-армонлари, дардлари билан узвий боғланган, деган теран маъно ётади. Лекин халқимизнинг нафақат гениал шоири, балки умуминсоний фазилатларининг мужассам тимсоли бўлган Навоийнинг муборак номи тилга олиниши бежиз эмас. Тарихда беназир зот, доҳий санъаткор, улуғ мураббий номи ва руҳи билан чамбарчас боғланган халққа, унинг номуси ва шаънига муносиб, шеъриятга фидойи шоирларга нисбатан эрк, адолат, ҳақиқат, эзгулик қонунларига хилоф равишда қилинган турли усуллардаги ноҳақликлар, ҳатто қатағон даражасига бориб етган мудҳиши ёвузликларни ўйлагандаги, шеър ва шоир зоти ҳақидаги безовта хаёллар туғёнга келса не ажаб? “Чўлпон” шеърида нафақат ҳазинлик, балки исёнкор руҳ бунчалар шиддатли, пурмавж даражада эканининг боиси ҳам шунда эмасмикин?... Р.Парфи ўзи кўзлаган ниятни, зохиран қараганда. Хурриятимиз шоирининг мураккаб ҳаёт йўли, унинг фожиали интиқоси тақозо этган оғир-ҳазин оҳангда ифодалаётгандай бўлади. Аслида, ўша безовта, аламли оҳанг замирида, мисралар моҳиятида бир киши драмасига нисбатан кенг ва теран ижтимоий дард бор. Шоир қисматининг бутун зиддиятларини – унинг шахсиятида машрабона хурфиксрилилк

билан халқона шикастаҳоллик; ҳаёт қувончларига ошиқона шайдолик билан дард-аламларига куюнчак муносабати; умумбашарий ташвишлар – “дунё ҳасрати” билан кўнгилнинг хос, сирли-маҳрам кечинмалари омухта эканини – булар битта тирик вужудга, бир бутун оламга айланганлигини ким тушунади, ким қадрлай олади?.. Шоир қисматидек муборак ва масъул тушунча, халқ унинг зукко вакиллари қадимдан дахлсиз маъно берган, мозийнинг не-не ҳокими мутлақлари ғазиб ўтини сўндира олган бу мўъжизакор қудрат ўзи нималигини... “тилидан, элидан кечганлар” қаердан билсин?!.

Маълумки, Чўлпон катта иқтидорли шоиргина эмас, қаламини сахнавий ва насрий жанрларда ҳам таращлаган, Абдулла Қодирий мақомидаги сўз усталаридан эди. Бежиз эмаски, Р.Парфи мазкур шеърини ўз қаҳрамонининг қўҳна ва бой она тилига, унинг тимсолида қадим жафокаш халқига мурожаатидан, аниқроғи, саною муножот, илтижою фахрия, дарду ҳасрат, армон ва умид ҳислари йўғрилган шоирона дил сўзларидан бошлайди:

Она тилим! Сен руҳимнинг қаноти,  
Абут турк нафаси, Олтой чечаги...  
Ўрхун бўйларида тошга айландинг,  
Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг Сен.  
Мангулик сафарга қачон шайландинг?  
Қачон бу аламга – кучга тўлдинг Сен?

Чўлпон каби маърифат ва заковатда бутун, хаёл уфқлари кенг, бадиий-образли сарзамин бой ва теран шоир учун она тилидек муборак тушунчанинг не ҷоғлик азиз тутилганига шубҳа қилмаса бўлади. “Она тилим! Сен руҳимнинг қаноти”. Шоир халқ ўзлигининг ёрқин тимсоли, кўҳна тарихининг баҳосиз ҳужжати, қадим маданиятининг тирик хазинадори, ижодий даҳосининг рангин рамзи, миллий ўзига хослигининг рқин нишони бўлмиш она тили ҳақида ёниқ дил сўзларини айтиши

керак эди. Бундай мүйжиз имконият, комил ва солим восита орқали халқ шаънини улуғлаш, унинг бағоят зиддиятли тақдири, эрки ҳақида қайғуриши, жамики армон-умидларини, дард-ҳасратларини қаламга олиши керак эди. Чўлпон айни шу йўлдан бориб, “руҳига қанот” излади, уни топганидан рағбатланди, аммо ёвузлар қанотини қайирдилар... “Мангулик сафарга қачон шайландинг? Қачон бу аламга – кучга тўлдинг сен?” ...Шеърий мантиқнинг ғаройиб сехри, қудрати билан шоир руҳи “руҳининг қаноти” бўлган она тили зоҳиран сезилмас, илоҳий-рухий ришталар орқали халқнинг тарихий йўли, манзиллари билан боғланади, аниқроғи, “мангулик сафар”нинг суронли манзилларида тобланиб “кучга тўлган” халқ тимсолига айланади. Табиий, ўз тарихини таниш, англаб етишдек қонуний ғурур туйғуси – фахрия оҳанги яна иложсиз мунг билан алмашади:

Порлоқ осмонингда қузғунлар учди,  
Э воҳ, ёғийларинг солди яғмони.  
Ёғийларинг жигар-қонингни ичди,  
Жигар-қон жарангি тутди жаҳонни.  
Онасен. Кечирдинг. Қонидан кечдинг,  
Бироқ кечирмадинг ёлғонни.

Дунёда энг мукаррам она халқи, она юрти кечирган жами бедодликлар, хурлик ва ҳақоратлар интиқоми учун, уларнинг ҳақига қилинган барча хиёнатлар, ёлғонлар учун диёнатли фарзанд, аламнок, дарддош шоир сифатида дилида қатланиб ётган, охири туғёнга келган оташин ҳисларини тилига кўчириши керак эди. Чўлпон ўзи каби заковати теран, эътимоди бутун қаламкаш дўстлари қаторида шундай йўлни тутди. Тарихий ҳақиқат қанчалик аччиқ, шафқатсиз бўлмасин, уни баралла айтиши керак эди ва шундай қилди, жафокаш она халқи учун ёнди-ўртанди. Унга, эрк, тараққиёт йўли очила бошлаганини кўриб қувонди, бу йўлдаги қийинчиликлардан, биз бугун англаб етган,

юмшатиб айтганда, кенгайишлардан, тойилишлардан, уларнинг туб сабаблари – ёмонлик илдизларини билолмай тўлғонди, зорланди ва эҳтимол, ўша тор-танглик мухитида айрим субъектив тамойилларга, иштибоҳларга борди, бундан қаттиқ изтироб чекди. Лекин ҳеч қачон вижденига хилоф иштутмади, ёлғон сўзламади, айни чоғда, қаллоб демагоглар маломатидан қўрқмади, қурумадигина эмас, уларни кечирмади... Шоир кейинги сатрларда Чўлпон тилидан ҳақиқий санъаткор қисматининг аччиқ насибасидай юз берган, аслида, кенг маънода, миллий маданиятимиз – тилимиз, адабиётимиз, санъатимиз учун қайта тиклаб, ўрнини тўлдириб бўлмас даражадаги руҳий-маънавий йўқотишининг моҳиятини –ҳаёти, истеъоди, заковати, қалби, руҳияти она халқи учун баҳшида қилинган зотларнинг ўлмаслиги ғоясини зўр эҳтирос билан, санъаткорона ифодалайди:

Йиллар баҳоримни учирди чалқиб,  
Музларга кўчирди ўтлик ёзимни.  
Ахтардим мухитда хас каби қалқиб –  
Мен ўз юлдузимни, ўз Қуёшимни...  
Юлдуз сен, Қуёш сен, сен туркий халқим,  
Сен учун синдиридим синмас созимни.

Абдулла Қодирий каби авжи камолот босқичидаги умр шамчироғи ёвузлик салтанати, маънавий сўқирлар сотқинлиги билан сўндирилгани адабиётимиз тараққиёти йўлида қанчалик кулфат бўлганлиги йиллар ўтган сайин равшанроқ кўриниб бораётган ҳақиқат эмасми? Шеъриятдаги ёруғ, катта йўлни ахтариб, ўз-ўзи билан, мунофиқ демагоглар, турфа тоифа мухолифлар билан курашиб, изтиробларда ёниб излагани – чин шоирлик тақдири фожеали интиҳо топганидан қатъи назар, давомли ижодий қийноқларда кўзлаган, ҳақиқат учун кураш жабҳаларида “ахтарган”, интилган Юлдузни ҳам, ҳатто ҳаёт, нажот манбаи, эзгулик идеали – Қуёшини ҳам... “сен, туркий халқим” деб

таъбирлаши, биринчи қараща, анъанавий бўлиб туюладиган бу нисбат шеърнинг руҳини, пафосини қанчалик ёрқин очиб беради! Шу тарзда, адабиётнинг чинакам гоявий мазмундорлиги, маънавий қиммати, бадиий бутунлиги каби белгиловчи талабларга тўла жавоб берадиган умумлашма-рамзий образ яратилади. Мисраларнинг зоҳиран мусиқий-равон оҳанги замирида чукур дард – зиддиятли, ларзакор маънолар мавжуд; уларда нафақат улуг шоирнинг доғи-алами то ҳануз юракни ўртагувчи оғир маломати, фожеъ қисмати, балки умуман шеъриятнинг табиати, моҳияти, шоир зотининг ҳеч кимникига ўхшамайдиган ҳаёти, шахсияти, характеристи – аъмоли ажойиб лаконизм билан зухур этган...

Р.Парфининг Чўлпон дунёсини мумкин қадар чукур таҳқиқ ва бадиий таҳлил этишга интилиши сатрдан сатрга томон кучайиб, кескинлашиб борувчи туйгулар, хаёллар түгёнидан сезилиб туради. Мана беихтиёр Чўлпон қаламини эслатувчи, катта маҳорат билан “тарашланган” (бу санъаткор шоир адабий муомалага олиб кирган истилоҳлардан) шеърий сатрлар:

Йўлсизлик йўлдоши, толеи нигун  
Ҳеч қачон туярми ахир ёвузлар?  
Бу – халқ душмани деб тутсалар бир қун,  
Барибир, у халқнинг номидан сўзлар.  
Бошида қора қош, оппоқ баҳорлар,  
Юраги яриму бутун имони,  
Талотун оламни шивирлаб чорлар.  
Тани омонатдир, нақд эрур жони,  
Кўурак қафасида ловуллаб порлар,  
Буюк муҳаббатнинг қонли нишони.

Аввало, Шахс истибоди, тузум зўравонликлари, қолаверса, ўз ичимиздан чиққан турли тоифадаги ғаразгўйларнинг “душман” деган “захарли ёлғон сўзлари” неча ўн йиллар давомида халқимиз ботинини

имон изтироби, виждан азоби бўлиб ўртаб келгани, хусусан, турли авлодга мансуб шеърият мухлисларида ўта зиддиятли – кимда озорситамли, кимда ҳадик-шубҳали, яна кимдадир сохта қурашчанлик каби тамойилларга сабаб бўлгани, умуман, ёвуз тухматнинг ғоявий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, руҳий-психологик асорату оқибатларини қандай ўлчаб, баҳолаб бўлади?.. Тангрига ҳозир шукрлар бўлсинки, ҳақ жойига қарор топадиган кунлар келди: турли-туман ғаразли ниятлар зиддига янги замоннинг беназир ҳақгўй шоири қалби, заковати, шеърий даҳоси – бутун вужуди билан Ватан, Ҳуррият, Истиқлол манфаатларига хизмат қилгани, “халқнинг номидан сўзлагани”, бундай масъулиятли вазифасини зиммасига олишга ўзини маънавий ҳақли деб билгани бугун, мана оламга ошкор бўлди. Шу жиҳатдан қараганда, “Чўлпон” шеърида халқимиз учун ҳам ёруғ, ҳам аччиқ бўлиб қолган, лекин юлдузи сўнмас шоирнинг азиз сиймоси қанчалар ҳаққоний чизилган! Унинг “кўкрак қафасида буюк муҳаббатнинг қонли нишони” бўлиб порлаган қалби мудом “оламни шивирлаб чорлаш”да давом этиши Ҳуррият ва Истиқлолнинг шаҳидлари руҳининг ҳамиша тириклиги тимсолидир. Хуллас, “Чўлпон” шеъридан қўчирилган ҳар бир дардли мисра, ундаги ҳар бир қўйма сўз-образ том маънодаги халқ шоирининг оламини бадиий инкишоф этишда Рауф Парфи ўз мақсадига эришганидан далолат беради.

Шоирнинг “Абдуллажон марсияси” шеърида трагизм бу кўхна дунёнинг жавоби мушкул саволларидан бири – тинчлик кунларида содир бўлган аскар йигит ўлимининг фалсафий таҳлили тарзида ифодаланади:

Наҳот, дўстим, шу қабр сенми?

Сенми ёзилмаган шу китоб?

Кўмиларми ҳеч қачон севги?

Мен жавоб истайман, жавоб!..

Шоир қаҳрамонининг қийноқли сўроқлари замирида инсон бахти ва фожиасига бефарқ, гунгу лол табиат билан ички-рухий мунозара ҳам, шунингдек, қай даражада алоқадор бўлмасин, муайян ижтимоий шароит, реал вазиятнинг қаттол талаблари – “шафқатсиз ҳақиқат”ига қарши исён туйғулари зухур этади. Наҳотки, “сўқир ўлимнинг тилсиз, совуқ гувоҳи – “у қабр” оламни “йигирма беш ёшида ... тарк этиб” кетган дўстининг абадий хобгоҳи бўлса? Наҳотки энди йигитлик кучига тўлиб, орзулари етилиб бораётган тенгдошининг “ҳеч қачон кўмилмас” муҳаббати, ҳаёт, умр ҳақидаги “ёзилмаган китоби” шу ғариб гумбаз қаърида абадий пинҳонлигича кетса?.. Айниқса, “Мен жавоб кутаман, жавоб!” сатри орқали ўрнини ҳеч қачон, ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган тўзимсиз жудоликнинг маълум ва номаълум сабабкорларига, кенг маънода, ҳозирги мураккаб воқеликнинг турли адолатсизликларига, кенг маънода, ҳозирги мураккаб воқеликнинг турли адолатсизликларига, кутилган ва кутилмаган фожиаларига нисбатан азоби ҳам, ғазаби ҳам ўлчовсиз туйғулар ифодаланади.

Р.Парфи “Нозимнинг садоси” шеърида машхур турк шоирининг “ҳасрат янглиғ, жаннат янглиғ” дунёсини кўп қиррали “овоз” образи орқали инкишоф этади:

Кетди Нозим! Келар Нозим овози:

Ҳасрат янглиғ, жаннат янглиғ

Менинг дунём фикрларим соқчилигига.

Атрофимда айланар энг дардли,

Энг бахтли тириклик сайёраси,

Мен унинг ўртасида...

Бу сатрларда ҳали ёш шоирнинг анчайин мураккаб мушоҳада тарзи кўзга ташланса-да (шеър 1963 йилда ёзилган), поэтик фикр, хаёл масштаби, барибир, ўзига тортади: “Нозим овози” – исёнкор шоирнинг руҳиятга, ўлмас шеъриятга ўтган олами шундай космик қудрат касб

этадики, гүё “Нозим кетган” дунё – “энг дардли, энг бахтли тириклик сайёраси” энди унинг теварагида “айлана” бошлайди: “Мен унинг ўртасида” ...Нозим Ҳикматдек эркесвар шоир ўз “мен”лигини она-сайёранинг “ўртаси”, юраги деб билиши чукур рамсиз маънога эга. Бу фавқулодда поэтик нисбат рухан Г.Гейненинг: “Оламнинг дарзлари менинг қалбимдан ўтган” сўзларида ифодаланган ғоят пурмаъно рамзий образ билан ҳамоҳангдир. “Нозим овози” образи шеърнинг кейинги мисраларида янги бадиий қирралар кашф этади:

Кетди Нозим! Қолди Нозим садоси

Садонинг акс-садоси.

Акс-садонинг акс-садоси.

Садога ўралашиб борар тобора

Бу дунё.

Садо кенгликлари теран боқар менга

Нозим Ҳикмат кўзлари ила.

Нозим Ҳикматнинг том маънода ижодий жасорат ва фидойилик тимсоли бўлиб қолган тақдири поэтик ифоданинг бундай масштабл, силсиласи усулларига етарли мантиқий асос беради: шоир-курашчи овози нафақат ўзи яшаган муҳит – реал дунёнинг, уни катта шахс сифатида шакллантирган даврнинг акс-садоси бўлиб янграши, балки билвосита – ички садолари, пинҳоний тебранишлари билан инсоннинг руҳий оламига таъсир этиши мумкин. Бундай руҳий-ботиний қирралари кашф этилган “садо” образи кутилмагандага Нозим Ҳикматнинг бошқа ҳеч кимникига ўхшамаган “теран боқувчи” кўзлари тимсолига айланши (эътибор беринг: ўқиши-эшишихи нигоҳга, товуш ёруғликка қўчирилади) Рауф Парфининг мушоҳада тарзи учун ажабланарли ҳол эмас.

Р.Парфи “Ватан ҳақида Бернд Иеншцга мактубим” сарлавҳали тиниш белгиларисиз битилган манзумасида ватан тушунчасига хотирот-ҳофиза образлари орқали фавқулодда чукур маъно беради, шунинг учун

ҳам уни бирданига тадқиқ қилиш осон эмас. Шоир ўзини кўпдан қийнаган саволларга жавоб қидирап экан, ниҳоят, унинг мушоҳадаси табиий бир нуқтада тўхтайди –ташқарида бўралаб турган қордан бадиий фон сифатида фойдаланади: “эзгин-эзгин”, “лўппи-лўппи” ёғаётган қор дераза ёнида ўйчан ўтирган қаҳрамон хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетади.

Ватан ҳақида сенга Бернд  
Бу мактубни ёзаётган пайтим  
Ташқарида қор ёғмоқда эзгин-эзгин  
Тахайюл ёғар Тахайюл отига минган осмон.

“Тахайюл” – хаёл йўллари қанчалар узун, манзиллари ҳадсиз-ҳисобсиз бўлса, суръати шунчалар тез, шиддаткор. Лекин шоир айрича қиммат берган “ватани тушуниш” ғояси шеърдан олган оғир-ҳазин таассуротларимизни бир қадар тартибга солиш, ойдинлаштириш имконини беради. Рауфнинг эътиқодича, ватани тушуний “унутиш мумкин бўлмаган нарсалар” хотиротидан бошланади. Мактуб замондош немис шоирiga қаратилгани учун “кор-тахайюл” тимсоли, даставвал, Освенцум қатлгоҳида – газ юбориб ёндирилган тутқунликларнинг “чор қирра трубалардан шамолларга бўккан тутунлари” каби асрнинг таърифлаб бўлмайдиган даҳшатли фожеаси образида зухур этади.

Кор. Кор. Инсон товушларига тўлиқ қор  
Сочларга тўла тутун Сояклар чангি  
Аччиқ бир шеър бўғзимга келиб тиқилди  
Кўзларимга сачради Бехер шеърининг қони  
Тўсиб қўйди қорларни

Азобли ҳофиза-хотиротнинг бундай драматик ва трагик лавҳалари шоир қаҳрамонини сергаклантиради, ғофиллик сўқмоғидан авлодлар тақдири учун масъул курашчилар сафига чорлайди: “Эҳтимол ечиб ташлашимиз керакдир қора рўмолини Дардли хотиротнинг мунгли

бошидан. Эҳтимол бизни орзулар оҳангида алдаётганлар тўғрисида ўйлашимиз керақдир кўпроқ”, – дейди у Берндга (бу шеър 1973 йилда ёзилганини эътиборга олсак, айниқса, сўнгги шеърий жумланинг кинояли оҳангида кучли ижтимоий дард – исёнкор рух жойланганини англаб олиш қийин эмас). Қийноқли хаёл ўз уфқларини кенгайтира боради: Бернд Ватани ҳақидаги фожеъ хотиралар тадрижий суратда шу кунларнинг таҳликали ўйларига ўтади – “йигирманчи аср деб номланган оғриқ”қа айланади, бу мисрадан-мисрага томон кучайиб, дунёning турли минтақаларидағи ватанини, тилини, виждонини, инсонлик қиёфасини “унутганлар” нисбатан шеърий айбнома даражасига кўтарилади. Лекин шоир “ватани тушуниш”да ўз эътимодига содик қолади: “Унутишга арзир шон-шуҳрат бошқа Унутилмас нарса фақат фоже Ватандир”. Шу тариқа сўзнинг трагик мазмuni ўзининг кўлами, характеристи билан тарихда нисбати бўлмаган энг буюк, энг ларзакор, хотирот блан боғланади:

Кор ёғмоқда Тахайюл ёғар  
Улар йигирма миллионли шаҳид номидан сўзлар  
Бу буюк миллат эди  
Бу буюк Давлат эди  
Дунёning севикли Ватани эди  
Мен шундай тушунаман Ватани Бернд

Юксак гражданлик руҳи, эзгу идеалларимиз олдидағи бурчдорлик туйгулари, уруш қурбонларининг муқаддас хотироти билан йўғрилган бу рауфона пурдард мисралар Ватан ҳақида фавқулодда оригинал мушоҳада – бетакрор образлар (“Кор”, “Тахайюл ёғар”) сифатида теран фалсафаси билан ўйга толдиради, кўнгилни ларзага келтиради.

\* \* \*

Лирик шеър ва фалсафа, азал ва абад муаммолари. Азалий зиддиятлар мавзууда шоир-файласуфнинг аксарият ўз-ўзи билан

ботиний мунозара қилиши. Бу борада Рауф Парфи ўзининг хос нуқтаи назари, мушоҳада тарзи, ифода усулига эга. Аниқроғи, шоир “коргах вазъи” (Навоий) – оламнинг самовий буржлари, заминий минтақалари, турфа ҳодисоту синоатига том маънода ижодий ёндашади – фавқулодда рамзу мажозлар, тимсолу истиоралар воситасида муносабат билдиради. Бу нозик-сирли жараёнда фалсафанинг объектив қонунлари шеъриятга хос сўз санъатининг субъектив – хос ва фасих қонунларига бўйсундирилади. Шу боисдан ҳам шоир қаламга олган анъанавий мавзулар кутилмаган бадиий-образли талқини билан бизни ҳайратга солади, хаёлга толдиради.

Чунончи, Р.Парфи “Туркистон ёди” манзумасида қаҳрамоннинг макон ва замон меъёрлари эътибори-ла поёни йўқ руҳий кечинмаларини рамзий характердаги кўп қиррали – умумлашма образларда ҳайратомуз аник, муҳтасар ифодалашга суваф фақ бўлади.

На-да узун, на-да оғирдир бу йўл,  
Далалар ястаниб ётар кўк каби.  
Тиғлар хотирамни осмон чеки йўқ,  
Тизғинсиз бу шиддат кенглик асаби.

Халқнинг ўзидаи заҳматкаш, камтарликда шикастаҳол, халқнинг ўзидаи ҳалол, ҳар хил тамалардан холий, ҳақпараст ва шикаста дил шоир туғилиб ўсан (шеър Миртемир хотирасига бағишлиланган) кўхна Туркистон тупроғи зиёратига отланган шогирд учун “кўк каби ястаниб ётган далалар” оралиғида нима деган гап? Бир қарашди “На-да, узун, на-да оғирдир бу йўл” шунга ишорадек туюлиши мумкин. Лекин шоир учун бобомерос замин Туркистоннинг “чеки йўқ осмони” ёш зиёратчи “хотирасини тиглар”, бу “тизғинсиз шиддат” шунчаки бўшлиқ эмас, балки “кенглик асаби” бўлиб туюлар экан, она халқнинг неча асрлик тарихини, не-не буюк аждодларнинг мураккаб тақдери (шу жумладан, Миртемирнинг ҳам), енгил битилмаган ижодий қисмати, ушалмаган

армонларининг ёзмиши – бу йўл ҳақиқатдан узун ва оғир йўл эди, дейишга етарли асос беради. Айни пайтда, шеър тагзамини (подтексти)да: “Холбуки, бу йўл узун ва оғир бўлмаслиги ҳам мумкин эди”, деган янада чукурроқ фикр-баҳс қўзғатувчи маъно кузатилган бўлса-чи?.. Кейинги икки бандда шунга ишора бор:

Бу кенгликда ўйлар мени ғижимлар,  
Ул ўз қофиясин судраб келадир.  
Қанча қочсанг – шунча қилгай ҳужумлар,  
Ўқ сингари хотирамни тиладир.  
Теграмда зич ҳаво – она Туркистон,  
Ёргай томиримни кўр ҳаяжоним.  
Бу майдон ичинда мен тўқмаган қон,  
Менинг уни дея аяган жоним...

Бу сатрларда истисносиз ҳар бир сўз, бирикма юксак поэзияга хос бадиият унсурларига, шеърий организмнинг таранглашган асаб толаларига, пурмавж қон томирларига, драматик туйғуларнинг бетакрор образли тимсолларига айланади. Аста ойдинлашиб борадики, қаҳрамоннинг борлигини гўё “ғижимлаган”, қочган тақдирда ҳам таъқиб этиб, яна “хужум қилган”, “хотирасини ўқ сингари тилган” шафқатсиз ўйлар (эътибор беринг: хотира ҳам жароҳатли!) Туркистоннинг олис тарихи билан боғланади; ноҳақдан-ноҳақ унутилган, ҳалигача объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўзининг муносиб баҳосини топмаган, замоннинг зайди билан қисмати, эҳтимол, мураккаб битилган турли аждодлар мероси ва бошқа руҳий-маънавий муаммолар билан боғланади. Шоир қаҳрамоннинг “томирини ёрган кўр ҳаяжон”нинг маъноси, “бу майдон ичида тўқилмаган қони”, “уни дея аяган жони” каби қийиноқли руҳий нидолар, мураккаб ҳиссий образлар сири шунда эмасмикин?.. Шоир авлодларнинг руҳий алоқаси билан боғлиқ янажда чукурроқ қатламлар ҳақида баҳс очади:

Яна йироқларга чорлайди мозий,  
Ватан тушунчаси келар етаклаб –  
Айрилган, хўрланган улус овозин,  
Шоирнинг бешиги айтар эртаклар.

Бунда “мозий чорлаган йироқлар” – ўзича, “Ватан тушунчаси етаклаб келган, айрилган, ҳурланган улус овоз” – ўзича, ниҳоят, шоир Миртемирнинг бешиги бўлган Туркистон “айтган эртаклар” (наҳотки, унинг айтар сўзи фақат эртак характерини олса!) ўзича – ҳар бири қанчалар зиддиятли бўлмасин, бирдан-бир одил баҳосини сўраб гўё нидо зиддиятли бўлмасин, бирдан-бир одил баҳосини сўраб гўё нидо ураётган руҳий муаммолардан баҳс қиласди. Шеърга “Туркистон ёди” деб сарлавҳа қўйилиш бежиз эмаски, кейинги сатрларда моҳият ва руҳият ҳам чукурланиб, унинг янги қатламлари, қирралари очилиб боради:

Ўтган улуғларни эслайман барин,  
Хотирот мозори Туркистон мангур.

Бундай ҳаққоний, пурдард сатрлар – руҳият образлари Рауф Прафининг чукур маърифати ва маънавий ҳозирлигидан, поэтик тафаккур уфқи қанчалик кенг эканлигинидан далолат беради.

Том маънодаги йирик, залворли шеърнинг кейинги сатрлари Яссавий дунёсига бағишлиданади – туркийзабон тасаввуф шеърияти даҳосининг шахсиятини, яссавия таълимотининг инсоний моҳиятини, руҳий қудратини, маънавий-ахлоқий қадриятини ҳайратомуз аник, мухтасар, бутун ва ёрқин фалсафий образ-лавҳаларда инкишоф этади (“Товуш айланди ҳар бир ғишт ранги: “Дунё менинг деганлар...” Нидо келур, “Ёлғон даъво қилганлар...” – Сўзлар шоир. “Оқни қаро қилганлар...” Айтинг кимлар?! Яна товуш: “Ҳаром еган ҳокимлар...” “Мақбара бошимга йиқилар ҳозир” ... ) Саккиз асрлик тарих қаъридан келган руҳий нидо – валиуллоҳ аждодларнинг муқаддас хотирот образи фавқулодда-гаройиб шеър санъати қудрати-ла, шубҳасиз, бугунги

мураккаб воқеликнинг оғриқли муаммолари – ижтимоий дардининг ўзига хос поэтик инъикос вазифасини вазифасини ҳам ўтайди. Инсон хотироти тасвири руҳий-маънавий мазмундор лавҳа-образлар билан ўзаро таносиб, бадиий силсила яратадики, бу ҳақиқий поэтик теранлик замон – макон меъёрларига итоат этмаслигидан далолат беради...

\* \* \*

Санъат, жумладан шеъриятда классиклар анъанасига ижодий муносабат – меросга ўзига хос дахлдор ворислик амалда синалган, авлодлар сабоғига айланган таомилдир. Мана, Чўлпон шеърининг таъсирида туғилган (бунинг эҳтимоли ҳақиқатга яқин) “Бинафша”нинг умид ва ғусса унсурларидан йўғрилган мисралари:

Бинафша, исмингиз умидли,  
Нафосат тўла – Бинафша?  
Яна бир йил, оҳ, бир йил ўтди,  
Эй, умр, сен бунчалар шошма!

Масалан, бойчечак қир-адирлар бағрида баҳор олди эпкинлар энди кўтара бошлаган сўнгги қор чойшаблари – “муз соябонлар” остидаёқ униб-амалланган биринчи довюрак гул-лола сифатида халқона ўланга, аниқроғи, болалигимизнинг ҳар йили наврўзда жўровоз бўлиб куйланадиган хайрли алёрига айланган-ку!.. Лекин бинафша она заминга – бултурги чаманзорлар сахифасига “тараб (кувонч) сўзини яшил хат била ёзиб” (Навоий) улгурган баҳор малагининг тўнгич қизи – эрка, нозли фарзанди сифатида ғамсиз болалиқдан кўра, айниқса, илк бор ишқ фаолига кирган мастона ёшликни ошириб-энтикиб муборакбод этувчи ҳайрат ва умид чачагидир. Шоир навбаҳорий тароват рамзи – “нафосат тўла – Бинафша”ни нафақат табиатга хос ўзгариш – уйғонишнинг том маънода, латиф ва солим даракчиси сифатида, балки инсонни умрнинг “бунчалар шошма”... яна бир йили”дан огоҳ этувчи ҳам шукронга, ҳам армонли туйғулар тимсоли тарзида таърифлайди. Бунда табиатга ва

шөъриятга хос нозик мантиқ уйғунлиги мавжуд: умрнинг инсон ихтиёрига боғлиқ бўлмаган “шошма”лиги, айниқса, ҳар гал наврўзда – табиат ва йилнинг янгиланиши жараёнида ажралиб кўринади. Шу маънода шоир талқинидаги бинафша қувонч, ҳайрат, соғинч, умид, армон, ўкинч, шукrona, ҳасрат каби зиддиятли туйғуларнинг мужассам ифодасига айланади:

Хафа бўлманг юракдан кулсам,  
Хафа бўлманг йиғласам тошиб...

Шоир қаҳрамони – эҳтимол, ошиқ, ориф ё ижодкор дунёсини, эҳтимол, оддий ўзбек жафокали – деҳқон ё косиб, эҳтимол, жаҳонгашта дарвеш (қаландар) – турлди шуру ғавғолар тазиёки ва таъсири туфайли узлатгоҳга чекинган бир ғариб баногоҳ бинафша очилганини кўриб дам йиғласа, дам кулса, табиий хилқатнинг бу шаффоф ва мўъжиз чечагига озор етмасмикин?! Қаҳрамоннинг “хафа бўлманг” каби илтижо сўўлари билан бинафшага муножот айтиши ўз зиддияти билан гўзал эмасми? Шеърнинг кеийнги мисраларида кечинмалар, хаёллар зиддияти чуқурлашади – теран ҳазинлик касб этади:

Чунки шодликларим Сиз – танҳо,  
Аламларим Сизсиз менинг...

Ажабо! Ғаройиб, ҳатто фожеъ маънолардаги зиддиятни қарангки, шоир қаҳрамони учун бу ёргуғ оламда, балким, шу лаҳзада бинафша инъом этган қувончу ҳайратдан ўзга “шодликлар” бегона. Шунинг учун унинг “аламлари” ҳам ёлғиз бинафша. У шеърий мантиқнинг кучини кўринг. Бас, инсон баъзан шундай умидсиз ва нажотсиз ҳолатларни кечириши мумкин эмас, бинафшанинг маъною баҳоси чегара билмаса не ажаб:

Сиз тилсимот каби бир дунё,  
Сиз дунёси – сизни кўрганнинг.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, бу дунёда шундай лоқайд-дардсиз, худписанд кимсалар бор (энг даҳшатлиси, бу тоифанинг уруғи кўпайиб, илдиз отиб, мавқеи ортиб, таъсир доираси кенгайиб бораяпти), улар наврўзда на бинафшанинг шукrona муждасию мўъжизасини сезади, на ундан таъсирланиб кула ё йиғлай олади. Шоир эса, инсонга Тангри инъоми бўлган хаёлот ва шеърият қонунларига таянган ҳолда, классик муболаганинг ифрат усулини қўллаб, буни мантиқан асослай олгани билан фахрланишга ҳақлидир: “Сиз дунёси – Сизни кўрганнинг”.

## **Мутрибона, мусаввирона**

Рауф Парфининг ижодий индивидуаллигини таъмин этувчи бадий омиллар хақида равшанроқ тасаввурга эга бўлиш учун шоирнинг адабий ўйларига мурожаат қилиш мумкин. Ойбек шеъриятига бағишиланган қайдларида Р.Парфи ёзади: “ Шеър мукаммал шаклини топган бир бутунлик намунасиdir. У сўз орқали ифодаланганда атрофимизни ўраб турган моддий дунё бир муддат ўзлигидан қочаётган каби енгил ва хаифиф оҳанглар дунёсига айланади... Дунёда боқий нарса оз. Оҳанг – боқийлик рамзи. Аммо шеърий оҳанг ҳам эскиради. Шоир учун муҳим уни унутилишдан сақлайдиган ғоявий оҳанглар яратиш. Шу оҳангда сўз ўйғонади, образ яралади, инсон ўзлигини танийди, Ватанини топади. Руҳнинг муроса билмас түғёнлари, эҳтиросларининг олов шиддати – бу оҳанг...”

Шоирнинг товуш-оҳанг рамзларига кўчган ўзига хос олами хақидаги кузатишларга “Оҳанг” сарлавҳали шеър таҳлили билан тамсил қилсак бўлади.

Менинг ўйчан, меҳрибон онам –  
Ер шаридан олинган тасвир...  
Йўқ, сен оҳанг эмассан, ёлғон,  
Сен қалбимда эшилган нидо.  
Сен ҳам менга ўхшаган инсон,  
Сен ҳам дунё, шу ёруғ дунё!

Ҳассос шоир сабр бобида тенгсиз, “ўйчан” она сиймосидан унсиз нидоларни – руҳий садоларни тингламагнида унинг беминнат заҳматларини, таърифдан ташқари меҳру саҳоватини, тузимсиз бардошини ер куррасининг “тасвири”га муқояса қиласмиди? Маълумки, тасвирий санъат асарларида лаҳзали ҳол сувратланади. Шеъриятда эса, ўша оний бир ҳолат муайян вақт, давр ё асрлар садосигина эмас, балки абадият тимсолига айланиши мумкин (гениал рассмолар яратган

асарларнинг боқийлик сири уларнинг вақт изчиллигига муносабати билан эмас, бадиий-образли бетакрорлиги билан изоҳланади). Шунинг учун бўлса керак, Р.Парфи гоҳ оҳангнинг “соф” мусиқий-интонацион хусусиятидан руҳий ҳолат образини яратади (“Сен қалбимда эшилган нидо”), гоҳ унга конкрет ижтимоий маъно беради (“Сен ҳам менга ўхшаган инсон”), гоҳ фалсафий меъёр билан ёндошади (“Сен ҳам дунё, шу ёруғ дунё”). Умуман, Рауф Парфи яратган ўзгача товуш-оҳанглар символикаси ижодий стихияга айланган десабўлади: “Ўт ичидан термақдаман товушни, Куйиб бўлган нарса куймас қайтадан”. Абадий бир наво сингари само”, “Бу – ой тўккан шуъла эмас, йўқ, бу навога айланган сўзлар”, “Аста тўхтар бу куй оғир. Куй бўлиб қолдинг ёдимда”, “Товушга айланди ҳар бир ғишт ранги”, “Бунда у кўзларни тингламоқ керак”... Бу мисралрда товуш-оҳанг символикаси оламнинг нафақат интонацион тебраниш-ҳолатларини ифодалашга хизмат қиласи, балки унинг рангин, ҳарир қирраларини инкишоф этиш орқали асли инсон туйғулари, руҳий кечинмалари, қалб хотиралари қанчалик нафис, нуктадон, кўп қиррали эканини, умуман, шеърият, шеърий образ имкониятлари битмас-туганмас эканини боз таъкидлаб туради...

Шоир сарлавҳасиз шеърларидан бирида ёмғирли тун манзарасининг қаҳрамон кайфиятига таъсирини шундай ифодалайди:

Деразамдан боқар зулумот  
Зулмот билан кенг қилар ёмғир.  
Юрагимга оқар зулумот,  
Оқиб фикримни тилар ёмғир.

Бе шеърий манзаранинг ўзига хослиги шоир кашф этган мажозий нисбатнинг жонлилигигида: айниқса, осмон яксара қора булут билан қопланган, ёмғир эзиб ёғаётган тим қоронғи (демак, ойнинг иккинчи ярмидаги) кечанинг даразадан ичкарига боксан шубҳали, қўрқинчли одамга қиёс этилиши билан туннинг мубҳам-хаос ҳолати маълум

конкретлик ва тартиб касб этади: зим-зиётундаги ёмғир турли предметларда турли тарзда, турли даражада ҳосил қилган шарпа-шовқин, унинг аск-садолари жанг айни қизиган паллага нисбат берилиши сирли манзарани аниқроқ тасаввур этишга имконият яратади. Кейинги икки мисрада бу ғаройиб кечанинг қаҳрамон кайфиятида қолдирган ҳазин асорати чизилади. Шу тарзда табиатнинг тунги вазияти ва инсоннинг рухий ҳолати фақат Рауф дастхатига хос оригинал метафора ва истиоралар (“зулмотнинг боқиши”, “юракка оқиши”, “ёмғирнинг жанг қилиши”, “фикрни тилиши”) воситасида сувратланади – тутилмаган ҳиссий лавҳа-образ яратилади. Шоир “Рассом” шеърида табиат ва инсон образига яна ўзгача поэтик усууллар орқали ёндашади.

Қорларга қоришли осмон,  
Элас кетди нурли чангини.  
Қайдан олсин бечора рассом  
Бундай маъюс севинч рангини...  
Кўзларида тураг ўша ранг,  
Осмонларга тикилар бекор.

Дастлабки икки мисрада аск этган табиий манзара, хусусан, мусаввир ижодхонаси учун асосли натура ҳамда ранглар колоритининг бой арсенали сифатида етарли қулайлик яратиши керак эди ((рассом бошқа санъаткорлардан фарқли равишда, табиий ландшафтлар билан билвосита эмас, бевосита муносабат боғлай олади). Лекин гўзаллик қонунлари тақозосига кўра, мусаввир муайян имтиёзлардан қатъи назар, шоир ё композитор каби ўзига ҳаммадан яқин, ошно, сирдош бўлиб кўринган ўша азалий хилқатни ҳар гал қайтадан кашф этиб, бу ҳолдан ҳайратга тушган тақдирдагина унинг таассуроти санъат асари сифатида шаклланиши – янги образ яратилиши мумкин. Шеърда рассомнинг ана шундай қизғин ижодий ҳолат – табиий гўзаллик ва ундан ҳайратланиш жараёни санъаткорона аниқлик билан чизилган: қор роса маромида

ёғаётган палладаги осмоннинг кўриниши – “маъюс севинч ранги” бўлиб рассомнинг шавқу рағбат тўла кўзларига ўтган... Зеро, табиатга бевосита яқин турган тасвирий санъат ҳам табиат, унинг шакл-шамойил, моделларидан, рангларидан тайёр андоза-нусха кўчириш орқали эмас, балки янги “тарҳи тоза, беандоза” (Навоий) шакллар, ранглар, садолар, манзаралар – турфа бадиий қирралар, тимсол-лавҳаларида билвосита оламнинг фалсафий моҳиятига; азалий “жозиба қонунлари”га бир лаҳза бўлсин “назар айлаш” (“Назар айла бу коргоҳ вазъига, Ки ортар тамошосида ҳайратим” – Навоий) рубоий шеъриятнинг доимий мотивларидан. Рауф Парфининг назаридан ўтиб, шеърий сайқал топган ўзгача манзара лавҳаларидан бошқа бир намуна:

Шундай жимжит зангори осмон –  
Заминаларнинг нидоси бекор.  
Эҳ, нақадар ахир бепоён  
Сукунат деб аталган диёр!..

Фақат “чуқур сукунатни тинглаган” (“Слкшу глубокой тишинқ” – А.Блок) шоирнинг қалб нигоҳи воситасида ана шундай жонли-ҳиссий, жозиб лирик образ шаклланиши мумкин.

Р.Парфининг “Бетховен” шеърида кўп қиррали “стереоскопик” (Харченко) характердаги рамзий образнинг бағоят оригинал намунасини кузатамиз.

Шивирлар, ҳайқирап бепоён денгиз,  
Мен уни сипқормоқ истайман танҳо.  
Фақат сен кузингни бағишла, Зиё,  
Фақат сен, Жасорат, қўлингни бер тез.  
Балки бу Осмон – Орзу садоси,  
Денгиз – хаёлларин садосидир бу...

Шоирнинг хаёл уфқлари, хаёл теранликларию нозикликлари билан, эҳтимол бадиий ижоднинг турли соҳасига мансуб санъаткорлардан фақат

гениал композиторлар дунёси рақобатга киришса ажаб эмас. Шу мънода, башариятнинг Бетховендек гигант сиймоси ҳақида ёзишга, унинг умумлашма-полифоник образини яратишга журъат этиш катта масъулиятни тақозо қилади. Ҳассос шоир чиндан ҳам Бетховендек мусиқа даҳосининг бадиий тафаккур ва туйғулар оламини шеърий образ оламига кўчира олган: осмон – осмон эмас, балки Бетховеннинг дунёда нисбати бўлмаган мусиқий Орзулари садосидир... Гоҳ сокин шивирлаган, гоҳ ҳайқирган бепоён денгиз – Бетховен хаёлларининг сирли-сехрли (фақат унинг ўзигина теран уқадиган) садосидир... Бадиий нисбатлашнинг бундай фавқулодда самовий масштаби фақат соҳир ижодкорларгагина муносиб, мавзун бўлиши мумкин. Лекин Р.Парфи гениал санъаткор образини яратишда бундай нозикхаёл нисбатлар ўзи кифоя қилмаслигини билиб, ўша космик кўламга монанд бадиий-мантикий замин ҳозирлайди: шоирнинг қаҳрамони табиатнинг Зиё, Жасорат отлик икки боқий қудратидан мадад сўрайди. Зеро, Бетховеннинг сехргар музикага айланган оламини фақат азалнинг Зиё кўзи билан кўриш, фақат абаднинг Жасорат қўли билан инкишоф этиш мумкин... Шу тарзда Рауф Парфига хос умумлашма характердаги ассоциатив образлар силсиласи туғилади...

Шоир жаҳон халқларининг турли даврга, турлича дунёқараш, эътиқод ва ғоявий-эстетик принципга мансуб санъаткорлари ҳақидаги шеърларида маҳсус лирик портретлар: Яссавий, Навоий, Микеланжело, Шекспир, Ван Гог, Бетховен, Лермонтов, Блок, Маяковский, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, “Тавфиқ, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Абдулла Орипов, Луис Моран, Бернд Иеншц, Виктор Хара, Егишे Чаренц, Николай Рубцов, Чингиз Айтматов ва бошқа образлар гелерясини яратади.

Чунончи, шоир “Ван Гог шеърида XVII асрда яшаган бүк голланд рассомининг лирик портретини чизар экан, гўё тасвирий санъат воситаларини сўз оламига қўчиради.

Буюк севги рангин излаб юрарди...

Ёзар мовийликка рангин қасида

Бироқ ҳайрат ичра қалқар юраги

Яхшилик, ёмонлик чегарасида.

Бунча ғариб, разиллар кўп дунёда?!

Уни англамади кибор оломон...

Билмоқчи бўлди у, бу қандай замон?!

Юрагин рангин кўрмоқчи бўлди...

Айниқса, ижодкор-мусаввир дунёсига монанд, унинг характери билан ҳамжинс ифода изланишлари, поэтик мушоҳаданинг бу гал кўпроқ азалий ранглар билан уйғунлигига эришиш тамойили бетакрор образларни қашф этади (“буюк севги ранги”, “мовийликка рангин қасида”, “юрагин ранги” кабилар. Лекин шеърнинг қаҳрамони – гениал мусаввирнинг ҳар қандай ғубордан, эҳтимол, иштибоҳлардан холи бўлган бокира қалби ҳаётнинг доимий зиддиятлари, давр фожиалари билан тўқнашади. Аввалги гўзал романтика – лазиз ҳаёллар оғушида, илҳомнинг илоҳий қанотида ҳаволанган нозиктаъб рассос бора-бора ҳаётнинг аччиқ синовларини кечириб, “уни англамаган кибор оломон”– маънавий сўқирлар муҳитида ўзини ўгай ҳисоблайди, алам, изтироб, таҳқирланиши, ғазаб, нафрат ҳислари исканжасида қолади (“Бунча ғариб, разиллар кўп дунёда”). Оқибат шунга бориб етадики, қаҳармон ўша совуқ, бегона муҳитдан бош олиб кетишга рози бўлади. Шу тарзда, ажойиб санъаткорнинг, асосан, ранглар символикаси, қисман, характерли турмуш тафсилотлари билан йўғрилган обра-портрети чизгилари трагик рухдаги “юрагин ранги” шеърий нисбатида интиҳо топгандай бўлади.

Кўп йиллар шеърият шарҳи, таҳлили, танқиди билан шуғулланган тажрибали бир олим шоирнинг гўё қор, ёмғир, булат, шамол, тун каби “табиат ҳодисалари ҳақидаги” (аслида табиат орқали инсон кечинмалари, дардлари, руҳий ҳолати акс этган) шеърларидан “давримизнинг қон томири уришини” аниқлаётмай, улардан “катта мазсун” (?) тополмай хуноб бўлган айрим мисраларни шарҳлаб кўрсак бўлади. Мана, шамол воситасида чизилган сарлавҳасиз бир шеърнинг ажаб завқли кайфият уйғотувчи манзара-образларидан намуналар:

Япроқларда шамол ўйнар,  
Сув мавжида ўйнар шамол.  
Сарин шамол нима сўйлар,  
Юрагида қандай хаёл?..

Табиат ҳодисаси гўё сездирмасдангина “инсонийлаштирилади” – туйғулар, кечинмалар оламига ўтади, яъни шамол одамларга хос уч ҳолатга киради (аслида тўрт қиррали кўринади): япроқларда ўзгача, сув мавжида яна ўзгача “ўйнайди”, ўзича нималарнидир “сўйлайди”, унинг “юрагида” аллақандай “хаёл” кезинади... Тўғри, дастлабки икки қиррали ташбех (шамолнинг “япроқларда”, “сув мавжида” ўйнаши)халқона-анъанавий истиоранинг янгилланган, қайта кечирилган шакли. Лекин “сўулайди”, “хаёл” суриши нафақат мажознинг жозиб-нафис кўриниши, айни чогида бу – “фикрловчи”-ҳиссий образ намунаси. Кейинги мисраларда шамол сирли кечанинг аллақандай афсунли, кўринмас-руҳий кучига айланади. Лекин бу фариштасифат қанотли меҳмон шоир кузатган ниятни аниқ ва бутун очиб беролмаган бўлса керак, шамол тунда бедор кезувчи ошиқ куйчи қиёфасига киради:

Сочларимга қўнар шамол,  
Шамол қўнар кўзларимга.  
Кўшиқ, эртак айтиб хушҳол,  
Сўнгра қайтар изларига.

Бу қайси минтақанинг шамоли, дерсиз. Тунги чўл шамоли ёки тоғу тош, қир-адирлар шамоли бундай нозик тасвирга асос бермаса керак. Шубҳа ёўқки, бу заҳматкаш юртдошлар – боғу чаманлар ошиғи миришкор ва соҳибкор дехқон-боғбонлар бунёд этган водий, лоақал кичик бир воҳанинг ўзимизга ошно, дилга яқин, оромбахш тунги насимлар манзараси. Сўнгра, бу – музаҳҳиб ва мутриб табиат шоир қаҳрамонининг фақат чаманзор кечаси бағридаги “хушҳол” (не тонгки, бндай хушнуд кайфият Р.Парфи шеърларида кам учрайдиган ҳодиса), эркин, озориз хаёлларининг билвосита-рамзий ифодаси (шамолнинг “соchlарга”, айниқса, “кўзларга” қўниши қанчалик гаройиб бўлса, унинг ўзи гўё “қўшиғи” ва “эртаги”ни айтиб бўлиб (яъни маълум муддатга тиниб) “изларига қайтиши” шунчалик табиийдир...

Бошқа бир сарлавҳасиз шеърда шамол орифона хаёллар елканинг дарғасига айланади:

Йўлни дарға шамоллар олди,  
Мана судраб борар кемани.  
У томонда нималар қолди,  
Бу томонда не кутар мени?..

Дастлабки икки сатр баайни лирик ибтидо –шеърий экспозиция вазифасини ўтайди: Эътиборимизни муайян замон ва макон доираси томонга йўналтиради, яъни бизга кечинма-образ обьекти ҳақида маҳсус информация беради; бундай шеърий ахборот – оригинал мужданинг ўзиёқ шавқ-ҳайрат уйғотади: елканли кеманинг ихтиёри (аслида ҳаёт уммонида кезувчининг қисмати) “дарга шамоллар” амрида. Бу – инсон эрки, ўй-хаёллари, орзулари азалий стихия, аниқроғи, илоҳий қудрат билан чуқур руҳий алоқада деган сўз. Кейинги икки мисрада чиндан ҳам ҳеч ким аниқ жавоб беролмайдиган “мангу саволлар” (У.Азим)дан бири ўртага ташланади. Айниқса, кечаги караҳтлик ва мудроқлик, қўркув ва ҳадик-гумон мухитидан аста халос бўлиб, уйғониб бораётган тақаккур

эгалари: адаб-публицистлар, мунаққидлар, файласуфлар, муаррихлар, заковатли, илғор рухонийлар босиб ўтилган йўлимизнинг драматик, ҳатто трагик манзиллари баҳсида, шунингдек, жамият тузуми, табиат муҳофазаси каби муаммолар баҳсида “азобли ўйлар (А.Мухтор) га тақалиши ажабланарли ҳол эмас. “У томонда нималар қолди?” Бундай зоҳиран оддий, моҳиятда ўйчан-тагдор саволнинг чукур маъносини, сабабий илдизларини ким англаб етади ва унга бирдан-бир одил, комил ва солим баҳр бера олади? Ёинки: “Бу томонда не қутар мени?” саволи эндиғина ўзлигини таний бошлаган инсон-замондош учун янада ортиқроқ мушкулот бўлиб, унинг “жавоби”ни фақат илоҳиёт қонунларига ҳавола қилиш мумкин. Шу тариқа “шамоллар” тимсоли фавқулодда теран фалсафий мушоҳадалар воситасига айланади.

Энди “булутлар ҳақида” (аслида булутлар воситасида) яратилган шеърдан “руҳий манзара” (Блок) акс этган мисраларни кузатайлик.

Кулранг булут кезинади жим,  
Кулранг булут ўхшар уйқумга...

Бу – булутли осмоннинг аниқ шакл-шамойилисиз бир қўриниши заминида ўзининг хос аломати, маълум қиёфасига эга бўлган, жонлижисмли, хис этилган лирик манзара яратиш наъмунаси. “Кулранг булут”нинг биринчи осмон буржидаги ҳаво тўлқинлари таъсирида бир минтақадан иккинчи минтақа томон аста силжиб бориши “жим кезинар” ҳолатда, эҳтимол, изтиробли, қийноқли ўйларни кечираётган қай бир баҳтсиз ё исёнкор одам тимсолида сувратланишининг ўзиёқ, ҳар қалай, бизни лоқайд қолдирмайди. Кейинги мисра яна ўзгача оҳанрабога эга: сезилмас-сокин оқиб бораётган булут менинг “уйқумга ўхшар” тарзида таърифланиши шоир кузатган ният анъанавий манзара чизиш доирасини ёриб чиққанлигини кўрсатмайдими? Бундай тахминимизни кейинги икки мисра бир қадар ойдинлаштиради:

Ғамгин-ғамгин қўринар дунё –

Ўйларини қийнайди ўйлаб.

Энди аён бўладики, шоир қаҳрамонининг “уйқуси” биз тасаввур қилган уйкудан ўзгача экан!.. зоҳиран “жим кезинган”, эҳтимол, шоирлару ошиқлар уйқусига “ўхшар” булат асли булат эмас, балки “ғамгин-ғамгин кўринар дунё” тимсолига айланади. Р.Парфи наздида дунёниг ғам-ғуссалари, дарду оғриқлари шунчалар фузундирки, ҳатто “ўйларини қийнайди ўйлаб”. Демак, булат кенг маънода ўз ғамташвишларига эга бўлган дунёниг фалсафий-рамзий ифодаси бўлса, конкрет маънода қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатувчи анъанавий усулдир. Кейинги шеърий бандда “кулранг булат” парчаланади – ёмғир айланади:

Қалқиб-қалқиб куяди қараб  
Табассумлар ёзилган тупроқ.  
Чапак чалиб, сочини тараб,  
Бош ювади бир ҳовуч япроқ...

Бу гал манзара обьекти ҳам, унинг ранг-оҳанглари ҳам янгиланади, ҳатто туғилган таассурот характери ўзгаради; илк ёмғир томчилари тушган тупроқнинг ранг-рўйига назар солинг: “табассумлар ёзилган”, унинг ҳаракат-ҳолатига эътибор қилинг: “Қалқиб-қалқиб қўяди қараб”. Япроқлар-чи? Улар ёзниг кўркам табиати бағрида эркаланиб, гоҳ чапак чалиб ўйнаган, гоҳ бош ювган, соч тараган қизалоқларга ўхшайди. Шундай қилиб, “ғамгин-ғамгин кўринар дунё” – булатли осмон тугуни ечилгандан кейин қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ҳам ўзгаради – умидворлик, сафобахшлик касб этади:

Нафасларга тўла бу осмон  
Узилмайди асло кўзимдан...

Ёмғир қатралари боғу чаман ичра ҳосил қилган, сафоли унсурлар билан тўйинган шаффоф ҳаво нафаслардан нигоҳларга ўтса – кўзлар ўйига кириб борса не ажаб?! Ҳаёт билан нафосат уйғунлиги қанчалик

хаққоний ва жозибали чизилган! Мана шу азалий тароват- “нафасларга тўла” ҳилқатдан баҳраварлик ҳисси – “куздан узилмаган... осмон” кувончилик шукrona кайфиятнинг ўзи гўзал, эзгу эмасми?

Навбат “кор ҳақида” ёзилган (йўқ, қор сабаб бўлиб уйғонган кечинмаларакс этган) сарлавҳасиз бир шеърга:

Ёмғир оппоқ, паға-паға қор,  
Дардим қорлар каби сочилар.  
Хув, йироқда гуллаган баҳор  
Бўйлари кўксимга санчилар...

Қорнинг табиат наққоши яратган мўжизакор кристалл заррачалари ҳаво тўлқинида турфа айланалар ясаб, гўё муаллақ ўйину рақслар кўрсатгандай учиб-елиб, чор атрофга таралаётган эртаксимон бир манзара... асли изтиробли кишининг паришон ўйларига, қўнимиз дард-ҳасратларига муқояса этилиши қнчалик мунглигу қанчалик жозиб! Бу тирик қорли манзара камлик қилгандай, лирик қаҳрамон ошиқ ё дарвеш /қаландар/нинг тахайюл боғида – “хув, йироқда гуллаган” бўстоннинг олис жилvasи, алдамчи жозибаси бамисоли оғули наштар бўлиб “кўксига санчалар бўйлари” – Масиходай хаёлий нафаси етгандай жони-жаҳонини ўртайди. Эҳтимол, табиатнинг мўжизавий биллур қатралари – “паға-паға қор” айланиб ёғмаганда эди, қаҳармон хаёлини ўша власиз мухаббат баҳори, сеҳр- жодули гўзаликлар маскани банд этмаган бўлурди... Айникса, “баҳор бўйлари кўксимга санчилар” лавҳа-образи Р.Парфи қаҳрамонининг характерини ёрқин очиб бериши билан нафис ва жозибdir.

Шоирнинг бошқа бир сарлавҳасиз шеърида тун зулмати бағрида ўзгача қўшиқ бўлиб янграган, одамзотнинг қадимий кашфиёти – шамчироқ ўйчан мажозий образга айланди:

Чироқ. Чироқ ёнар бўзарби...  
У бир қўшиқ айтар, дўстларим.

Саҳаргача айтар куйиниб...

Чироқ ёнар – севимли орзу.

Айниқса, узун кечалар шамчироқ ёруғида мутолаа қилган, тадқиқот билан банд бўлган, бирор янгилик, кашфиёт иштиёқида ёнган ёки ижодий изланишлар шавқи ва қийноғида на вақт ўлчовини, на уйқу оромини билмаган “тунги заҳматкаш” тоифасидаги одамлар назарида чироқ фақатгина ёруғлик воситаси бўлмаса керак... Шоир эса, уни жонли, рухли, фидойи бир қуйчи тимсоли – маҳсус мажозий образга айлантиради: у тунги ҳамроҳига фақат ёруғлик қувончини бахш этмайди, балки жисман тўлғониб, “бўзариб ёнади”, шамнинг ҳаво тўлқинида ҳосил бўлган безовта ҳаракат-ҳолати, то “саҳаргача” ўз манбаи –қувватини аямай “сарф этиши” унинг жоннисор этиб, “севимли орзу” (қўшиқсиз, орзусиз яшашда маъно йўқ). Айни чоғда, ҳаёт орзудангина иборат эмас. Чироқ рамзи ҳам шундай.

Чироқ ёнар – сўнгги йўқ ҳасрат...

Сизни куйлар у тонгга қадар,

То навлатни олгунча қуёш,

Чироқни тинглангиз, одамлар.

Том маънода, дарднок руҳият образи! Шубҳасизки, шоир “одамлар” деганда онгли равишда тунни уйқусиз кечирган (уйқуни ғафлат деб билган) қалби, закоси, руҳияти билан уйғоқ, ҳаёт ва умр отлиғ буюк неъматга ўзича қиммат берган алоҳида тоифани назарда тутаётгани англашилиб туради... Чиндан ҳам чироқ ўз нури ёрдамида шуур ва зakovatингизга олам-олам мўъжиз муждалар, бебаҳо руҳий баҳралар етказиш, қалбингиз уйини равшан этиши билан баробар. Эҳтимол, ўзингиз истаб ё истамасдан кимнидир ёдга солиши, эскирган дардни янгилаши, кўнглингизни, эҳтимол дарду ҳасратлар, армонлар гирдобига тортиши мумкин... На чораки, киши ҳаётда шамчироғ билан танҳо, юзмаюз қолиб, унинг мунгли қўшиғини ҳам тинглаши муқаррар бўлган,

тунларни тонгга улайдиган руҳий ҳолатларни кечиришга рози бўлади. Зеро, “навбатни қуёш олшига” умид боғлаб, унгача садоқатли ҳамроҳ, самимий мусоҳиб – аникроғи, шамчироқ куйини тинглаш ҳар кимга ҳам мұяссар бўлавермайд. Шу тариқа, хпассос шоир чироқни ўзича хос восита билиб, ёлғиз кишининг тунги хаёллари ҳақида янги, бетакрор лирик қўшиқ-лавҳаяратади.

## Ошиқона

Хусусан, лирик шеъриятни “абадий мавзу” – муҳаббат қисматининг ҳаётий-дунёвий ва самовий-илоҳий маънолари таҳқиқига бағишлиланган дарднок, соҳир шеърлар, бир-биридан рангину жозиб образларсиз тасаввур этиш қийин. Беихтиёр Навоийнинг: “Ошиқ ўғлон кечди нангу нондин, Миллату иймону дини исломдин” каби зоҳиран исёнкорона байти ёдга тушади. Не тонгки, ислом динининг аркону аҳкомларидан бўлмиш улуғ валиуллоҳ зот сўз даҳоси сифатида ошиқлик қисматини энг юқори – муқаддас каломлар мезони билан баҳолайдики, бундай нисбатлаш усулини идрок эта олган (маълум маърифатга эга бўлган) киши учун ҳақиқий, демак, илоҳий маънодаги комил ишқ фақат “иймону дини ислом” билан мунозара қилишга матлуб ва мансубдир. Р.Парфининг ошиқона шеърларида ана шундай юксак маснад (мақом, мартаба) даги мунозара руҳи, фақат теран мушоҳада, заковат соҳибларига мушарраф бўладиган ёруғ иштибоҳ кайфияти аён сезилиб туради.

Шоирнинг бамисоли ҳаёт моҳиятини, инсон руҳиятини инкишоф этишга даъват этилгандай таассурот қодирадиган мушоҳада тарзи, ҳамиша ёниб куйлаш – “куйиниб сўзлашни ижодий таомилга айлантирган ўйчан – безовта табиати” “абадий мавзу”даги шеърларида янада чуқурроқ

очилгандай туюлади. Шоирнинг сарлавҳасиз бир манзумасидан характерли сатрлар:

Бу ёруғ оламда мен сени топдим,  
Сенинг излаганинг мен эмас, эссиз...  
Ўпид хаёлингни қонайди дардим,  
Йиғлар хотирамнинг ғариб боғлари.  
Сени тушларимда, сўраб ахтардим,  
Қайтариб бўлмас ҳеч ўша чоғларни...

Фақат фидойи эътиқод ва эътимод эгасигина ҳаётда бирон бир чора – илож топишга умид қилиб бўлмайдиган баҳтсиз муҳаббат қисматига рози бўлиши, унинг тўзимсиз озору ситамларини рух озиғи, кўнгил эҳтиёжи ўрнида қабул қилиши, тақдир насибаси деб билиши мумкин. Бу интим лирика тарихида мўътабар ғоялардан бўлиб, “васли мумкуни йўқ” (Навоий) муҳаббатнинг ҳасрат оҳанглари ошиқ аҳлини зинҳор таҳқирламайди, аксинча, бу руҳий қийноқлар муҳаббатнинг ҳаётий моҳияти ва зиддиятини (“... мен сени топдим, Сенинг изларинг мен эмас...”) очиб беришга кутилмаган лирик – трагик образларнинг туғилишига хизмат қиласди. Юқоридаги мисралар ҳакиқий интим шеър учун дард, алам ноталари нафақат бегона эмаслигидан, аксинча, ҳазин оҳанглар фузунлиги, муҳаббатнинг ҳеч бир “табибга ошкор этиш” (Фузулий) имкони ва давоси йўқ дард эканлигидан, шунинг учун уни фақат саботли одамлар, фидойи ошиқ аҳлигина кечира олишидан далолат беради.

Мана “Соя” шеърининг, биринчи қараашда оддийгина туюладиган икки сатри:

Муҳаббат, сен менга вафо қилмадинг...

Мен сени билардим, мени билмадинг.

Шоир “муҳаббат” сўзини инсонийлаштириш (тирик гавдалантириш) орқали кутилмаганда ўз зиддияти билан жозиб лирик

лавҳа яратади: ҳаёт, умр, баҳт нима эканини теран англаған, шунинг учун муҳаббатдек илоҳи туйғуга ўз қалбидан жой берган, уни тақдир инъоми, эзгулик ва поклик руҳий-маънавий гўзаллик тимсоли деб билган диёнатли одам учун маҳбубнинг “вафо қилмаслиги” шеърият тарихида янги гап эмас. Демак, авваллари дунёда муҳаббатнинг борлигига шунчалар қаттиқ ишонган, уни ардоқлаган (“Мен сени билардим”) кўнгилни ишқ илоҳи абадий тарк этган (“вафо қилмадинг... мени билмадинг”). Бундай баҳтсиз қисматнинг сабаби нимаю сабабкорлари кимлар?.. Р.Парфи бу гал фавқулодда ташбеҳларсиз, оддий сўзларнинг бадиий-мантиқий силсиласи орқали бизни қийноқли саволларга тутади... Шоир муҳаббатнинг баҳтсиз қисматини, не ажабки, “дард аҳли” баҳт ўрнида кўриб, бу васлсиз мушкул насибани суфиёна ризолик – шукроналик деб қабул қилишдек фидойилик ғоясига шундай нисбат беради:

Ойдан, юлдузлардан нарида –  
Кўзим ичра сенинг юлдузинг...  
Бу ерларга беҳуда келдим,  
Сувга чўккан чўғдек сўзларим.  
Гўзалликнинг мен қули эдим,  
Сен –хунхора малак гўзалим.

Шоир қаҳармонининг руҳан нажотсиз ҳолати билан маҳбуба раҳм-шавқатидан умидворлик оралиғи рўёдек олислигини бунчлар ўзгача ва аниқ ифодалаб бериш учун худудсиз хаёл масофаси – абадий ҳажр дунёсини шахсан кечириш, дил-дилдан ҳис этиш, унда яшаш тақозо этилади. Келтирилган ешърий парча, шубҳасиз, шундай таассурот қолдиради – азобли ўйларга толдиради...

Р.Парфи “Муҳаббат” сарлавҳали сонеталарида севги идеалининг инсон заковати тасарруф этган жами пурмаъно тушунчалардан, инсон қалбига, руҳиятига дохил ва сирдош бўлган пурдард туйғулардан

юксакроқ, самовий босқичга кўтарилишга қодир, илохий кудратига шундай бадиий нисбат беради:

Мен сенга ишонмоқ истайман, эвоҳ,  
Барча кўргуликка кўниккан ҳаёт,  
Буюк муҳаббат деб аталган Оллоҳ...  
На ер худолари, на сарват, на дин,  
Инномоғи учун одам зотига  
Мен сенга инномоқ истайман олдин.

Муҳаббат қисматининг энг қаттол, ҳатто фожеъ интиҳосидан қатъи назар, дунё ошиқларини шу буюк эътиқодга содиқлик, фидойилик ҳи сси нега тарк этмайди? Бу мислсиз гўзал руҳий дунёга мўъжизакор маъно ва қиммат берган сир ҳам асли унинг зиддиятли моҳиятида эмасмикан?! Кечмишнинг не-не покдомон, комил, валий зотлари ўз руҳини поклаш учун “катарсис” (Аристотель) ҳолатини кечирганлари – илохий ишқ кўйида риёзат чекмакни тақдири азал буйруғи деб билганлари каби, чин ушшоқ аҳли ҳам “муҳаббат деб аталган Оллоҳ”нинг хаёлий васлига ишониб яшаса, бу ёўлда ҳаммасини кечирса не ажаб?! Шу тариқа, ҳассос шоир инсон руҳий драмасининг фақат муҳаббат туйғулари воситаси-ла бериш мумкин бўлган, фавқулодда бадиий (шеърий) мантиқ заминига қурилган бутун ва теран образини яратишга муваффақ бўлади.

Шоир бошқа бир миниатюрасида муҳаббатнинг баҳтли насибасини нафақат ҳаёт билан тенглаштиради:

Сени топгунга қадар  
Қандай яшадим мен  
Наҳотки яшадим.

Р.Парфи бу гал ҳам фақат ўзининг мушоҳада тарзига хос бадиий мантиқ орқали гўё имкондан ташқари бир ҳолдан ажойиб имконият яратади, муҳими, бунга китобхонни ишонтиради. Ва аксинча, агар одам дунёда муҳаббатдек бебаҳо маънавий мўъжизанинг мавжудлигига шак

келтира, уни авайлаб, покиза сақлашга, эътиқод даражасида тутишга ярамаса, бундай инсоний дард лаззатидан бебаҳра умринг қанчалик ғофил, нурсиз –ҳароратсиз ўтишига, охир бориб ўта ғариб қисматга айланишига ажабланмаса бўлади. Шоир ўзининг хос ижодий таомилига кўра, сўзнинг маъно, мантиқ, бадия, мусиқа, ранг-тасвир имкониятларига санъаткорона ҳассослик, фавқулодда изланувчанлик билан ёндашади: ғоят муҳтасар уч сатр – саккиз сўз орқали (бунда билвосита рамизий-метафорик характердаги бирор ташбех йўқ) муҳаббатнинг мўъжизакор қудрати ҳақида, унинг инсон ҳаётига, маънавиятига, тақдирига, шунчалар кучли таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ҳайратомуз даражада бутун, ёрқин умумлашма-лирик образ яратади.

Р.Парфининг фақат “ўз-ўзига ўхшайдиган” (М.Светлов) хос шеърияти ҳақида, бу нодир истеъдоднинг ўзига хослик сир-синоати, бадиий қонуниятлари, нозик меъёрлари ҳақида аста-аста тиниқлашиб борувчи тасаввуримизни, масалан, “Дилоромнинг кўзлари” шеъри, шубҳасиз, кенгайтиради, чукурлаштиради. Мана ундан бир лирик парча:

Қора ёрқинликда шивирлар оят,  
Кўзларингни тинглаяпман энтикиб...  
Кўзларинг қаърида синиқ бир нола,  
Балким қафас ичра уйғонган наво...

Бу мисраларда ҳар бир сўз, аникроғи, сўз бирикмаси жазб этувчи бадиий кучга эга: бунда инсон ҳуқуқлари кодекси эътибори билан, эҳтимол озод бўлса-да, руҳан том маънодаги эрк, тенглик самарадан имконияту имтиёzlаридан бебара қолган қиз – Дилоромнинг пинҳоний орзулари, эзгу умид-армонлари инъикос этади. Аввало, “шивирлаш” эркка интиқ қалбнинг нидоси эмасми? Кўзларнинг... “шивирлаши”; юқорида қайд этилганидек, Р.Парфи учунхарактерли фавқулодда тасвир усули. Қолаверса, кўзларнинг шивирлаб “оят” ўқиши – шеърга сингдирилган ғоянинг ўзгача нағислик, сирлилик касб этган бадиий

ифодаси. Бу – зоҳиран инмконсиз туюлган моҳиятни идрок қилишга, руҳият теранлигини қашф этишга интилиш намунаси. Бугина эмас. “Қора ёрқинлик...” тимсолининг бевосита кўз қорачиғига, билвосита мусулмон эътиқодидаги кишининг унсиз-сассиз руҳий ҳолати – ботинида муқаддас оят калимотини ўқиши жараёнига нисбат берилиши Дилоромнинг нигоҳи ўзида қанчалик чуқур дардни яширганини ифодалайди. “Қўзларинг қаърида синик бир нола...” Умуман “кўзлар... қаъри” ҳаётни, муҳаббат оламини бутун зиддиятлари – қувончу аламлари биоан дилдан ҳис этган одамнинг тасаввуридагина зуҳур этиши мумкин. Аксинча, юмшатиб айтганда, беғам-бамайлихотир, бедард (севмаган, севилмаган), бемехр кишининг кўзлари бир қадар чуқур маъно англата олиши, ўйчанлиги билан жозиб бўлиши даргумондир. Шу жиҳатдан шоир қаҳрамонининг дард-ҳасратли кўзлари гўё “синик бир нола” бўлиб, “қафас ичра уйғонган наво” – муҳаббатдек сирли-сехрли хилқатнинг руҳий садолари бўлиб туюлиши ажабланарли эмас.

Шоир “Сумбула” шеърида ҳам “кўзлар” тимсолига қайтади, лекин бу гал ... Яххиси, эътибор беринг:

Бағримни эзишга яна шайланиб,  
Дарё бўлиб сенинг кўзларинг боқар...  
Узайиб, жилмайиб, сувга айланиб,  
Дарёга лим тўлиб вужудим оқар.

Бизга туб сабаби номаълум бўлса-да, ҳар қалай, қачондир бир-бирини беҳад даражада телбаларча севган, бироқ фалакнинг гардиши билан орага қандайдир шубҳа тушган, эҳтимол уларнинг бири ўқинчу пушаймон изтиробида, бошқаси пинҳоний қаҳру нафрат ўтида – ҳар ким ўз дарди, алами билан олишиб, тўлғонаётгани сезилиб туради. Не тонгки, қизнинг кўзлари қорачиғида бир йўла ҳар икки жафодийданинг мураккаб икки драматик ҳолати инъикос этади. Мавжли “дарё бўлиб”, тўлиб-тўлиқиб қараган кўзлардан аввалгидай меҳр-шафқат кутиш абас,

бильакс, улар қаршисидаги рақибини комига тортиши – ғарқ этиши мумкин ва пировард оқибат шундай бўлиб чиқади: шоирнинг қаҳрамони – бечора ошиқ ўша тугёнли “дарёга лим тўлиб... оқади”. Қизиги шундаки, бошқача шароитда, бундай “оқиш” унга фалокат эмас, аксинча, қувончу баҳт бўлиб туюлиши мумкин эди. Лекин ошиқнинг фожеъ қисматидан ватъи назар дарднок мунгли иборалар (“Бағримни эзишга яна шайланиб”, “сенинг кўзларинг”) руҳидан бир вақтлар орзу қилинган чин севги билан кечган дамларнинг унутилмас хотироти англашилиб турди. Шеърнинг кейинги бандида ўша сўнгсиз ҳасрат, унсиз фифон оҳанглари – азобли аросат комига ташланган, бир-биридан мушкул, нажотсиз ўй-хаёллар ифодасини кузатамиз:

Кўй, бўлди, гапирма. Кечирма мени,  
Кўзингдаги тошни ғичирлатма, бас...  
Тўхта. Бас қил. Гапирма. Бўлди!  
Ўзим гуноҳкорман. Мендан бу кўрлик.

О, умр савдос, муҳаббат қисмати! Бнчалар ширину, бунчалар аччиқ, огули насиба йўқ, унинг инсонга аталган тансиқ инъом-эҳонларига нисбатан озору ситамлари нечоғлик ортиқ, пурзиёд... Лекин янада ажаброқ ва турфароқ хол шундаки, фожеъ интиҳо (бу мисралар мазмунидан англашилиб турди) – энди тиклаб, тузатиб бўлмас бир иморат, қайтариб топиб бўлмас баҳт, янгидан бунёд этиб бўлмас давлат – муҳаббат мулки нафақат унутилмас хотирот бўлиб, азобли лаззат, “ғариб баҳтиёрлик” бўлиб қолди, балки қасоскор соя каби ё хуфия айғоқчидай таъқиб этади, тинимсиз ва аёвсиз сўроққа тутади. Ҳаттоқи, билиб-билмай қилган гуноҳларингга иқрор бўлган тақдирингда ҳам барибир, тинч қўймайди, то тирик экансан, сарсону саргардон – овораи жаҳон қиласи. Кимга арз-дод айтишни билолмайсан, фақат сўнгги нажот–шаккоклигу исёнкорлик учун қудрати илоҳийдан “тавбай комил иноят айлаш” (Навоий)ни сўрашдан бошқа тасалли – руҳий мадад борми ушшоқ

аҳлига? Эҳтимол, муҳаббат эътиқоди ҳаққи иккала дунёдан кечган машрабона туғённинг моҳияти шунда бўлса керак. Шоирнинг чиндан-да руҳият олами буржларида шакл-шамойил топган сўзонли мисралари бизни ҳам зиддиятли хаёлларга чўмдирса не ажаб?! Хулласи калом, Р.Парфининг ошиқона шерлари, шак-шубҳасиз, мумтоз шеъриятимизда ҳайратомуз уйғунлик ва таносиб касб этган зоҳирий ва ботиний ишқ – мажоз ва ҳақиқатнинг сирли оҳангларини, рангин жилоларини беихтиёр эсга солиб туради...

## **2.Руҳий хилқат тимсоллари**

Кўнгил мулки. Дил меҳвари, руҳият буржлари... Бу – кўхна дунёниг буюк шоирлари – сўз даҳолари ҳайратини, шавқу рағбатини, армонларини ўзида мужассам этган ғаройибот олами. Унинг сир-синоатини дахриёна-синфий мафкура домидан халос бўлган фанимиз ҳам тан ола бошлади. Шеъриятнинг фақвлодда имконият ва имтиёзлари, макон ва замон меъёрларига сифмас (эҳтимол, сифдриб бўлмас) теранликларию самовий кенгликлари ҳақида маҳсус, бафуржа баҳс юритишга тўғри келади...

Рауф Парфи шеърияти... Шоирнинг хосу бетакрор мажозлари, рангин рамзу истиоралари. Сўз-тимсоллар лавҳасида ҳассос санъаткор қалами-ла битилган кўнгил мулкининг бири биридан зариfu ҳарир сувратлари, руҳий оламининг ўз мақомига монанд ҳайратбахш манзаралари...

Хусусан, Рауф Парфи “тенги кам” (Миртемир) истеъдод эгалари (тўғриси, уларнинг рўйхати бармоқ билан санарлидир) тоифасидан – яна нимаси биландир ажралиб туради. Эҳтимол, бу қалб тафаккури нури-ла йўғрилган, бизга таниш назаргоҳдан холи ҳиссий хаёлот (одатий ақл-зако ўлчамларига сифмас), пурдард хотирот тажаллиси, эҳтимол, мумтоз шеъриятимизга хос дунёвий ибтидою илоҳий интиҳонинг шеърий шарҳлари, йўқ, чинакам бадиий таҳлилидир... Келинг, хос тамсилларга навбат берайлик, “Аста қора кийди мудраган жаҳон. Руҳимнинг асрлик музлари синди... Надир бу?! Қўлимда қора лоладир, ул кўздан ғойибдур, тирик ноладир” (“Бир замон...”). “Дўсти ғариб, хуш қол бу кеча. Юлдузларга сени топширдим” (“Мен ғолибмен”, “Минг йил кимни изладингиз, Минг йил сизни изладимми мен?! (Юлдузларнинг раҳми келади...)” Во ажаб! “Дўсти ғарибни ... юлдузларга топшириш” – бу шеъриятнинг ғаройиб мантиқи сифдира оладиган фақат шеърий тил орқали шакл- шамойилга солиш мумкин бўлган бетакрор образ-лавҳадир.

Ёки шоирнинг қаҳрамони хаёлидан маҳбуб билан ошиқ кўнгил бири бирини “минг йил излаши”. “бир зумда айрилмаги” фақат руҳият дунёсига хос сирли-пинҳоний жараёнлар ифодаси эмасми?

Бошқа бир мисолни мушоҳада этиб кўрайлик. “Тонггача суҳбат қурдим дарахтлар билан, тушларимни сувга айтдим. Кел, йўқолиб кетма, дедилар” (Ёдингдами қандай тун эди...”) “Танҳолик кечаси ёлғиз “дарахтлар билан” мулоқотда бўлиш, дил розини “сувларга айтиш” – табиий хилқат унсурларининг жафокаш ошиққа ҳамдардлиги – озурдаҳазин рух аломати (биз ўзимизча шундай хаёл қиласиз: бу “дарахтлар”, “сувлар” аввалроқ, қачондир баҳтиёр дақиқалар – икки шайдо кўнгил бирга кечирган фараҳбахш учрашув лаҳзаларининг шоҳиди бўлган). Балким, тун сукунатидаги бу галги тилсиз мулоқот мажнунсифат ошиқ учун биз ўйлаганчалик нажотсиз эмасдир. Сабаби, аҳли ҳол – вали зотлар сингари аҳли дард ҳам нафақат одамлар жамоасидан, балки ўзлигидан – шахсий ҳаёт эҳтиёжларидан узоқ хилватгоҳни ихтиёр этса не ажаб? Бильакс, ошиқ ўзининг бундай аҳволидан руҳан ҳаловат топиши, тақдири илоҳийга шукурлар келтириши мумкин... Шу маънода, шоир қаҳрамонининг тунги сукунатда якка-танҳо қолишини халқимизнинг “Ёлғизнинг ёри Худо” нақли нуқтаи назари-ла фақат ноиложлик, шикоят ифодаси деб талқин этиш бирёқламалик бўлмасмикин?... Менинг назаримда, дарахтлар, сувлар тилидан айтилган: “Кел, йўқолиб кетма” илтижосида теран маъно зухур этади, унда истанг – ёлғизлик, ғариблик фожеаси қанчагача давом этиши мумкин, деган ҳазин нолавор рух, истанг – юқорида қайд этилган қисматга розилик аломати мужассам аксини топган. Айни шу мавзуга дахлдор “сўз лавҳи”га чизилган образ-тимсолларни мушоҳада этайлик: “Бу – ой тўккан шуъла эмас, йўқ, Бу навога айланган сўзлар”, “Бу ерларга бехуда келдим, сувга чўккан чўғдек сўзларим”, “Хотирамнинг тасбехлари тизилди, Қайғулиман, дардга қоришган сўзим”; “Ўзимдан узоққа бормадим, Сўзимдан узоққа

бормадим”; “Сўзлардир пешонада тўпланган ажин, кўзларимиз фикрчан сўзлардир...” Рауф Парфининг санъаткорона тарашланган, қўйма бандлари, мисралари “тоза ва беандоза” (Навоий) аломатлари билан, ўзгача оҳанги-садо, акс-садолари; руҳий нидо – ўйчан паузалари, нуктадон жилолари билан ажралиб туради. Мана, яна бир тур тамсиллар мажмуи – “кўз уйи” воситаси-ла чизилган лирик манзараплар: “Кўзларинг қаърида синик бир нола, балким қафас ичра уйғонган наво”; “Кўзинг осмонидан учган юлдузлар. Мангулик осмони – бу теран кўзлар”; “Нафасларга тўла бу осмон узилмайди асло кўзимдан”; “Юлдузларнинг нурлари оғрир, Кўзларирмга келиб санчилиб”; “Эзилган юрагин эзиб тўймайдир, Гулим, кўзларингга беркинган жаҳон”; “Қора ёрқинликда шивирлар оят, Кўзларингни тингляяпман энтикиб”... Лоақал шу сўнгги байтни таҳлили қилиб кўрайлик. Аллоҳ таолонинг мўъжизаларидан бўлмиш, борлик жонли мавжудотга (демак, ички сезги орқали наботот дунёсига ҳам), аввало, ёруғ дунёнинг олти жиҳатини таниб, билиб, илғаб олмоқ, сўнгра ундан турли даражада фойдаланмоқ, шу жумладан ўзини муҳофаза қилмоқ учун ато этилган кўриш салоҳияти нафақат зоҳирий, балки ботиний дунёни идрок этиш учун қанчалик зарурлигини шоиртабиат халқимиз: “Кўз –кўнгилнинг кўзгуси”, “ақл кўзи”, “ишнинг кўзи”, “кўз гавҳари”, “кўзнинг оқу қораси”, “нури дийдаси” каби зарифу доно нақллар, иборалар билан ифодалайди. Ҳассос шоир Миртемир “қора ёғду”, “қора оташ” деб таърифлаган кўзнинг қорачиғи торайган зиёга Рауф Парфи кутилмаган тарзда илоҳий маъно беради: маҳбуба кўзлари “шивирлаб оят” ўқиётган обида (ибодат қилувчи) муслимага муқояса этилади; ошиқона нигоҳли кўзлар муҳаббат нури-ла муnis ҳабибига “қора ёрқинлик” баҳш этиш билан кифояланмайди, балки умид, нажот рамз бўлган руҳий савдо бергандай, сас ила ғамнок кўнгилга сафо баҳш этгандай бўлади...

Пурдард хаёллару сўзонли туйғулардан йўғрилган руҳий дунё ифодаси, руҳий дунё бўлганда ҳам, ҳассос ижодкор фақат ўзи биладиган, бизга, ҳар қалай, дахлсиз бўлмиш изланишлар дунёси – шоир ижодхонасининг ёрқин мисоли сифатида “Юрак” шеърини шарҳлаб ўтамиз.

Юрак, йўлларингда турганман такрор,

Роса сайраганман сенинг тўғрингда.

Ким билар, ақлимга келдинг неча бор,

Неча бор сўзладим сенинг йўғингда.

Биргина шу банднинг ўзида Рауф Парфининг хос мушоҳада тарзи гўё имконга сифдириб бўлмас бир ҳолатни шеърий мантиқ меъёри-ла ифодалаш маҳорати аён бўлади. Беихтиёр, “Ажабо, юракнинг ҳам тирик тасвирини яратиш мумкин бўларкан-а!”деган ҳайратли кайфиятни кечирамиз ва не ажабки, бундай ногаҳоний тассуротдан руҳан қаноат ҳосил қилгандек бўламиз.

Яна бир бандда Рауф Парфидек фақат “ўз-ўзига ўхшайдиган” (М.Светлов), бир шоирнинг ўзлик дунёси ва ижодий дарди (ҳамда шавқу рағбати, қувончлари)нинг тимсоли бўлмиш”юрак” икки сойир-шайдо кезувчига айланади:

Шул осмон остида кезгаймиз ҳали,

Мантиқ ахтаргаймиз изғиб изма-из.

Даркор бўла қолсанг, йиқилгил, майли,

Фақат йиқилмасин шўрлик дунёмиз.

Асосини Навоий ва Бобурлар қўйган мумтоз туркий поэтикамизнинг “илми балоға”, бадеъ”, “илми саноеъ мезонлари эътибори-ла шоир ўзлиги – “менлиги” билан шоир “юраги”нинг шеърият аталмиш улуғвор ва латиф ҳақиқат – фасоҳат мамлакатининг ҳам машаққатли, ҳам шукуҳли йўлларида саргашта кезишлари, бу олис сафарнинг гоҳ талотумли, гоҳи азиз-аржуманд манзилларида ўзгача

зарифона “мантиқ ахтариш”дек ҳаёт ва хаёл уйғунлигига эришмок масъулиятини зиммаларига олиши – аслида бу ўша юқорида қайд этганимиз – имконга сиғмас нарсадан имкон топишдек ижодий жасорат, бадиий маҳорат, санъаткорлик мисолидир. Мазкур банднинг иккинчи байтида шеър яратишдек мўъжизавий жараённинг юқори босқичи – баравж нуқтага кўтарилиши – шоир шеъриятининг фидойилик ғояси (“Даркор бўлса қолсанг, йиқилгил майли...”) ҳакида мубоҳаса юритилади. Шу тариқа, кейинги бандлар учун мантиқий замин ҳозирланади: шеър санъатининг биринчи эҳтиёжи – бадиият ибтидоси маълум такомил жараёнида етила бориб, ижтимоий дард ифодасига, оқибат-натижада умумбашарий ғоянинг тимсоли мужассамига айланади. Аникроғи, бу асрлар давомида қанчадан-қанча фузалою зурафо ахлининг эзгу армони бўлмиш фазлу камол соҳиблари жамияти ҳақидаги қадимий орзунинг замонавий шеърий инъикоси:

Майлига, ҳайқирай иймоним ҳаққи,  
Кўкларга термулиб солайнинуввос.  
Мен фақат Туркистон аталган ёрқин,  
Бир бутун Ватанни истайман, холос.  
Гарчи тутқинман-қу эркин сеҳрингга,  
Унда событ турар мақсад-манзилим.  
Қолиб кетмасай дим сенинг меҳрингдан,  
Қолиб кетмасайдим йўлда узилиб.

Кўчирилган шеърий парчанинг биринчи тўртлигига, не надоматлар бўлсинки, даҳрий мафкура касри билан ҳар қандай шафқатсизликдан қайтмас, энг оғир гуноҳдан, унинг муқаррар оқибати – интиқомдан ҳам қўрқмас йўқсиллар инқилобининг қонли жиноятлари, унинг популист даҳолари ўтказган машъум “тажрибалар” касофати билан даҳшатли туш–саробга, қаллоблик ва риёкорлик рамзига айланган “коммуна” ҳақидаги тарихий ёлғон (не-не соғдил, нодир истеъдодлар учун алдамчи хаёл!), на

чораки, шоирнинг озод-хур “юраги” билан ҳамрозу ҳамовоз истаги (“бир бутун Ватан”) тарзида ифодаланди. Инсоният тарихида мисли кўрилмаган тарихий хатолик фожиасининг биргина мисрада қолдирган асоратидан қатъи назар (аслида “барчанинг дардини ўзига олган” шоирнинг гуноҳи нимада?!) кейинги тўртликда шеърнинг маъномоҳиятини белгиловчи ғоя – ўша гўзаллик яртаиш дарди – фасоҳат туйғусидан бебаҳра қолмаслик истаги – шеър ибтидосидаги безовта рух яна ўз мавқенини эгаллади. Тўғри, бу – фақат самимий истак эмас, балки кўнгил муножоти, иймон даъвати, шоир қисмати, шеърият тақдири қайғусида, “куйиниб сўзлаш”нинг ёрқин далолати...

Ва ниҳоят, “Юрак” шеърининг охирги икки бандида шоир зотининг қисмати биз тасаввур қилганимиз – баҳоли имкон шарҳлашга уринганимиздан кўра мураккаброқ эканидан далолат берувчи дарднок ўйлар, изтиробли кечинмалар шиддати “юрак” тимсолида юксак санъат билан ифодаланганини кузатамиз.

Айтгил, куйларманми бир кун, юрагим,  
Айтгил, куйларманми боқмай ўзимга,  
Сени жарроҳ каби совуққон ва жим  
Юлиб қўярманми қофоз юзига?  
У пайт алдамасдинг кўзимга боқиб,  
Шодумон дардингни айтардинг буткул,  
Унгача илҳомлар келмагай оқиб,  
Унгача дунёни англамак мушкул.

Во ажаб!.. Юракни (эътибор беринг: санъаткор ўзининг замон ва макон меъёрларига сифлас, моддий ва руҳий оламнинг аёну пинҳоний буржларида кезувчи юрагини!) бир қадар кашф этмай туриб, шоир зотининг чиндан-да мурод топмоғи, тўла маънода “куйламак”ка маънавий ҳақдор бўлмоғи имконсиз... Бусиз бору будини, инон-ихтиёрини шеърият аталмиш хос “саноеъ нафиса” – сўз мулки измига топширмоғи мумкин

бўлмас. Бу – шеъриятни ижодий қисмат деб билган шоирнинг матлаби, армони эмасми? Юрак аталмиш руҳий хилқатни моддийлаштириб, “жарроҳ каби юлиб... қофоз юзига қўйиш”, (ҳа, бу фақат шеъриятнинг бадиий мантиғи кўтара оладиган нисбатлаш усули!), бундан кузатилган мурод – ҳар бир шахснинг “ягона ғурури, ишонган бойлиги” (Гёте) бўлмиш юракнинг биз учун яширин “шодумон дарди”ни тинглаш – қалб қулоғи билан ўқиб олиш... Асли шеърий санъатнинг сир-саноати ҳам шунда: бусиз – “илҳомлар келмагай оқиб”, бусиз – “дунёни англамак мушкул”. Шоир хаёллари, умид-армонлари ҳавоий – замонсиз бўлиб чиқмаслиги ё алдамчи – сароб тамойиллар, қаллоб гоялар қулига айланмаслиги учун ҳам у ўз “юраги” билан ҳамдард бўлиб қолмоғи даркор...

Жаҳон шеъриятининг зукко билимдонлари – мутафаккир шоир ва наҳариётчилар шеърий санъат ибтидоси – илҳомий ҳолатни шоирлар ўзлари биладиган илоҳий шавқу рағбат, дарду суурур туйғуларини мўъжиза деб аташлари, шоир дили, қалби, кўнгли – “юраги”ни ўз ижодхонаси, “санъатхона” (Шайхзода)сининг қутлуғ маскани, нуктадон маънолар дуржи сифатида эъзозлашлари, албатта, ўз қонуниятига эга. Ҳазрат Навоий шеър туғилиши жараёнида “юрак” иштирокини “дард ила сўз”, “Сўзон-ўт” ибораси-ла изоҳлаши бежиз эмас... Балким, шу боис Рауф Парфи “Она тилим” шеърида шоирларни бу хусусда хушёру огоҳ бўлишга даъват этади: “Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат улуг Алишернинг қутлуғ тилида...”

### 3.Шеъриятнинг ҳуррият буржи

Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг таркибан уч сонетдан тартиб берилган “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон” шеъри (“Тавба” китоби, “Ёзувчи”, 200) асли ёзилган 1974 (!) йилдан то ўз номида, бутун ҳолида босилиб чиққунича мураккаб йўлни босиб ўтди. Аввал “Сабр дарахти” тўпламида (1986) ношир қўмита билан мухаррир “тахрири” муҳофаза орқали “Шоир қисмати” дея номаланганд бўлса-да, дарҳол муҳлису муҳиблар тилига тушди... Ҳолбуки, камина ҳам ўша чала-ярим ошкоралик вазиятида ғойибданми, журъат топиб (шубҳасиз, адабий ҳафталикнинг мухаррири шиҷоати билан) “Шоир образи” (“Бир шеър шарҳи”) сарлавҳали мўъжаз мақола эълон қилиб эдим. Ҳа, таажжуб ҳол шундаки, мана бугунгача улуғ, ҳақиқатпарвар фидойи шоиримиз ҳақида қанча яхши гаплар айтилди ва ёзилди... Лекин, ялангтўш, ҳақсевар боболаримздан мерос жасорат ила биринчи бўлиб майдонга чиқкан ўша ҳурфикр, мағрур шеър ҳақида ё унинг иймон-эътиқоди событ, ўз сўзли муаллифи тўғрисида ҳеч кимдан садо чиқмади...

Мазкур шеър бор вужуди-ла миллий шоиримиз Чўлпон руҳиятининг муҳтасару мужассам тимсоли, нафис сўз – фасоҳат мулкининг сарчашмаси, миллат эрки, Ватан мустақиллигининг сарзамини – қадим туркий тилимиз шаънига баҳшида шоҳ мисрадан бошланади:

Она тилим, сен – руҳимнинг қаноти...

Ҳеч шубҳасиз, муқаддас қасам қасамдай янграгувчи, баайни ҳурриятимизнинг биринчи оташнафас куйчисининг ўқтам ва забардаст овозини эслатиб тургандай наърадор, айни чоғда, пурмаъно сўзларни рамзан Чўлпон монологи – шеърий нутқининг аввали (мусиқа тилида даромади, ўзига хос аккорди) деса бўлади. Рауф Парфи армонлари беадад. Буюк эркесвар шоиримиз тилидан миллий истиқлолият фидойилари хотироти – сўнмас руҳиятини дастлаб анъанавий ташбеҳлар номарғуб маънодаги “қора тавба” (Навоий)– мажоз тилида ифодалайди:

Порлоқ осмонингда қузғунлар учди...

Йўқ, кейин шоир тарзи тақозоси-ла ошкор исёнкор рух эҳтиёжини сезади – моҳиятда халқнинг ўзи кашф этган ёвузлик рамзи (“қузғунлар” мажози) инсоният тарихида мисли кўрилмаган дахрий худобехабар хунрезликлар даҳшатини рўй-рост очиб беролмаётгандай туюлади – шаклан одам қиёфасидаги, лафзан риёкор (қаллоб ва сароб “коммунизм” ғоялари билан маккорона никобланган), табиатан ёвуз, дажжол тоифа “раҳнамо”лар ўйлаб топган қирғинбарот усулларни энди анъанавий ташбеҳларсиз бевосита – “ёғийлар яғмоси” тарзида ифодалашни афзал кўради:

Эвоҳ, ёғийларинг солди яғмони,  
Ёғийларнинг жигар-қонингни ичди.

Фақат большевизм “даҳолари” ишлаб чиққан “қизил террор” – ҳарбий-инқилобий трибунал жазо усуслари, мустабид замонлардан қолган “қатли ом”нинг тарихда мисли кўрилмаган янгича қатағон (репрессия)лари жаҳон афкор оммасини ларзага келтирди!.. Рауф Парфи буни “зодаи табъ”и (Навоий) – ўз истеъодига монанд кутилмаган истиоралар тилида, ўзгача тафаккур тарзига мувофиқ, гаройиб истиоранисбатлар орқали ифодалайди:

Жигар-қон жарангি тутди жаҳонни...

Шундан кейин яна анъанавий ифода тарзига ўтилади, аниқроғи, кутилмаганда энди халқона – пурҳикмат лавҳа яратилади:

Онасен. Кечирдинг. Қонидан кечдинг...

Беихтиёр равишда: “Воажаб!” дея ёқа ушларсиз: наҳотки “қизил террор” жаллодлари ё ўз элига, миллатдошларига сотқинлик қилганлар... “қонидан кечиб” бўлса? Буни одамлар, халқ кечирган тақдирда ҳам, келгуси авлодлар, башарият ва тарих кечиравмикин? Аслида-ку бу – сабр-бардош бобида “тенги кам” (Миртемир), тийиқлилик, кечирамлилик ҳадисини бамисли суннат ибодати деб билган халқимизнинг “одамийлар

одамийси” (Навоий) – кенг феллигининг ёрқин, умумлашма мисоли бўлиб, фақат Рауф Парфи табъи назмининг аломатларидан бири, эҳтимолки, сонет поэтиказининг ўзига хос лаконизми тақозосидир... Зотан, шеърият мантиқи, шеърият баияти учун кутилмаган янгиланиш-ўзгаришлар, бир руҳий ҳолатдан – бошқа тусдаги ботиний эврилишлар жараёни ажабланарли эмас: ҳассос шоир ўқувчига аввал анчайин бадиий-мантикий сакталиқдай туюлган мушкулотни “тузатмоқ” тараддуди биланми ё азалий зиддиятлар қонунига итоат қилибми... яна хирадманд халқимизнинг ҳаёт тажрибасидан, ҳақиқат синовларидан ўтган бошқа бир аёвсиз – одилона ҳукмини ўша содда (лекин теран, пурмаъно) муҳтасар шаклдаги умумлашма ифодасини яратади:

Бироқ, кечирмадинг асло ёлғонни...

Ҳа, не-не қаро қунларни, ваҳшат балоларини бошидан кечирмади жафокаш ва балокаш халқимиз! Буни лоақал, буюк ҳақпаст шоиримиз Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага”, “Қўнгил”, “Кишан”, “Ер асиralари”, “Яна ўт” каби шеърлари, ҳеч ким, ҳеч қачон рад этолмайдиган “шафқатсиз ҳақиқат” тамсилларида умумлашма ифодасини топган ташбеҳлари, муҳлису муҳиблар аллақачон “ўзлаштириб” олган ёрқин тимсоллари исботлаши мумкин. Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, дейди доно аждодларимиз. Бас, юқоридаги шоҳсатр шеърнинг биринчи рақамли сонетидан чиқарилган ўзига хос мантикий хulosса бўлиб, бу – барча шуаро аҳлининг муқаддас қуроли – сўзга, моҳиятда эса: “Она тилим, сен руҳимнинг қаноти” янглиғ умумлашма ифодасини топган, шеърдан кузатилган асосий мақсад –улуғ муддао санъаткорона ёндашишнинг муҳтасар мисоли эди.

“Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон” шеърининг “savti навоси” – баравж пардаси – юқори, кульминацион нуқтаси 2-рақамли сонетда ўзининг тимсоли мужассамини топган. Унда жафокаш халқимиз тарихининг миллий уйғониш, том маънода, ислоҳотлар, эркин

ривожланиш ва равнақ йўлига кириш даври дея буюк умидлар билан яшаган энг журъаткор –пешқадаму событқадам сўз санъаткорларидан Чўлпоннинг умумлашма бадиий образи бор бўй-басти, пурвиқор салобати-ю эркесвар миллатпарвар салоҳияти ва ирфоний билан алалхусус, тўзимсиз армонлари, дард-ҳасратлари... бори “намудори” (Навоий)нинг ёрқин зуҳури – тажаллиси ёлқинли аломатлари-ла ажралиб, барқ уриб туради:

Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош,  
Куйиб ёдимииздан кечганлар айтсин.  
Сўзларида заҳар, кўзларида тош,  
Элидан. Тилидан кечганлар айтсин.  
Тунлар босиб келар дунё ҳасрати,  
Кунлар гизли тугён, босиб келар шеър...

Айни шу нуктада – иккинчи сонет иккинчи бандининг нақд ярмида бироз тин олиб (пауза қилиб), дастлабки шарҳга навбат берамиз: айниқса, шоҳ сатрлараро мусиқа-оҳанг тебранишлари шеърга бошқача жозиба бахш этади; чунончи, мени такроран келган “айтсин” радифига юкланган мусвиқий интоцион урғу – шоир топган ташбеҳнинг қайсиdir хиёнаткор кимсаларга қаратилгани, доғ-алами дилдан, хотиротдан, бор вужуди жондан кетмайдиган, майли пинҳон интиқомгами ё бор алам-зори тўзимсиз армонларга, афсус-надоматларгами дахлдор моҳиятан киноявий сехри ўзига банд этади... Сўнгра, кўчирилган уч байт мазмунан қанчалик исёнкор, ҳасратнишин бўлмасин, мумтоз маънодаги шоир дунёси, унинг хос хилқати, оромсиз-безовта саъжияси ҳақида, туб сабабиятига етиб бўлмас мураккаб олами ҳақида, бугина эмас, унинг эътиқод ва эътимодига хиёнат қилган элатдош, миллатдош “дўстлари” туфайли тортган изтироблари ҳақида шундайин беомон баҳс очиладики, бу бардавом ички мунозара – гоҳ мусоҳаба, гоҳ аёвсиз ҳукм-хулосалар сираси сифатида шаклланган энг кучли, энг ёрқин суврат (чуқурроқ

идрок этиб кўрсак – сийрат) лавҳаларири. Кўчирилган парчадан: “Тунлар босиб келар дунё ҳасрати, Кунлар гизли зирқиратувчи туғён, босиб келар даъваткор шеър” байтининг ҳарфу руҳини матн остидан англашилган маънени аникроқ шарҳлаб бериш осон эмас. сўнгра: “Куйиб ёдимиздан кечганлар...”, “Элидан, тилидан кечганлар...” – кимлар? Наҳотки, улар донишманд, тоғбардош халқимиз сўгиз аламу ҳасрат-надоматлар ила таъбирлаган: “ўзимиздан-ичимиздан чиқкан бало” – иймону эътиқоддек муборак туйғудан маҳруму мосуво, фақат нафратга, мазаллатга маҳкум қўрқоқ хиёнаткор сотқинлар бўлса?!.. “Империя мустабидлари” (Чўлпон) маҳаллий хиёнаткорлар гурӯхини маҳсус қидириб топиб, иблисона синовдан ўтказиб, энг разил, энг қабиҳ “юмуш”га солмаганмиди?.. Уларда заррача инсонийлик, мусулмонлик асари сақланиб қолганида эди, ёвуз, уйдирма ёлғонлар, қора маломат бўхтонлари қулига айланмаган, ҳеч йўқ, энг буҳронли вазиятда сўнгти муқаррар қасосдан қўрқиб, мислсиз айбнома ҳукмдан сақлана олганларида, эҳтимолки, улуғ сиймолардан қай бири “қатли ом” балосидан омон қолиб, майли сургунлар азобини торта-торта, охир бир кун она юртга қайтиш кимгадир насиб этармиди (масалан, машҳур рус шоир-адиблари орасида охир-оқибат сўнгти “илиқ насимлар” шароитида ёруғликка чиққанлар бор-ку!) “Банданинг боши – Аллоҳнинг тоши” дейди халқимиз, яна ким билади, дейсиз...

Мазкур (иккинчи) сонетнинг кейинги байт ва бандларида “шоир қисмати” каби тамомила бошқа ҳаёт, инсон умрининг аччиқдан-аччиқ сабоқлари, шоир зотининг мислсиз, балким, ўжар қатъияти, унинг хос саботидай илоҳиёна қудрат (“Тилар қўнглум қуши Анқодин ўтса нари – юз водий, мунугдек сайр этарга Қоғдин ортиқ саботим бор”, дейди ҳазрат Навоий), бугина эмас, ўша сабот “жавҳари” шоир мансуб бўлган халқ, миллат тақдирни билан нақфақат тил, сўз воситаси-ла, балки жон риштаси, қалб ва руҳиятнинг сирли-ботиний олами билан боғлиқ, ҳам

ҳаётий-дунёвий, ҳам гаройиб-илохий жиҳатлари ҳайратомуз мухтасар шаклда, яна аниқроғи, рауфона вазндору миқёсли ва сервиқор тимсоллар тилида ифода этилади:

... Нечук қисмат эрур шоир қисмати?  
Тушларимни бузар ҳазрат Алишер.  
Йиллар баҳоримни учирди чалқиб,  
Музларга кўчирди ўтлик ёзимни.  
Ахтардим муҳитда хас каби қалқиб,  
Мен ўз Юлдузимни, ўз Қуёшимни.  
Юлдуз – сен, Қуёш – сен, сен – она халқим,  
Сен учун синдиридим синмас созимни.

Қарангки, аслан халқона содда, табъи равон бир услубда, шунчалар пурдард, сехрли сўз-тимсоллар, қанчалик ҳасратсаро руҳий нидо лавҳалари кимнинг номидан айтиляпти? Бу улуғ армонли шоиримиз Чўлпоннинг, Мирзо Бобур тавсифича, ҳазрат Навоийнинг муборак назари тушган (Самарқанд мадрасаларида таҳсил олиб, сўнг устоз мақомига етган андижонлик шоиру воизу мутриб – фазлу камол аҳли билан яқин мусоҳиблик таъсирида) “тили қалам била ростдур” дея ҳаққоний баҳосини топган Фарғона-Андижон лаҳжасини эслатиб турмайдими? Шак-шубҳасиз, ҳар бир сўз-ташбех, истиоравий бирикмав, мажозу тимсол (“баҳорим”, “ўтлик ёзим”, “ўз юлдузим”, “ўз қуёшем”, “синмас созим”...), ҳар бир мисра, байт асли кимнинг – қайси тугёну сўзонли, исёнкор шоирнинг нафасини эслатувчи, ўзига беихтиёр жалб этувчи оҳанрабо, ўзбеона мағрур ва ўқтам суханварлик самари эканлигини англаб олиш қийин эмас... Рауф Парфининг санъаткорона маҳорати... ана шу сирли калитни тополгани, Чўлпоннинг сўз дуржи – қулфи дилини зарифона дид билан очиб беролгани, шоир тилидан унинг ўз монологини яратса олганида!.. Бугина эмас. Мен ҳайратимни яшиrolмайман: “Ҳазрат Алишер”га меҳр-ихлосим баланд бўлганиданми юқорида келтирилган

саккиз сатрнинг биринчи байтидан англашилган маъно миқёсини шунчаки шарҳлаб ё кенгроқ таҳлил қилиб, борингки, таҳқиқ этиб, интиҳосига етолмасам керак, деб ўйлайман:

Нечук қисмат эрур шоир қисмати?

Тушларимни бузар ҳазрат Алишер!..

Халқимизнинг “Уйқум бузилди, уйқум қочиб кетди” каби узоқ хаёл, аксари изтиробли хотиротни образли-истиоравий тилда ифодалаган ибора-нақллари борлигини билардим. “Тушларимни бузар” – янада ғаройиб анчайин мураккаб руҳий жараёнлар ифодаси эмасми? Шунинг учун ҳам мен байт охирида ундов аломати билан кўп нуқта қўйишга журъат этдим. Рауф Парфи эса, ҳатто элюарча услубда, яъни тиниш белгиларисиз ҳам ўқувчини зиёдроқ жазб эта олади!.. Аввалги сўзимга қайтаман: “Ҳазрат Алишер”нинг барча шуаро аҳли орасидан тенги топилмас номини бугун биз эмас, балки Чўлпон каби, энди ўзи ҳам сирли бир дунё бўлиб қолган буюк шоиримиз чексиз ифтихор ила тилга оляпти (дарвоқе, Рауф Парфи ўз ижодий йўлининг деярли бўсағасида – 1965 йилда “Она тилим” шеъридаёқ фавқулодда масъулият қатъият ила баралла айтган эди: “Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат улуғ Алишернинг қутлуг тилида”). Юқорида қўчирилган парча мисраларини шарҳлашда давом этамиз: “Ахтардим муҳитда хас каби қалқиб, мен ўз Юлдузимни, ўз Қуёшимни”. Бизни беихтиёр равиша азобли саволлар чулғаб олади: тўзимсиз маломатлар – “ҳақорат ва сафолатлар муҳитида Чўлпон “ахтарган... ўз Юлдузи, ўз Қуёши” унинг таҳаййур ва таҳаййул оламига, шоир рағбатига рағбат бағишлиши мумкин эди!.. Шоирнинг “ўз Юлдузи” унинг ҳам волаи шайдо, ҳам ортиқ озурда қўнглига мадору малҳам, букилмас иродасига қувват, тушкин руҳига нажот берган бўлмасмиди, эмин-эркин орзу қилинган бошқача шароитда... Чўлпон ва чўлпонлар хаёли яратган – шоирнинг “ўз Қуёши”дан ёғилган, ҳиммату саховат бобида бебадал ва бенисбат неъматлар-чи? Айниқса, шоир зоти

тасарруфидаги “насаб ва ҳасаб” (аслий-туғма ва шахсан ўзи интилиб-изланиб эришган) имкониятларини теран англаб етган сохибкамол, забардаст шоирнинг ўша мустамлака қарамлиги шароитида (эрксизлик сиқуви муҳитида туғёну исён шиддати-ла ғазабнок тусга кирган, чинакам футувватли-журъаткор кайфиятда.. “ўз Қуёшини ахтариши”ни қай тил билан айтиб тугатиб бўлади?.. Айниқса, сўнгти байт замирига жойланган, унинг ташбеҳу тимсоллари руҳига сингдирилган, ҳам умидвор-таскинли, айни чоғда, ҳам ҳазин-мунгли оҳанглар пардасида – ўз зиддияти-ла кучли лирик-драматик лавҳани (“Юлдуз – сен, Қуёш – сен, Сен– она халқим, Сен учун синдиридим синмас созимни...”) фақат зоҳирان – умумийтарпзда, асосан, муштарак маъно англатувчи, анъанавий такрир санъати намунаси сифатида шарҳлаб ўтиш мумкин.

Ва ниҳоят, сўнгти – учинчи сонет андозасида яна ўша сирли-ғаройиб дунё – шоир қисмати тавсифи даражасида (гарчи аввалги қисмбайтлари каби баравж пардаларда бўлмаса-да, ҳатто улуг ижодкорларнинг барча байтлари бирдай салмоқдор, жозиб-пурвиқор бўлиши имконсиз), ҳар қалай. Чўлпон услубига монанд салмоқдор ҳикматлар – халқона равон, ҳаётнинг ўзидай рўйирост, муқобил фалсафий нисбатлар тилида ифодаланади:

Завқларга тўлар у, Бир Сўзни излар,  
Дунёда ҳеч бир зот билмас, не учун,  
Айрича кулар у, айрича бўзлар...  
Юарги яриму бутун иймони,  
Талотум оламни шивирлаб чорлар,  
Тани омонатдир, нақд эрур жони.

Шоир ҳарактери – саъжиясининг зоҳиран гўй муқобил қўринган шеърий нисбатлар (“Завқларга тўлар у – Бир Сўзни излар”; “тани омонатдир – нақд эрур жони”) умуман шоир дунёси, хусусан, Чўлпоннинг шафқтсиз ва золим замона зайли билан рўйирост

лавҳаларда битилган қисмат китоби ҳақидаги муайян тасаввуримизни тиниқлаштиради; бу гал энди ортиқ ҳаяжон-ҳайратга солмаса-да, беихтиёр ўйга толдиради. Мазкур бўлим бандларида ҳам ўз халқининг “тили ва дили”, номуси ва виждони саналган ҳақиқий шоирга ножинс ҳасадгўйлар, ғаразли ғаламисларнинг ёвуздарча муносабати миллатимиз руҳий илдизларида, миллатимиз шуурида, қалбида бимтмас заҳм-жароҳат яратган ғояти совуқ, маломат тамғаси (“халқ душмани”) ... бу сафар ўша нияти қора нокасларнинг ўzlари устидан чиқарилган тарих ҳукмидай “тавқи лаън” рамзидаин ғазабнок оҳангда янграйди:

Йўлсизлик йўлдоши, толеъи нигун,  
Ҳеч қачон тўярми ахир ёвуздар?!  
Бу – халқ душмани, деб тутсалар бир кун,  
Барибир, у халқнинг номидан сўзлар.

Гаройиб бир зиддият (асли юононча “парадокс” сўзининг рауфона топқирилик маҳсули (мудҳиш уйдирма-маломатли сўз бирикмасининг кутилмаган ҳолда марғуб талқини: “халқ душмани... халқнинг номидан сўзлар”), бу – мумтоз поэтикамизда “тазоди ийҳом” деб юритилади. Аллоҳга минг-минг шуқрлар бўлсинки, ҳақ жойига қарор топди: халқнинг асл, довюрак, ҳалол-пок, фидойи фарзандлари худобезори дахрий каззоблар бедодлиги, жабру жафосидан ҳам, уларнинг турфа хил, ёвузлик асорати “тамға”лари ҳақорат-маломатидан ҳам бир йўла халос бўлади! Агар бу ҳақрост, журъаткор мисралар ҳали 1974 йилда яратилганини, борингки, 1986 йилда “Сабр дарахти” китобининг, юқорида қайд этиб ўтилган айрим эҳтиёткорона-маҳфуз “ислоҳотлари”-ла эълон қилинганини эътиборга олсақ, Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг ҳам ижодий, ҳам инсоний ва фуқаролик эътиқоди аввал-бошдан устувор (лугавий маъноси: мустаҳкам, пойдор) бўлганидан далолат бермайдими?!

Илло қадим-қадимдан то ҳануз жафокаш юртимиз, балокаш халқимизнинг том маънодаги сўз санъаткорлари каби Чўлпоннинг ҳам:

Бошида қора қиш, оппоқ баҳорлар,  
Талотум оламни шивирлаб чорлар...  
Кўкрак қафасида ловуллаб порлар  
Буюк муҳаббатнинг қонли нишони...

Ҳассос ҳақгўй шоир, руҳият мусаввири – Рауф Парфининг бу янглиғ хосу рост сўзлари – ташбеҳу тимсоллари, рамзу мажозлари, кутилмаган истиораю киноялари, дақик тажнислари – фақат шеърият мантиқи қўтара оладиган нуктадон маъно жилолари, хаёл нозикликлари сирига биз ўзимизни бақадри имкон тайёрлаб бораётганимизни аста-аста идрок эта бошласак, масалан: “талотум оламни *шивирлаб чорлагувчи*” руҳий хилқат ҳам, “кўкрак қафасида *ловуллаб порлагувчи*” сирли қудрат ҳам (зоҳиран мажозий, моҳиятда ҳақиқий-илохий), бку – “буюк муҳаббатнинг қонлинишони” – *шоир юраги* эканига, “фақат унинг ўзига, ўзлигига мансую қалб мулки, ягона бойлиги ва ғурури” (Гёте) эканига мутлақ амин бўламиз...

Алқисса, “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон” – нафақат Рауф Парфининг ижодий такомилида (шоир 2003 йилда олтмиш ёшга тўлди!) эзгу ва муқаддас ҳақиқатнинг мужассам тимсоли – “Бир Сўз”ни баралла айтишга (майли, ўша чала-маҳдуд “ошкоралик” арафасидаёқ) астойдил чоғлангани, ахийри, ғойибданми, журъат топгани эътибори-ла, бу ўтган XX аср ўзбек шеърияти қаҳқашонида ҳеч муболағасиз, бурилиш нуктаси – янги инкишоф этилган “митти юлдуз” (А.Орипов)лардан бири сифатида ўзининг муносиб ўрни ва баҳосини олажагига ҳеч кимда шубҳа-иштибоҳ қолдирмаса керак...

\* \* \*

Ҳай, дариф! Улуғ шоиримиз Чўлпоннинг шунчалар мухтасару шунчалар мужассам шеъриё тимсолини уч сонет доирасида санъаткорона яратса олган “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон” унвонидаги тенги, нисбати йўқ бу ёднома манзуманинг кутилмаган тақдирини қўрингки... мана

фалак айланиб, бу журъаткор шеър унинг бетакор ижодкори –Рауф Парфининг ўзи сўнмас сиймоси учун ҳам билвосита ёдгор асарларининг бирига айланди... Аслида шеъриятни қисман деб билган шоирнинг ва ҳақиқий шеъриятнинг боқийлиги сири ҳам шунда бўлса керак...

Ботирхон Акрам,

профессор